1. Bezrukov B.N. Specification of video monitoring of broadcast television images, Materials of the HAT International Congress, Moscow, 2002. – С. 215–216.
2. Vorobel R.A. Image contrast improvement using a modified method of lump stretching. Selection and processing of information / R.A. Vorobel, I.M. Journal – M.: 2000, – № 14 (90), – С. 116–121.
3. Gonzalez R., Woods R. Digital image processing / Pereyev. from English – M.: Technosphere, 2006. – 1070.
4. Gonzalez R. “Digital image processing” [Text] / R. Gonzalez, R. Woods – M.: “Technosphere”, 2005. – 1073.

MODERN INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE DESIGN OF ROADS AND RAILWAYS

Saida BEKNAZAROVA,

*Doctor of technical Sciences, Professor, Tashkent University of Information
Technologies named by Muhammad Al-Khwarizmi, Tashkent, Uzbekistan*

E-mail: saida.beknazarova@gmail.com

Doston XAMROYEV,

*student of Tashkent University of Information Technologies named
by Muhammad Al-Khwarizmi, Tashkent, Uzbekistan*

Bexruz ABSAMITOV,

*student of Tashkent University of Information Technologies named
by Muhammad Al-Khwarizmi, Tashkent, Uzbekistan*

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-p74-77>

Abstract: *The article discusses the issues of design, construction and operation of highways, which include a huge number of tasks related to both planning, project coordination with existing infrastructure, and solving local technical problems. Each project involves a large number of participants whose interests should be taken into account. Information modeling, special software help to solve these and other tasks.*

Keywords: *modern information technologies, information design of roads and railways*

Recently, there has been a significant increase in the requirements on the part of the customer for the quality of transport facilities projects in the context of the need to shorten the design time. In this regard, an urgent task is the introduction of new technologies at all stages of project development from engineering surveys to computational justification and design.

Modern design technologies assume, firstly, the use of professional software to solve the tasks, secondly, the availability of special means of organizing joint work on the project, which allows to increase the reliability of data and minimize the time for approving changes, and thirdly, the possibility of designing a transport structure as a single object, including interconnected elements. In this case, making changes to one element automatically leads to changes in others related to it, which, in turn, significantly reduces the design time. Let's consider the main characteristics of software tools on the basis of which a modern technology for designing infrastructure facilities can be built, as well as examples of tasks solved with their help.

GeODin Program. This program is designed to process engineering and geological survey data. Engineering and geological surveys are a necessary stage of the pre-project study of the territory provided for construction. The results obtained at this stage largely determine the technology of design and construction, as well as provide the necessary data on the characteristics of soils that are used in the calculation justification [1].

To solve the problems of processing field and laboratory research data in the technological chain under consideration, it is proposed to use the GeODin program developed by the German company FUGRO. This program allows you to perform not

only data processing to obtain the necessary graphs and tables, but also to create a Database of Geological Data of the territory, which can be replenished, adjusted and used in the design of other objects.

Plaxis software package. This complex is designed to carry out the design justification of the project, taking into account the joint work of structural elements in a complex geotechnical system “structure-base”, taking into account the technology of construction of the object and its further operation. For linear structures, first of all, calculations are performed to substantiate projects of road embankments for various purposes. When performing these calculations, the design engineer faces a large number of complex geotechnical tasks. These tasks are related to the need to take into account a number of important provisions and factors in the project, which include:

- the geological structure of an inhomogeneous soil base, the properties of soils and the mechanical processes occurring in them;
- special construction conditions related to the proximity of existing structures, the availability of utilities;
- technologies for the construction of the roadbed and technologies for the artificial improvement of the foundation soils;
- application of combined building structures of ground and underground structures and their interaction with the ground;
- static and dynamic loading conditions during construction and operation of the structure.

The correct choice of the solution of the tasks facing designers determines the high rates of efficiency and reliability of the constructed and operated transport construction facilities.

One of the modern software tools for geotechnical calculations is the Plaxis software package, which is a package of applied computing programs for finite element analysis of the stress-strain state of complex geotechnical systems [2].

The AutoCAD Civil 3D program

The program offers the technology of designing the future. The use of this program allows you to solve the problems of processing geodetic survey data (creating a top plane and a digital terrain model) and designing transport facilities in a single information environment. This practically eliminates the need to convert data from one program to another, which, as a rule, is associated with the loss of time, and sometimes the data itself. But most importantly, AutoCAD Civil 3D implements the approach of designing a road as a single three-dimensional object. The necessary working documentation – drawings of the plan, profile, sections, statements and tables are created on the basis of this model.

All Civil 3D objects have logical connections to each other. The structure of these connections can be traced in the following diagram:

Due to this relationship, the 3D model of the projected object is dynamic, i.e. when the source data changes, it is completely updated. For example, after making changes to the earth's surface data, the longitudinal profile is updated, the corridor is rebuilt, the cross-sections are changed, volumes are recalculated and new parameters are entered into tables and drawings. Thus, all work is carried out only on the basis of up-to-date data.

Dynamic three-dimensional model simultaneously with the powerful functionality of the program can significantly reduce the time of considering several options, developing projects of any complexity, making changes.

With the help of the AutoCAD Civil 3D program, you can develop projects for both the construction of new and reconstruction of existing roads and railways, transport interchanges and many other infrastructure facilities.

As an example, we can consider several typical projects performed in the AutoCAD Civil 3D program.

The first project is a two-level transport interchange of the “clover leaf” type. As part of this project, a three-dimensional model of the entire object was created. The initial data were surface points, routes of intersecting main roads with longitudinal profiles and typical cross-sections.

Taking into account the geometry of the cross sections, circular exits were originally designed, and then right – hand ones. The removal of the transverse slope at the exits from 20% to 40% was provided by means of an additional longitudinal profile along the outer edge of the exit.

Models of all exits and main roads were created as separate corridors, which made it possible to determine the amount of excavation and materials separately for each exit and for each road.

The second project is the reconstruction of a city street. Within the framework of this project, the tasks of reconstructing the carriageway of the avenue with adjacent sidewalks and preserving red lines were solved [3].

The dynamic model created in the AutoCAD Civil 3D program made it possible to quickly determine the optimal level of the axis of the roadway, taking into account the position of the drainage wells and the marks of the red lines.

The third project is the reconstruction of the intersection. To ensure drainage, longitudinal profiles were designed along the trays, and the complicated geometry was described with the help of additional routes. Linking the corridor model to additional routes and profiles made it possible to take into account all the nuances of the urban intersection.

Working in the AutoCAD Civil 3D program is based on working with objects and their types, so by setting a new type, you can easily change the appearance of objects on the screen or in the drawing. This approach makes it possible to adjust to industry standards for the design of drawings.

To date, the task of computer-aided design is solved to one degree or another by most design organizations, while the issue of teamwork and project management often remains unresolved. To solve this problem, Autodesk offers the Vault application, which is included in the delivery of AutoCAD Civil 3D. The Autodesk Vault program allows you to organize projects that are available to users with certain rights. The advantage of this system is the ability to add to projects and further work with absolutely any files. Any change is recorded in the project log, which allows you to track who and when edited the data and, if necessary, restore any version of the file.

A distinctive feature of the Autodesk Vault program is its integration into Civil 3D. This allows you to access the project directly from the AutoCAD Civil 3D program, as well as create links to individual drawing objects: surfaces, routes, profiles, etc [4].

Modern operating conditions of infrastructure facilities impose ever-increasing requirements for design work of both new construction and repair and reconstruction. It is possible to meet such requirements only if new design technologies are introduced and modern software is used.

REFERENCES:

1. Fedotov G.A. Automated design of highways / G.A. Fedotov. – M.: Transport, 1986 – P. 317.
2. Fedotov G.A., Pospelov P.I. Surveys and design of highways. In 2 books. Book 1: Textbook. – M.: Higher School, 2009 – P. 646.
3. Zhukhovitsky G. Problems of introducing end-to-end digital technologies into practice / G. Zhukhovitsky, A. Pigin // Roads of Russia of the XXI century. – 2002 – No. 1 – P. 68–70.
4. Suzko I.V. CREDO system MASTER PLAN 1 – advanced features designing objects of the general plan / I.V. Suzko, T.V. Tarasevich // Automated research and design technologies. – 2005 – No. 4 – PP. 8–14.

БЎСАҒАВИЙ ФУНКЦИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ТАНИБ ОЛИШ АЛГОРИТМЛАРИ

Гулмира МИРЗАЕВА,

*Муҳаммад ал-Хоразмий номли Тошкент ахборот технологиялари
университети,*

E-mail: grmirzaeva@mail.ru

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp77-82>

КИРИШ

Бир неча 10 йиллар давомида тимсолларни таниб олиш соҳаси информатика ва информаион технологияларнинг кенг тарқалган йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Охирги йилларда тимсолларни таниб олиш йўналишида олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларидан фойдаланиб, ҳал қилинаётган амалий масалаларнинг сони ҳам узлуксиз ортиб бормоқда. Шунга қарамай, ҳозирги кунда белгилар фазоси ўлчамининг катталигини ҳисобга олган ҳолда таниб олиш алгоритмларини синтез қилиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган [1-3].

Мазкур мақоланинг асосий мақсади белгилар фазосининг ўлчами катта эканлигини ҳисобга олган ҳолда таниб олиш алгоритмлари моделларини ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак: 1) таниб олиш алгоритмларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва тадқиқот масаласини аниқлаш; 2) белгилар фазосининг ўлчами катта бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда тимсолларни таниб олиш алгоритмлари моделларини ишлаб чиқиш; 3) модель масалаларни ечишда ишлаб чиқилган таниб олиш алгоритмларини синовдан ўтказиш.

Таниб олиш алгоритмларининг ҳозирги ҳолати. Тимсолларни таниб олиш назариясининг ривожланиши иккита даврга ажратилади [1-5]. Биринчи даврда таниб олиш алгоритмлари, аниқ бир амалий масалани ечишга қаратилиб яратилган, унинг қиймати биринчи ўринда экспериментал натижалар асосида белгиланган. Ривожланишнинг иккинчи даврида ягона алгоритмларни қуришдан, уларнинг моделларни қуришга, яъни синфлаштириш масаласини ечишга қаратилган алгоритмлар оиласини ишлаб чиқишга ўтилган. Бугунги кунга қадар тимсолларни таниб олиш алгоритмларининг бир қатор моделлари ишлаб чиқилган ва улар етарлича чуқур таҳлил қилинган. Улар орасидан етарлича кенг тарқалганлари қуйидагилардан иборат [3-5]: бўлиш тамойилига асосланган моделлар [6-9]; эҳтимоллар назарияси ва математик статистикага асосланган моделлар [9-11]; математик мантиқ аппаратида таянган моделлар [12-15]; потенциал функциялар асосида қурилган моделлар [9, 16-18]; баҳоларни ҳисоблаш асосида қурилган моделлар [3-5, 19-21].

Ушбу таниб олиш моделларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, улар, асосан, белгилар фазосининг ўлчами катта бўлмаган ва белгилар ўртасида боғлиқликлар мавжуд бўлмаган ҳолларда фойдаланишга мўлжалланган.

Ҳозирги кунда таниб олишнинг катта ўлчамли белгилар фазосида берилган амалий масалалари кўплаб учрайди. Бундай масалаларни ечишда белгилар эрклилиги ҳақидаги фараз кўпинча бажарилмайди. Бундан келиб чиқадики, катта ўлчамли белгилар фазосида берилган объектларни таниб олиш алгоритмларини яратиш муаммоси етарлича тадқиқ этилмаган.

Масаланинг қўйилиши. Фараз қилайлик, $\mathfrak{X}$ рухсат этилган объектлар тўплами, қуйидаги чекли синфлар билан берилган бўлсин: $K_1, \dots, K_j, \dots, K_l$ [4]. Таъкидлаймизки, $\mathfrak{X}$ объектларнинг синфларга бўлиниши тўлиқ аниқланмаган ва $K_1, \dots, K_j, \dots, K_l$ синфлар ҳақида қандайдир $\mathbb{I}_0$ маълумот бор:

$$\mathbb{I}_0 = \{S_1, \dots, S_i, \dots, S_m; \tilde{\alpha}(S_1), \dots, \tilde{\alpha}(S_i), \dots, \tilde{\alpha}(S_m)\}, \tilde{\alpha}(S_i) = (\alpha_{i1}, \dots, \alpha_{ij}, \dots, \alpha_{il}),$$

бу ерда $\alpha_{ij} = P_j(S_i) = "S_i \in K_j"$ предикатнинг қиймати; $\tilde{\alpha}(S_i)$ - S_i объектнинг информатив вектори. Объектларнинг ихтиёрий тўплами $\tilde{S}^q = \{S'_1, \dots, S'_i, \dots, S'_q\}$ берилган бўлсин ($\tilde{S}^q \in \mathfrak{X}$). Шундай A алгоритмни қуришдан иборатки, у бошланғич маълумотлар $\mathbb{I}_0$ асосида берилган $S'_1, \dots, S'_i, \dots, S'_q$ объектлар учун $P_1, \dots, P_j, \dots, P_l$ предикатлар қийматини ҳисобласин.

Таклиф қилинган ёндашув. Ушбу таниб олиш масалани ечиш учун янги ёндашув сифатида таклиф қилинган. Бу ёндашув асосида модификация қилинган алгоритмлари модели ишлаб чиқилган. Мазкур модел РФА академиги Ю.И. Журавлев ва уларнинг ҳамкасблари ҳамда шогирдлари томонидан олинган илмий натижаларининг мантиқий давомидир.

Таклиф қилинган таниб олиш алгоритмлар моделини қуриш қуйидаги олти босқичдан иборат:

1. Кучли боғланган белгилар қисм тўпламини ажратиш. Ушбу босқичда таркиби n' параметрга боғлиқ белгиларнинг “боғлиқ бўлмаган” қисм тўплами системаси аниқланади.

2. Репрезентатив белгилар тўпламини шакллантириш.

Репрезентатив белгиларни танлашнинг асосий ғояси шаклланаётган репрезентатив белгилар тўпламининг фарқи (ўхшаш эмаслиги)дадир.

3. Икки ўлчамли фазода S_u ва S объектлар орасидаги $d_v(S_u, S)$ яқинлик функциясини аниқлаш. Ушбу босқичда икки ўлчамли репрезентатив белгилар фазосида S_u в S объектлар орасидаги ўхшашликни характерловчи яқинлик функцияси берилади. Икки ўлчамли белгилар фазосида $\mathcal{D}_v$ ($\mathbb{D} = (\mathcal{D}_1, \dots, \mathcal{D}_v, \dots, \mathcal{D}_n)$, $\mathcal{D}_v = (x_{v_1}, x_{v_2}), x_{v_1}, x_{v_2} \in X'$) ушбу объектлар орасидаги яқинлик қуйидагича аниқланади:

$$d_v(S_u, S) = \sum_{i=1}^2 \gamma_{v_i} (a_{uv_i} - a_{v_i})^2$$

бунда $\gamma_{v_i} - x_{v_i}$ белгининг муҳимлигини тавсифловчи параметр ($\gamma_{v_1} + \gamma_{v_2} = 1$); $a_{uv_i} - S_u$ объектнинг x_{v_i} белгисига мос қиймати; $a_{v_i} - S$ объектининг мазкур белгиси қиймати.

4. Икки ўлчамли фазода кучли боғланган объектларнинг қисм тўпламини ажратиш. Бу босқичда икки ўлчамли репрезентатив белгилар фазосида кучли боғланган объектларнинг m' та қисм тўплamlари уларнинг ўзаро яқинлигини баҳолаш орқали аниқланади. Мазкур босқични бажариш натижасида қуйидаги қисм тўплamlар ажратилади:

$$\mathbb{V} = \{V_1, \dots, V_q, \dots, V_{m'}\}.$$

Бу қисм тўплamlар қуйидаги шартларга жавоб бериши талаб қилинади:

$$\bigcap_{q=1}^{m'} V_q = \emptyset; \quad \bigcup_{q=1}^{m'} V_q = \mathbb{V}_g.$$

5. Кучли боғланган икки ўлчамли объектларнинг вакилларини аниқлаш. Бу босқичда ҳар бир кучли боғланган объектлар V_q қисм тўпламининг типик вакили сифатида S_q^E объект аниқланади. S_q^E объектнинг компонентларини V_q қисм тўплaml элементларининг ўртача қиймати сифатида ҳисоблаш мумкин:

$$b_{qi} = \frac{1}{|V_q|} \sum_{S_u \in V_q} a_{ui}, \quad i = \overline{1, 2}.$$

6. Икки ўлчамли фазода S_u^E ва S объектлар орасидаги $\mu_v(S_u^E, S)$ яқинлик функциясини аниқлаш. Бу босқичда икки ўлчамли $\mathcal{D}_u$ фазосида ($\mathcal{D}_u \subset \mathbb{D}, \mathbb{D} = (\mathcal{D}_1, \dots, \mathcal{D}_v, \dots, \mathcal{D}_n)$) S_u^E ва S объектлар орасидаги фарқни характерловчи яқинлик функцияси берилади:

$$\mu_v(S_u^E, S) = \begin{cases} 1, & \text{агар } d_v(S_u^E, S) \leq \varepsilon_v \text{ бўлса,} \\ 0, & \text{агар } d_v(S_u^E, S) > \varepsilon_v \text{ бўлса,} \end{cases}$$

$$d_v(S_u^E, S) = \sum_{i=1}^2 \gamma_{v_i} (b_{uv_i} - a_{v_i})^2,$$

бунда ε_v – алгоритм параметри; $b_{uv_i} - S_u^E$ объектнинг x_{v_i} белгисига мос қиймати;

7. Икки ўлчамли фазода S объектни K_j синфга яқинлигини баҳолаш.

Ушбу босқичда икки ўлчамли фазосида S объект билан K_j синф орасидаги яқинлиқни характерловчи баҳо ҳисобланади:

$$\Gamma_v(K_j, S) = \sum_{S_u^E \in K_j} \gamma_q \mu_v(S_u^E, S).$$

бу ерда γ_q – алгоритм параметри.

Мазкур босқични бажариш натижасида S объект билан K_j синф орасидаги яқинлиқни ҳар бир D_u ($u = \overline{1, n}$) фазосида баҳоловчи элементар таниб олиш оператор $\Gamma_v(K_j, S)$ қурилади.

8. Кучли боғланган элементар таниб олиш операторларнинг қисм тўпламини ажратиш. Бу босқичнинг асосий ғояси худди 1- ва 4-босқичлардаги каби. Ўзаро кучли боғланган элементар таниб олиш операторларнинг қисм тўпламларининг таркиби n' параметрга боғлиқ.

9. Элементар таянч таниб олиш операторлари тўпламини шакллантириш. Бу босқичнинг асосий ғояси танлаб олинган таянч таниб олиш операторлари тўпламининг элементлари орасида ўхшаш баҳолар матричасини шакллантирадиган операторларни йўқотишдан иборатдир.

10. Афзал таниб олиш операторлари тўпламини шакллантириш. Ушбу босқичда $\tilde{S}^m$ тўпламнинг объектлари бўйича баҳолар матричасини шакллантирадиган таянч операторларни баҳолаш асосида афзал таниб олиш операторларини танлаш амалга оширилади.

11. Афзал таниб олиш операторларидан фойдаланиб, K_j синф бўйича S объект учун баҳолар векторини шакллантириш. Ушбу босқичда K_j синф ва S объект орасидаги яқинлиқни баҳоловчи махсус таниб олиш оператор аниқланади:

$$\mathbb{B}(S_p, S_q) = \sum_{u=1}^k \tau_u \mu_{1u}(S_p, S_q),$$

бу ерда τ_u – алгоритм параметри.

Мазкур босқични бажариш натижасида n'' та афзал таниб олиш операторларини танлаш амалга оширилади ва уларни $\mathbb{B}$ белгилаймиз.

12. Афзал таниб олиш операторлари асосида S объектнинг K_j синфга яқинлигини баҳолаш. Ушбу босқичда S объект билан K_j синф орасидаги яқинлиқни характерловчи баҳо ҳисобланади. Фараз қилайлик, $\mathbb{B}$ - афзал таниб олиш операторларидан иборат тўплам бўлсин. У ҳолда S объект билан K_j синф орасидаги яқинлиқ қуйидагича аниқланади:

$$B(K_j, S) = \sum_{\Gamma_v(K_j, S) \in \mathbb{B}} \lambda_v \Gamma_v(K_j, S).$$

бу ерда λ_v – алгоритм параметри.

13. Қарор қабул қилиш. Қарор қабул қилиш қуйидагича амалга оширилади:

$$C\left(\Gamma(S_p, K_j)\right) = \begin{cases} 0, \text{ агар } \Gamma(S_p, K_j) < c_1 \text{ бўлса;} \\ \Delta, \text{ агар } c_1 \leq \Gamma(S_p, K_j) \leq c_2 \text{ бўлса;} \\ 1, \text{ агар } c_1 > c_2 \text{ бўлса,} \end{cases}$$

Таниб олиш алгоритмларининг таклиф этилган модели босқичлари π параметрлар мажмуасини ажратиш имконини беради. Агар ушбу параметрларда маълум сонли қийматлар аниқланса, у ҳолда таниб олишнинг мос алгоритмини оламиз.

Таҷрибавий тадқиқотлар. Ишлаб чиқилган таниб олиш алгоритмлари асосида дастурий мажмуа яратилди. Ишлаб чиқилган дастурий мажмуанинг ишлаши бир неча модел масалаларни ечиш билан синовдан ўтказилди. Бунда таниб олиш аниқлигини таниқли алгоритмларга [16, 19] нисбатан ўртача 6-10 фоизга ошириш имконини беради.

Хулоса. Белгилар фазосининг ўлчами катта бўлган ҳолда тимсолларни таниб олиш масаласини ечиш мақсадида такомиллаштирилган таниб олиш алгоритмлари модели ишлаб чиқилди. Мазкур моделнинг асосий ғояси икки ўлчамли белгилар фазосида таниб олиш алгоритмларини қуришдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Камиллов М.М., Мирзаев Н.М., Раджабов С.С. Современное состояние вопросов построения моделей алгоритмов распознавания // Химическая технология. Контроль и управление. – Ташкент, 2009, № 2. – С. 67–72.
2. Фазылов Ш.Х., Мирзаев Н.М., Мирзаева Г.Р. Классификация основных подходов при построении распознающих алгоритмов // Современная техника и технологии: проблемы, состояние и перспективы: Материалы XVII Всероссийской научно-практической конференции. – Рубцовск, 2018. – С. 230-238.
3. Камиллов М.М., Фазылов Ш.Х., Мирзаев Н.М., Раджабов С.С. Модели алгоритмов распознавания, основанных на оценке взаимосвязанности признаков – Ташкент: Fan va texnologiya, 2020. – С. 148.
4. Журавлев Ю.И. Избранные научные труды. – М: Магистр, 1998. – С. 420.
5. Журавлев Ю.И., Рязанов В.В., Сенько О.В. Распознавание. Математические методы. Программная система. Практические применения. – М.: Фазис, 2006. – С. 159.
6. McLachlan G.J.: Discriminant Analysis and Statistical Pattern Recognition. New York: John Wiley, 2004. – P. 545.
7. Журавлев Ю.И., Дюсембаев А.Е. Построение нейросети на основе модели алгоритмов с кусочно-линейными поверхностями и параметрами для задач распознавания со стандартной информацией // Доклады Академии наук. – Москва, 2019. – Т. 488, № 1. – С. 11–15.
8. Лысёнок Е.И. О некотором подходе к выбору гиперплоскости для алгоритмов распознавания. // Журнал вычислительной математики и математической физики. – Москва, 2010. – Т. 50, № 4. – С. 1862–1864.
9. Ту Дж., Гонсалес Р. Принципы распознавания образов. – М.: Мир, 1978. – С. 414.

10. Webb A.R., Copsey K.D.: Statistical Pattern Recognition. Wiley, New York, 2011. – P. 668.
11. Мерков А.Б. Распознавание образов: Введение в методы статистического обучения. М.: URSS, 2019. – С. 256.
12. Бондаренко Н.Н., Журавлев Ю.И. Алгоритм выбора конъюнкций для логических методов распознавания // Журнал вычислительной математики и математической физики. – Москва, 2012. – Т. 52, № 4. – С. 746–749.
13. Дюкова Е.В., Масляков Г.О., Прокофьев П.А. О логическом анализе данных с частичными порядками в задаче классификации по прецедентам // Журнал вычислительной математики и математической физики. – Москва, 2019. – Т. 59, № 9. – С. 1605–1616.
14. Кудрявцев В.Б., Андреев А.Е., Гасанов Э.Э. Теория тестового распознавания. – М.: Физматлит, 2007. – С. 320.
15. Лбов Г.С., Неделько В.М., Неделько С.В. Метод адаптивного поиска логической решающей функции // Сибирский журнал индустриальной математики. – Новосибирск, 2009. Том 12. № 3. – С. 66–74.
16. Айзерман М.А., Браверманн Э.М., Розоноэр Л.И. Метод потенциальных функций в теории обучения машин. М.: Наука, 1970. – С. 348.
17. Sulewski P. Potential Function Method Approach to Pattern Recognition Applications. Environment. Technology. Resources. In: Proc. of the 11th Int. Scientific and Practical Conference, Rezekne, Latvia, pp. 30–35 (2017). DOI: 10.17770/10.17770/etr2017vol2.2512.
18. Фазылов Ш.Х., Раджабов С.С., Мирзаев О.Н. Анализ состояния вопросов построения моделей, основанных на принципе потенциалов // Проблемы вычислительной и прикладной математики. – Ташкент, 2016. – № 3. – С. 88–97.
19. Журавлев Ю.И., Камилов М.М., Туляганов Ш.Е. Алгоритмы вычисления оценок и применение. – Ташкент: ФАН, 1974. – С. 119.
20. Дьяконов А.Г. Эффективные формулы вычисления оценок для алгоритмов распознавания с произвольными системами опорных множеств // Журнал вычислительной математики и математической физики. – Москва, 1999. – Т. 39, № 11. – С. 1904–1918.
21. Кононюк А.Е. Общая теория распознавания. В 2 книгах. – Киев: Освіта України, 2012. - Книга 1. – С. 584. – Книга 2. – С. 588.

В-СПЛАЙН УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТЕМИР ЙЎЛНИ ГЕОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

Абдували МУХАМАДИЕВ,

*Ф.-м.ф.д., доцент, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот
технологиялари университети.*

Мухамадазиз РАСУЛМУХАМЕДОВ,

*ф.-м.ф.н., доцент, Тошкент Давлат транспорт университети
Транспортда ахборот тизимлари ва технологиялари кафедре мудири*

E-mail: mrasulmuxamedov@list.ru

Дилнавоз САЙДУЛЛАЕВА,

*Магистрант, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот
технологиялари университети*

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp83-88>

Аннотация: Турли вақт шкалалари ва турли хил сигнал ўлчамлари шкалаларидан қўшимча маълумот олиш нутқни аниқлашнинг аниқлигини ошириши мумкин. Нутқни аниқлаш тизимларини қуришда юзага келадиган энг муҳим масалалардан бири бу таснифлаш учун ишлатиладиган хусусиятлар базасини аниқлашдир. Қўллаш қондасининг самарадорлиги ва пировардида нутқни аниқлаш муаммосини ҳал қилиш сифати хусусиятларни тўғри танлашга боғлиқ. Ушбу мақола вейвлет-таҳлил ёрдамида хусусиятларни ажратиб олишга бағишланган бўлиб, нутқ сигналларини таҳлил қилишда вейвлет алмаштириши ва Фурье алмаштириши ўртасидаги асосий фарқларни қисқача кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: информатив белгилар, Фурье алмаштириши, вейвлет алмаштириши, вейвлет-таҳлил, нутқ сигнали, локал максимум.

Темир йўллар ва ҳаракатланувчи таркибнинг ўзаро таъсир кўрсаткичларини баҳолашда йўлнинг режа ва профилдаги ҳолатини белгиловчи нотекикликларнинг характери катта аҳамиятга эга. Темир йўлда “нотекиклик” тушунчаси унинг пайдо бўлиш сабаблари ва параметрларига боғлиқ ҳолда киритилади [1]. Чунки темир йўл режасида нотекикликларнинг мавжудлиги, айниқса, йўлнинг эгри чизиқли қисмларида рельсларнинг эскириш тезлигига таъсир қилувчи омиллардан ҳисобланади [2, 3].

Темир йўллардаги нотекикликларнинг салбий таъсирини камайтириш учун унинг геометрик моделларидан фойдаланиб бажариладиган ишлар режалаштирилади ва амалга оширилади. Ушбу мақолада режадаги йўлнинг нотекикликларини текислашни амалга оширишда В-сплайн усулларида фойдаланиш масаласи муҳокама қилинади. Маълумки, темир йўлнинг геометрик модели – бу моделлаштирилган объектнинг (темир йўлнинг) шакли ва ўлчамларининг ифодаси бўлиб, у ишлаб чиқилган алгоритмлар асосида олинган ҳисоблашлар натижасига ва геометрик ўхшашлик талабига мос келади [4-6].

Сплайн усулларида фойдаланиш рақамли моделларга қўйилган асосий талабларга жавоб берадиган график тасвирларни олиш имконини беради [7-10]. В-сплайн усулларида фойдаланиш қуйидаги имкониятларни беради: махсус геометрик моделларни яратиш, уларнинг тузилишини аниқлаш, компьютер ёрдамида моделларни қуришни амалга ошириш ва олинган рақамли модел асосида таҳлил қилиш ва прогноз қилиш [7, 11-13].

Маълумки, [7-13] В-сплайнлар – бу $(m+1)$ соҳадан ташқари барча кичик соҳаларда нолга тенг бўлган сплайн. В-сплайн ўзгармас қийматли бўлганда i -кичик соҳада қуйидаги ифодалар ёрдамида берилади:

$$N_{i,0}(x) = \begin{cases} 1, & x_i \leq x \leq x_{i+1}; \\ 0, & \text{акс ҳолда} \end{cases} \quad (1)$$

ва m -даражали бўлганда $[x_i, x_{i+m+1}]$ соҳада

$$N_{i,m}(x) = \frac{x-x_i}{x_{i+m}-x_i} N_{i,m-1}(x) + \frac{x_{i+m+1}-x}{x_{i+m+1}-x_{i+1}} N_{i+1,m-1}(x) \quad (2)$$

(1) ва (2) тенгламалардан паст даражали В-сплайнлар учун ифоданинг аниқ қўринишини беришда фойдаланиш мумкин.

Чизиқли:

$$N_{i,1}(x) = \begin{cases} \frac{x-x_i}{x_{i+1}-x_i} & \text{агар } x_i \leq x \leq x_{i+1}, \\ \frac{x_{i+2}-x}{x_{i+2}-x_{i+1}} & \text{агар } x_{i+1} \leq x \leq x_{i+2}. \end{cases} \quad (3)$$

Квадратик:

$$\begin{aligned} N_{i,1}(x) &= \frac{(x-x_i)^2}{(x_{i+2}-x_i)(x_{i+1}-x_i)}, \quad \text{агар } x_i \leq x \leq x_{i+1}; \\ N_{i,1}(x) &= \frac{(x-x_i)(x_{i+1}-x)}{(x_{i+2}-x_i)(x_{i+2}-x_{i+1})} + \frac{(x_{i+3}-x)(x-x_{i+1})}{(x_{i+3}-x_{i+1})(x_{i+2}-x_{i+1})}, \quad \text{агар } x_{i+1} \leq x \leq x_{i+2}; \\ N_{i,2}(x) &= \frac{(x_{i+3}-x)^2}{(x_{i+3}-x_{i+1})(x_{i+3}-x_{i+2})} \quad \text{агар } x_{i+2} \leq x \leq x_{i+3}; \end{aligned} \quad (4)$$

Бирлаштирувчи нуқталарни L узунликдаги сегментларда текис жойлаштирилса, келтирилган ифодалар анча соддалашади. Бу ҳолда қулайлик учун $x_i = iL$ деб ва меъёрланган ўзгарувчи киритилади.

$$u = (x - x_i) / L = x / L - i. \quad (5)$$

Натижада В-сплайнлар ифодаси қуйидаги қўринишга келади:

Текис чизиқли:

$$U_{i,1}((i+u)L) = \begin{cases} u, & \text{агар } 0 \leq u \leq 1 \\ 2-u, & \text{агар } 1 \leq u \leq 2 \end{cases} \quad (6)$$

Текис квадратик:

$$\begin{aligned} U_{i,1}((i+u)L) &= \frac{1}{2}u^2, \quad \text{агар } 0 \leq u \leq 1; \\ U_{i,2}((i+u)L) &= \frac{3}{4} - \left(u - \frac{3}{2}\right)^2, \quad \text{агар } 1 \leq u \leq 2; \\ U_{i,2}((i+u)L) &= \frac{1}{2}(3-u)^2, \quad \text{агар } 2 \leq u \leq 3; \end{aligned} \quad (7)$$

Агар бирлаштирувчи нуқталар текис тақсимланган бўлса, (2) тенгламадан бевоста фойдаланиб, квадратик сплайн формуласидан кубик сплайн ифодасини олиш мумкин.

$$\begin{aligned} U_{i,3}((i+u)L) &= \frac{1}{6}u^3, \text{ агар } 0 \leq u \leq 1; \\ U_{i,3}((i+u)L) &= \frac{2}{3} - \frac{1}{2}(u-2)^3 - (u-2)^2, \text{ агар } 1 \leq u \leq 2; \\ U_{i,3}((i+u)L) &= \frac{2}{3} + \frac{1}{2}(u-2)^3 - (u-2)^2, \text{ агар } 2 \leq u \leq 3; \\ U_{i,3}((i+u)L) &= \frac{1}{6}(4-u)^2, \text{ агар } 3 \leq u \leq 4; \end{aligned} \quad (8)$$

В-сплайнлардан асос сифатида фойдаланиб, ихтиёрий сплайн ифодасини оламиз.

$$p(x) = \sum_{i=-m}^{k-1} a_i N_{i,m}(x) \quad (9)$$

Бу тенгламада $(k+m)$ та параметр: $a_{-m}, a_{-m+1}, \dots, a_{k-1}$ бор. $P(x)$ сплайннинг ҳар бир кичик соҳадаги қиймати кўпи билан $(m+1)$ та В-сплайн йиғиндиси билан аниқланади, яъни локаллик хусусиятига эга. (9) тенгламада ихтиёрий коэффицентини ўзгартириш эгри чизик кўринишини фақат $(m+1)$ та бўлақда ўзгаришига олиб келади.

Таъкидлаш зарурки, (2) тенглама В-сплайннинг x нуқтадаги қийматини аниқлашнинг содда жараёнидир. Ҳар бир $[x_i, x_{i+1}]$ сегмент учун m даражали нолдан фарқли $(m+1)$ та сплайн мос келади. Бу сегментда $N_{i,m}(x)$ нинг қиймати $N_{i,m-1}(x)$ гагина боғлиқ, чунки $N_{i+1,m-1}(x)$ бу сегментда нолга тенг. $N_{i-l,m}(x)$ ($0 \leq l \leq m$) эса $N_{i-l,m-1}(x)$ га ҳам, $N_{i-l+1,m-1}(x)$ га ҳам боғлиқ бўлади. Бу муносабатлар 2-расмда кўрсатилган. (сплайннинг ҳар бир ҳади юқори сатрдаги бир ёки икки ҳаднинг меъёрланган йиғиндисини беради, йўналиш кўрсаткичи ҳисоблаш йўналишини, вертикал чизиклар (2) тенгламадаги биринчи кўпайтувчига кўпайтиришни билдиради). m – даражали В-сплайннинг қийматини аниқлаш учун чизмадаги олдинги $(m-1)$ босқични ўтиш ва уларнинг ҳар бирида В-сплайннинг $N_{i,j}(x)$ ва $N_{i-l,j}(x)$ бўйича қийматларини аниқлаш лозим. Бу ерда j ўзгарувчи В-сплайн даражасидир.

Фараз қилайлик, $(t_1, y_1), (t_2, y_2), \dots, (t_n, y_n)$ интерполяция кўпҳади ёки сплайнни қуриш учун берилган нуқталар бўлсин. Масалани ечишнинг турли йўллари маълум. Улардан бири ҳар бир нуқтани сплайн тугуни деб ҳисоблашдан иборат. Сплайн $(k+m)$ та турғунлик даражасига эга бўлишини ҳисобга олсак, кичикроқ m ларда (одатда, кўпинча шундай бўлади) $k=n-1$ деб, $t_1, t_2, \dots, t_n$ ларни эса боғловчи нуқталар деб қараш мумкин. N ҳоли учун изланаётган эгри чизик берилган нуқталарни туташтирувчи тўғри чизиклар тўплами билан тўлиқ аниқланади. $m=3$ турғунлик даражалари сони $m+2$ та бўлади. Натижада эгри чизик шу нуқталардан ўтишни таъминловчи чекланишлар киритилгандан сўнг иккита турғунлик даражаси фойдаланилмайди. Амалий масалалар ечилганда чет нуқталардан фойдаланилмайди ва уларда уринмалар берилмайди.

Бошқача ёндашишда бирлаштирувчи нуқталар берилган нуқталар билан галма-гал алмашиб келади, баъзан $k+m=n$ шарт ҳам талаб этилиши мумкин. Бу ҳолни интерполяцион сплайн коэффициентларини аниқлаш учун В-сплайнларни қўлланганда батафсилроқ кўриб чиқайлик. Юқорида айтилганидек, бирлаштирувчи нуқталар сони $k-1$ та бўлсин. У ҳолда $x_i \leq t_i \leq x_{i+1}$ учун қуйидаги тенглама ўринли:

$$a_i N_{i,m}(t_j) + a_{i-1} N_{i-1,m}(t_j) + \dots + a_{i-m} N_{i-m,m}(t_j) = y_j, 1 \leq j \leq n \quad (10)$$

Жами шундай $(k+m)$ ўзгарувчида n та тенглама бўлади. Ҳар бир тенглама $(m+1)$ ҳадга эга бўлади, яъни унга мос матрица камида m та пастки ва m та юқори диагоналар билан аниқланувчи қатламларга бўлинган. Ҳар бир нуқта (7) ёки (8) тенглама билан нолдан фарқли В-сплайнларнинг фақат m тасининг қийматлари орқали берилади. Квадратик сплайн учун параметрлар ифодаси қуйидагича бўлади:

$$a_i + a_{i-1} = 2y_i, \quad i = 1, 2, \dots, n$$

кубик сплайнлар учун эса ифода қуйидагича бўлади:

$$a_i + 4a_{i-1} + a_{i-2} = 6y_i, \quad i = 1, 2, \dots, n \quad (11)$$

Бу тенгламалар тизимига яна четки нуқталарга қўйилган чекланишлар ҳам қўшилади. Акс ҳолда ечим тривиал бўлади. Агар изланаётган эгри чизиқ даврий деб фараз қилинса, четки нуқталарга қўшимча чекланишлар қўшиш ўрнига ўзгарувчилар сони $a_0 = a_n$ ҳисобига камаяди. Умумий ҳол биров мураккаброқ. Ўз-ўзидан равшанки, ҳар бир сегментда берилган нуқталар сони $(m+1)$ дан ошмаслиги лозим. Акс ҳолда, тизимда ортиқчалик вужудга келади. Агар берилган ва бирлаштирувчи нуқталар аралашиб кетса, бу ҳол учун фақатгина $(m+1)$ та нолдан фарқли диагонал бўлиши мумкин. Улар орасидаги (12) шарт ўринли бўлиши муҳимдир. Интерполяцион кўпҳад тузиш масаласи фақат ва фақат

$$N_{jm}(t_j) \neq 0, j = 1, 2, \dots, n \quad (12)$$

бўлсагина, ягона ечимга эга бўлади. Буни шундай тушунтириш мумкин. Ҳар бир ораликда бирлаштирувчи нуқталар орасида фақатгина $(m+1)$ та нолдан фарқли В-сплайнлар бор. (12) шарт бажарилиши учун бу ораликда $(m+1)$ тадан ортиқ нуқта берилиши мумкин эмас. Бу тизимда ортиқчалик вужудга келмаслики таъминлайди. Яна $N_{jm}(t_j)$ В-сплайн (x_j, x_{j+m+1}) кичик соҳада нолдан фарқли бўлиши ва шу сабабли t_j берилган нуқтани ўз ичига олган ягона кичик соҳа эканлиги маълум. (9) тенгламадаги В-сплайнлар сони $(n = k + m)$ га тенг бўлганлиги сабабли қўшимча чекланиш вужудга келади. В-сплайнлардан i -

чиси фақат биринчи берилган бирор нуқтани ўз ичига олувчи кичик соҳадагина нолдан фарқли бўлади. Худди шу гап охирги кичик соҳа учун ҳам ўринлидир. Агар биринчи кичик соҳа берилган икки нуқтани ўз ичига олса, иккинчиси бирорта ҳам нуқтани ўз ичига олмаслиги мумкин. Акс ҳолда, иккинчи кичик соҳа ҳеч бўлмаганда берилган битта нуқтани ўз ичига олади. Шундай қилиб, темир йўл ва ҳаракатланувчи таркиб ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнлари ўрганишда сплайн-интерполяция усулларида, хусусан, В-сплайнлар усулидан фойдаланиш ҳисоблаш ишларини самарали ташкил этиш имкониятини беради [1, 4, 14]. Бу эса вагоннинг поезд таркибидаги ҳаракати пайтида ғилдирак-рельс тизимидаги ўзаро таъсирнинг динамик жараёнларига таъсир қилувчи омилларни характерловчи кўрсаткичларни баҳолашга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, темир йўлларнинг қўзғалмас нуқталар орасидаги участкасининг тўғрилаш ишларини режалаштиришда уларнинг геометрик моделларини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Дастлабки ҳисоблашлар натижаси шуни кўрсатадики, темир йўллар билан боғлиқ кўпгина амалий масалаларни ҳал қилишда, шу жумладан, нотекис жойларни текислашда рамка кучларини камайтириш учун геометрик моделлар ёрдамида фойдаланиб қўллаш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келиш мумкин. Моделлаштирилгандан сўнг В-сплайн функциялари бўйича олинган қийматлар позицияни танлашда қўлланилиши мумкин ҳамда белгиланган нуқталар орасидаги йўллар ва белгилашда уч ёки тўрт нуқтали текислаш босқичларини амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сидорова Е.А. Исследование влияния геометрических параметров железнодорожного пути в плане, представленных в виде геометрических моделей, на показатели динамического взаимодействия пути и подвижного состава // Вестник научно-исследовательского института железнодорожного транспорта. Москва, 2017. Т., 76. № 4. – С. 243–248.
2. Певзнер В.О., Белоцветова О.Ю., Потапов А.В. Результаты наблюдений по оценке влияния эксплуатационных факторов на боковой износ рельсов // Вестник научно-исследовательского института железнодорожного транспорта. Москва, 2016. Т., 75. № 4. С. 242–247.
3. Романов А.В., Шехтман Е.И. К вопросу о взаимодействии пути и подвижного состава при высокоскоростном движении поездов // Бюллетень результатов научных исследований. Санкт-Петербург, 2013. № 3 (8). – С. 48–53.
4. Ленченкова Е.П. Разработка математической модели трассы железнодорожного пути для реконструкции плана. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата технических наук. – Москва: (МГУПС (МИИТ), 2018. – 20 с. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.dissercat.com/content/razrabotka-matematicheskoi-modeli-trassy-zheleznodorozhnogo-puti-dlya-rekonstruktsii-plana/read/pdf> (дата обращения: 05.10.2021).

5. Щербаков В.В., Ковалева О.В., Щербаков И.В. Цифровые модели пути – основа геодезического обеспечения проектирования, строительства (ремонта) и эксплуатации железных дорог // Геодезия и картография. – Москва, 2016. – № 3. – С. 12–16.
6. Шкурников С.В., Морозова О.С. К вопросу о взаимодействии подвижного состава и геометрических параметров трассы высокоскоростных железнодорожных магистралей // Бюллетень результатов научных исследований. – Москва, 2017. – № 3. – С. 96–104.
7. Лёвин Б.А., Круглов В.М., Матвеев С.И., Цветков В.Я., Коугия В.А. Геоинформатика транспорта. – М.: ВИНТИ РАН, 2006. – С. 336.
8. Роджерс Д. Математические основы машинной графики / Д. Роджерс, Дж. Адамс. – М.: Мир, 2001. – С. 227.
9. Möller T., Hamann B., Russell R.D. Mathematical foundations of scientific visualization, computer graphics, and massive data exploration. – New York: Springer, 2009. – P. 348.
10. Janke S.J. Mathematical Structures for Computer Graphics. – New Jersey: Wiley, 2014. – P. 410.
11. Salomon D. Curves and Surfaces for Computer Graphics. – New York: Springer, 2009. – P. 348.
12. Boissonnat J.D., Teillaud M. (Eds.) Effective Computational Geometry for Curves and Surfaces (Mathematics and Visualization). – New York: Springer, 2006. – P. 351.
13. Gallier J.H. Curves and surfaces in geometric modelling: theory and algorithms. 2nd Edition. – Morgan Kaufmann, 2018. – P. 502.
14. Ромен Ю.С. Факторы, обуславливающие процессы взаимодействия в системе колесо-рельс при движении поезда в кривых // Вестник научно-исследовательского института железнодорожного транспорта. Москва, 2015. № 1. – С. 17–26.

XODIMLAR BO‘LIMI FAOLIYATI UCHUN DASTURIY TA’MINOT ISHLAB CHIQISH (O‘TY AJ “QUYUV-MEXANIKA ZAVODI” MISOLIDA)

Farangiz JULIBEKOVA,

*MAT-1 guruh magistranti, Toshkent davlat transport universiteti,
Toshkent, O‘zbekiston*

Marat ALIYEV,

*texnika fanlari nomzodi, professor, Toshkent davlat transport universiteti,
Toshkent, O‘zbekiston*

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp89-92>

Annotatsiya: *Xodimlar bo‘limi faoliyatini avtomatlashtirish, xodimlarning ma‘lumotlar omborini yaratish va boshqarish, xodimlar haqida mos hisobotlarni yaratish.*

Kalit so‘zlar: *avtomatlashtirilgan ish o‘rni, xodimlar, lavozim, bo‘lim, tashkilot, daraja, dasturiy ta‘minot.*

Hozirgi murakkab va tez o‘zgaruvchan sharoitda har qanday boshqaruv faoliyatida samarali axborot tizimlari hamda texnologiyalaridan foydalanish ushbu soha rivoji uchun sezilarli darajada ta’sir ko‘rsatadi [1]. Vaholanki, xuddi shu axborot texnologiyalari ishni osonlashtiradi va vaqtdan unumli foydalanish imkonini beradi [2].

Shuni qayd etish lozimki, boshqaruv faoliyatida axborot texnologiyalaridan foydalanish uzoq yillar avval boshlandi va ishlab chiqarish yoki boshqa yo‘nalishlarning ajratib bo‘lmas qismiga aylanib ulgurdi [3, 4]. Hozirgi kunga kelib esa hayotimizni axborot texnologiyalarisiz tasavvur eta olmaymiz. Bu esa, albatta, insonni yangi avtomatlashtiriladigan vazifa va jarayonlarni izlab topib ushbu sohani yanada kengaytirishga undaydi.

Xodimlar bilan ishlash xizmati boshqaruvning eng muhim tuzilmalaridan biri bo‘lib, korxonalar, muassasalar, tashkilotlar, firmalar va boshqalarni xodimlar bilan ta‘minlaydi. Ishchilarni, mutaxassislarni, davlat xizmatchilarini tayyorlash, qayta tayyorlash, malakasini oshirishni tashkil etish, ishchilar va rahbarlarni attestatsiyadan o‘tkazish, mehnat intizomini mustahkamlash, xodimlar almashinuvini kamaytirishga qaratilgan chora-tadbirlarni amalga oshiradi, xodimlar bo‘yicha ma‘muriy hujjatlarni, zarur statistik hisobotlarni tayyorlaydi [3]. Xodimlarni, shu jumladan, harbiy xizmatni o‘tashga majbur bo‘lganlarni, kadrlar bo‘yicha ish yuritishni belgilangan tartibda hisobga oladi, xodimlarga pensiya tayinlash uchun hujjatlarni rasmiylashtiradi, o‘z vakolatlari doirasidagi boshqa masalalarni hal qiladi [1].

Relyatsion ma‘lumotlar bazasi strukturasi sxemasini loyihalash.

Ushbu maqolada to‘plangan ma‘lumotlarga muvofiq ma‘lumotlar bazasi jadvallarining tuzilish loyihasini keltirib o‘taman. Maydonlarning nomlari, turlari, o‘lchamlari va kalitlarni ko‘rsatadigan jadvallarning tuzilmalari 1-11-jadvallarda keltirilgan.

Shaxsiy_kartochka_db jadval tuzilishi 1-jadvalda keltirilgan.

1-jadval shaxsiy_kartochka_db.

Katak tipi	Nomi	O'Ichami
Number	Tab_no	10
Number	Dep_id	10
Number	Position_id	10
Number	Town_id	10
Number	Nation_id	10
Number	Obr_Place_id	10
Number	Bir_place_id	10
Date	Birth_date	
Varchar2	Adress	200
Varchar2	Spec_in_Diplom	100
Varchar2	Qualify	50
Varchar2	Diploma_num	20
Date	Diploma_date	
Varchar2	Pas_ser_num	10
Varchar2	Passport_get_place	50

Work_place_db jadval tuzilishi 2-jadvalda keltirilgan. 2-jadval Work_place_db.

Katak tipi	Nomi	O'Ichami
Number	Wp_id	10
Number	Tab_no	10
Number	Dep_id	10
Number	Position_id	10
Date	Date_in	
Date	Date_out	
Varchar2	Stat_out	30

Department_db jadval tuzilishi 3-jadvalda keltirilgan. 3-jadval Department_db.

Katak tipi	Nomi	O'Ichami
Number	Dep_id	10
Varchar2	Dep_name	100

Position_db jadval tuzilishi 4-jadvalda keltirilgan. 4-jadval Position_db.

Katak tipi	Nomi	O'Ichami
Number	Position_id	10
Varchar2	Position_name	70

Nation_db jadval tuzilishi 5-jadvalda keltirilgan. 5-jadval Nation_db.

Katak tipi	Nomi	O'Ichami
Number	Nation_id	10
Varchar2	Nation_name	50

ObrPlace_db jadval tuzilishi 6-jadvalda keltirilgan. 6-jadval ObrPlace_db.

Katak tipi	Nomi	O'lchami
Number	Obr_place_id	10
Varchar2	Obr_place_name	150
Varchar2	Obr_place_type	50

Person_db jadval tuzilishi 7-jadvalda keltirilgan. 7-jadval Person_db.

Katak tipi	Nomi	O'lchami
Number	Tab_num	10
Varchar2	First_name	30
Varchar2	Surname	30
Varchar2	Lastname	30

Town_db jadval tuzilishi 8-jadvalda keltirilgan. 8-jadval Nation_db.

Katak tipi	Nomi	O'lchami
Number	Town_id	10
Varchar2	Town_name	70

Department_db jadval tuzilishi 9-jadvalda keltirilgan. 9-jadval Department_db.

Katak tipi	Nomi	O'lchami
Number	Id_WG	10
Number	Dep_id	10

**Person_group_db jadval tuzilishi 10-jadvalda keltirilgan. 10-jadval
Person_group_db.**

Katak tipi	Nomi	O'lchami
Number	Dep_id	10
Number	Position_id	15
Number	Tab_num	15
Date	Date	

Kompleksning texnik ta'minoti

Ishlab chiqilgan dasturiy paketdagi texnik vositalar quyidagi vazifalarni hal qiladi:

- tadqiqot obyektni tavsiflovchi dastlabki ma'lumotlarni kiritish;
- kiritilgan ma'lumotlarni nazorat qilish va tahrirlash;
- axborot transformatsiyasi (ma'lumotlarni taqdim etish shaklini o'zgartirish, translyatsiya qilish, ma'lumotlar strukturasi o'zgartirish va boshqalar);
- ma'lumotlarni saqlash;
- ish natijalarini ko'rsatish.

Kompleksning dasturiy ta'minoti

Dasturiy ta'minot – kerakli dasturiy hujjatlar bilan birga berilgan shaklda taqdim etilgan dasturlar to'plami.

Tizimli dasturiy ta'minotga operatsion tizimlar kiradi. Operatsion tizimlar barcha dasturlarning ishlashini va ularning texnik vositalar bilan o'zaro ta'sirini qo'llab-quvvatlaydi, shuningdek, foydalanuvchining kompyuterni umumiy boshqarishini ta'minlaydi[2]. Operatsion tizimning asosiy funksiyalari qatoriga quyidagilar kiradi:

- kompyuter resurslarini boshqarish;
- axborotni kiritish-chiqarishni ta'minlash;
- tashqi xotirada axborotni saqlashni tashkil etish;
- tashqi qurilmalarga texnik xizmat ko'rsatish bilan bog'liq ishlarni bajarish;
- dastur bajarilishini nazorat qilish.

Ishlab chiqilgan dasturiy paketning optimal va barqaror ishlash rejimini ta'minlash uchun quyidagi dasturiy mahsulot talab qilinadi:

- operatsion tizim - Windows7 /....

XULOSA

Xodimlar bo'limi xodimi uchun ishlab chiqilgan avtomatlashtirilgan ish o'rni korxonadagi xodimlarni tez va samarali tarzda qayd etish imkonini beradi. Turli ro'yxatga olish kitoblarida xodimning ma'lumotlarini (shaxsiy ma'lumotlar, ta'lim ma'lumotlari, pasport ma'lumotlari, mehnat daftarchasi ma'lumotlari) to'ldirish bilan bog'liq muntazam ishlarni yo'q qiladi. Tizimni ishlatish oson, qulay va ergonomik, foydalanuvchidan dasturlash va ma'lumotlar bazasi nazariyasi sohasida hech qanday maxsus bilim talab etilmaydi.

Xodimlar bo'limida foydalanish uchun yaratiladigan dasturiy ta'minot quyidagilarga imkon beradi:

- mehnat unumdorligini oshirish;
- vaqtni tejash uchun;
- xodimlarni hisobga olish jarayonini avtomatlashtirish;
- xodimlar bazasini shakllantirish va saqlash;
- hisobotlarni shakllantirish (tuzish) vaqtini qisqartirish;
- ma'lumotlarni qog'ozsiz shaklda, qattiq diskda saqlash.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Aliev R.A Method for Controlling the Freedom of Track Sections by the Axle Counting System International Journal of Innovative Research in Science, Engineering and Technology (IJIRSET) 10 (5), 2021. – PP. 5500–5503.

2. R. Aliev Analysis of controlling the state of track sections on lines with speed and high-speed train traffic German International Journal of Modern Science № 14, 2021. – PP. 57–58.

3. O'zbekiston Respublikasining Mehnat Kodeksi: Rasmiy nashr – O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi. -Toshkent: “Adolat”, 2020 y. – B. 272.

4. Bogdyuk V.M., Xodimlar bo'limi xodimining ish o'rnini avtomatlashtirish loyihasi: diplom loyihasi. – Ukraina, 2002. – B. 113.

5. Ramazonova N.K., Kadrlar bilan ishlashni tashkil qilish: O'quv qo'llanma.— Toshkent: “Faylasufalar” nashriyoti, 2014. – B. 136.

MANYOVR ISHLARIDA TORTUV HISOBLARINI BAJARISH UCHUN POYEZDNING NATUR VARAG'I ASOSIDA VAGONLARNING HISOBIY PARAMETRLARINI ANIQLASH USULINI AVTOMATLASHTIRISH

Nazirjan ARIPOV,

Texnika fanlari doktori, professor,

Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O'zbekiston

E-mail: aripov1110@gmail.com

Shinpolat SUYUNBAYEV,

Texnika fanlari nomzodi, dotsent,

Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O'zbekiston

E-mail: shinbolat_84@mail.ru

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp93-98>

Annotatsiya: *Manyovr ishlarida tortuv hisoblarini bajarish orqali lokomotivlar tomonidan sarflanadigan yoqilg'i va yarim reyslarni bajarishga sarflanadigan vaqt miqdori hisoblanadi. Ushbu miqdorni to'g'ri aniqlash uchun vagonlarning hisobiy parametrlarini to'g'ri tanlash talab etiladi. Ushbu maqola manyovr ishlarida tortuv hisoblarini bajarish uchun poyezdning natur varag'i asosida vagonlarning hisobiy parametrlarini aniqlash usulini avtomatlashtirish natijalari bayon etilgan. Poyezdning natur varag'i asosida vagonlarning hisobiy parametrlarini aniqlashga doir dasturiy ta'minot ishlab chiqilganligi, undan foydalanish tartibi va uning ishonchliligi yoritilgan.*

Kalit so'zlar: *manyovr ishlari, tortuv hisoblari, natur varag'i, vagonning hisobiy parametrlari, vagonning texnik tavsiflari.*

Keyingi yillarda temir yo'l transportida, jumladan, uning texnikasi va ishlatilishida, iqtisodiyotida katta o'zgarishlar sodir bo'ldi. Temir yo'llarni elektrlashtirish, avtomatika va telemexanikani keng qo'llash, ishlarni kompleks mexanizatsiyalash, hisoblash texnikasi va mikroprotsessorlarni qo'llash asosida texnik qayta jihozlash bo'yicha katta ko'lamdagi ishlar olib borilmoqda. Ammo manyovr lokomotivlari parkini yangilash va ulardan samarali foydalanish bo'yicha ilmiy yechimlarni izlash yetarli darajada amalga oshirilmagan. Bular, o'z navbatida, manyovr lokomotivlari parkidan ularning xizmat muddatini uzaytirilgan holda foydalanish va manyovr ishlariga sarflanadigan xarajatlarning umumiy xarajatlar turi bo'yicha ikkinchi o'rinni (ish haqi xarajatlaridan keyin) egallashiga olib keldi.

Magistral va sanoat temir yo'l stansiyalarida manyovr ishlarini tashkil etish transport jarayonlarining tahlili natijasida quyidagilar aniqlangan:

Антиплагиат дастури нимани аниқ текширади, плагиат нима? Бугун биз ўқувчилар томонидан бундай муаммоларга тез-тез дуч келмоқдамиз: “Менга тайёр асл матн керак, улар қандайдир плагиат дастурини текширишади – билмайман, лекин баъзилари ҳам бўлади” ва ҳоказо. Худди шу тарзда ушбу

асарларни ёзадиган муаллифлар ва ўқитувчилар: “Мен барча асарларни ўзим ёзаман, адабиётларни жуда эҳтиёткорлик билан излайман, фақат расмий манбалардан фойдаланаман, сизнинг антагистлигингиз билан ҳеч нарсани текширмайман, аниқ биламан, менинг ишим 90% дан ортиқ оригинал”. Эҳтимол, энди кўпчилик ҳайратга тушиши мумкин, аммо антиплагиат дастури бу иш интернетда тугаган асарлардан кўчирилганми ёки йўқми, кўпчилик ўйлаганидек. Антиплагиат дастури фақат кўчиришга олинган матнни кўрсатади. Плагиат дастури кўчириб олинган матнни интернетда ёки ўз плагиат маълумотлар базасида топилган ҳар қандай матн деб ҳисоблайди. Антиплагиатни топиш бўйича энг машҳур хизматлардан бири бу Антиплагиат веб-сайти. Ушбу сайт форумида сиз ушбу дастурнинг иши тўғрисида тўлиқ маълумот ва кўплаб шарҳларни топишингиз мумкин. Антиплагиат иши бўйича бошқа саволлар бўлмайди. Матнни текширгандан сўнг ушбу дастур кўчириб олиб топилган ҳаволалар рўйхати билан ҳисобот чиқаради. Ва ҳар бир ҳисоботда саҳифанинг юқори қисмида катта ҳарфлар билан ёзилган: “Ҳурматли фойдаланувчи! Илтимос, шуни ёдда тутингки, антиплагиат тизими маълум бир матнни кўчириб олиш ёки олмаслик ҳақидаги саволга жавоб беради. Кўчиришга олинган парча қонуний тақлиф эмас, балки айнан плагиатми ёки йўқми деган саволга жавоб сизнинг ихтиёрингизда қолади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, тизим кўчириб олиш манбасини ўз маълумотлар базасидан топади, лекин унинг асосий манбаи эканлигини аниқламайди”. Яъни яна бир бор таъкидладикки, антиплагиат дастурда фақат олинган матн кўрсатилган ва у қаердан келиб чиқиши муҳим эмас - китоб, дарслик, монография, мақола, тайёр рефератлар ёки дипломлардан. Иншо, мустақил иш, курс иши, тезис ёзиш кўчириб олишни ўз ичига олади. Тўлиқ бошдан ёзилган бирон бир иш йўқ. Агар сиз бирон-бир олий ўқув юртининг курс иши ёки тезис учун талаблари билан биронта қўлланмани очсангиз, унда сиз материал ёзиш, ўрганиш, мустақил равишда таҳлил қилиш ва шу асосда курс ишини ёзиш учун керак бўлган йўриқномани ўқишингиз мумкин. Кўриб чиқиладиган матн, барча иқтибослар, изоҳлар, маълумотномаларни ўз ичига олиши шарт. Энг яхши ҳолатда кодировкаларнинг ярмидан иборат бўлган матн асл матннинг 70% дан кўпроғига эга бўлиши мумкин эмас. Биз ҳозир назарий иш ҳақида гаплашамиз. Масалан, ахборот технологиялари бўйича тезисда дастурий маҳсулотнинг бутун алгоритмини ёки кодини ёзишингиз сўралади. Алгоритм ёки дастур кодини ёзиш саҳифаларни катталаштиришнинг энг машҳур усули ҳисобланади. Фақат дангаса уни курс ишларида ишлатмайди. Яна бир мисол, физикада ишлаш маълум усуллар бўйича объектларда тадқиқотлар ва тажрибаларнинг мавжудлигини тахмин қилади. Ушбу усулларнинг барчаси, албатта, ишда келтирилган ва қўшимчаларда мавжуд, шунинг учун иш ҳам 100% ноёб бўлиши мумкин эмас. Ҳуқуқшуносликка оид ишлар қонунлар иқтибослари, уларга шарҳлар ва суд амалиёти ҳамда бошқалардан иборат. Оддий одам учун юқори даражадаги ўзига хослик билан асар ёзиш қийин. Ноёб асарларни ёзиш учун бизнинг муаллифларимиз манбаларни ўз сўзлари билан қайта ёзадилар, ҳамма талабалар ҳам бунга қодир эмаслар, шунинг учун “техник созлаш” деб номланган нарсга оммалашиб кетди, бу матндаги ҳарфларни рус алифбосидан инглиз тилига алмаштириш ёки асарга яширин матн қўшишдан иборат. Ўзига

хосликни оширишнинг ушбу усули бизнинг компаниямизда қўлланилмайди, уни аниқлаш жуда осон [1]. Антиплагиат дастурларидан фойдаланиш, албатта, мумкин ва зарур, дастур жуда фойдали. Аммо мен буни тасдиқлашга расмий равишда яқинлашмаслигини жуда хоҳлайман. Масалан, антиплагиат деб номланган дастур мавжуд. Олий ўқув юртлари талабалари ҳужжатларини текшириш учун ушбу дастурдан кам даражада фойдаланади. Бу, асосан, сайтлардаги таркибни текшириш учун ўйлаб топилган. Антиплагиат қидирув тизимлари ёрдамида ишларни текширади, яъни интернетда жойлаштирилган барча материалларни текширади. Назарий иш учун ушбу дастур билан текширилганда юқори ўзига хосликка эришиш жуда қийин. Аммо агар сиз кўчириб олинган матн таъкидланган текширув натижаларига назар ташласангиз, унда асл нусханинг сўнги фоизини кўрмасдан ҳам асар кўчирилган-ёзилмаганлигини осонгина тушунишингиз мумкин [2]. Курс иши, реферат, диплом ёзишда асарнинг ўзига хослиги талаб қилинадиган даражаси кўрсатилган. Дастурларнинг текшириш усуллари бошқача. Ва турли хил дастурларда синовдан ўтказилганда ўзига хосликнинг якуний фоизи фарқ қилиши мумкин. Биз ҳар қандай босма, электрон манбада нашр этилган китоблар, дарсликлар, монографиялар, нашрлар ва бошқаларга асосланган ҳолда асарлар ёзамиз. Барча манбалар келтирилган. Аммо ушбу мақолада тавсифланган сабабларга кўра бизнинг ишларимизнинг асл даражаси сизнинг олий ўқув юртингизда талаб қилинганидан паст бўлиши мумкин, агар бу борада олдиндан келишув бўлмаса. Сизнинг ишингиз чиндан ҳам асл эканлигига, бошқалардан нафақат ўзининг семантик юки, балки ишлатилган матн шакллари ва стилистикаси билан ажралиб туришига ишонч ҳосил қилиш учун, мавзуга ўхшаш матнларни топиш учун чинакам титаник ишни бажариш керак. Ва уларни ўзингизнинг қўлингиз билан текширинг, формулаларнинг ўхшашлиги ва тасодиф мавзуси. Аммо интернет пайдо бўлиши билан ушбу мақсадлар учун сўровни тўғри шакллантириш орқали бундай матннинг барча манбалари тўғрисида аниқ маълумот бера оладиган қидирув тизимларидан фойдаланиш мумкин бўлди. Ва бугунги кунда ушбу усул ҳужжатларнинг ноёблиги даражасини кузатиш учун махсус дастурлар билан алмаштирилди. Антиплагиат аниқ ёки суюлтирилган гугуртларни топиш ва матндан кўчириб олиш учун матнни таҳлил қилиш билан шугьулланади. Антиплагиат дастури ана шундай дастурларнинг асосчиси ҳисобланади. 10 йилдан ортиқ вақт давомида у тармоқ манбаларида сўз шакллариининг аниқ ёки суюлтирилган мослигини излаш учун турли хил матнларни таҳлил қилмоқда. Дастурий маҳсулот яхшиланиши билан у плагиатни қидириш воситаси сифатида тобора моҳирона бўлиб боради, аммо ишлаш принципи ҳали ҳам ўзгаришсиз қолмоқда.

Антиплагиат тизимидаги гугуртларни излаш матннинг семантик таҳлиliga асосланган. Яъни уни дастлабки қисмларга ажратиш, уларни таркибий қисмларга бўлиш, сўнгра дастур ҳар бир сегмент учун интернетдаги ўйинларни қидириб топади, тегишли ҳужжатларга ҳаволаларни узатади, муаллифга ажратиб кўрсатади ва тўлиқ ҳисобот чиқаради. Антиплагиат ҳужжатнинг умумий ўзига хослиги даражаси ҳақида маълумотни фойзда беради. Интернетда ўхшаш ёки бир хил матнли парчаларни топганда антиплагиат дастури ушбу қисмларни умумий таҳлилдан сўнг тегишли ранг билан белгиланган плагиат

манбаларига ҳаволаларни кўрсатадиган рангли маркер билан белгилайди. Агар матнда сариқ ранг устун бўлса, демак, белгиланган сўз шакллари тармоқда бир неча бор топилган. Бошқа ранглар тармоқдаги жамоат доменида ўхшаш матнли саҳифа мавжудлигини кўрсатади. Антиплагиат ноёб бўлмаган фрагментларни ажратиб кўрсатиш билан бир қаторда, ҳужжатнинг умумий ўзига хослиги даражаси тўғрисида маълумот беради. Белгиланган алгоритм бўйича ҳисобланади. Антигирмачилик нуқтаи назаридан, матннинг мутлақо ўзига хослиги – 100% ўзбошимчалик билан берилган қийматдир. Демак, дизайннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, худди шу талабалар асарлари 95% дан юқори ўзига хосликка эга бўлолмайди ва уларга керак эмас [3]. Қандай бўлмасин, ҳисобланган қиймат мутлақ ҳақиқий эмас, бу шунчаки матн муаллифи томонидан тилни билиш даражаси, унинг маълумотини асл нусхада қайта ишлаш ва тақдим этиш қобилияти ва ўз матнларида ўзгаларнинг матнларидан фойдаланмаслиқдир.

ХУЛОСА

Бошида айтилганидек, талабалар ишларининг дастлабки кодларида плагиат таълим муассасаларининг жиддий муаммоларидан биридир, бу тажрибалар натижалари билан тасдиқланган. Плагиат детекторлари аллақачон ишлатилмоқда. Ғарбнинг йирик университетларининг аксарияти бунга лойиқ эмас, сиз нафақат плагиат дастурига ишонишингиз, балки кўпайтиришингиз кераклигини ҳам унутманг. Талабаларнинг шахсий жавобгарлиги, уларга бошқалардан кўчириб олишнинг яхши оқибатларга олиб келмаслигини айтишимиз лозим. Дастурни Ларавел Остобер дастуридан фойдаланиб, тузиб чиқдик. Дастурни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича кейинги режалардан бири иккита файл ўхшашлиги фоизига янги кўрсаткичларни киритиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Плагиатни қидириш усуллари ишлаб чиқиш. Аббаров Ринат Динарович. “Ёш олим” 12-сон (116) 5-7-бетлар. Июн, 2016.
2. Матннинг ўзига хослигини текшириш. [Электрон ресурс <http://www.этхт.ру/антиплагиат/>]
3. Антиплагиатни қандай алдаш керак. Антиплагиатни алдашнинг ишлаш усуллари. [Электрон ресурс]: <http://студрум.ру/ антиплагиат.>

ТИМСОЛЛАРНИ ТАНИБ ОЛИШДА БЎСАҚАВИЙ ҚИЙМАТЛАРНИ ҲИСОБЛАШ АЛГОРИТМИ

Аҳрам НИШАНОВ,

*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети “Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти”
кафедраси профессори, Ўзбекистон
E-mail: nishanov_ahram@mail.com*

Р.Ж. БЕГЛЕРБЕКОВ,

*Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
катта ўқитувчи*

Ҳ.Б. АБДУРАИМОВ,

Термиз давлат университети, биринчи босқич магистанти

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp121-128>

Аннотация: Мақолада информатив белгилар фазосида синфлаштириш масаласини ечиш учун яқинлик функция қийматлари Фишер функционали элементларидан фойдаланилган ҳолда аниқланади. Объект ва унинг белгилари мажмуалари қанчалик чуқур ўқитилса, натижа шунчалик муваффақиятли бўлади. Бу ерда функционал компонентлари вектор кўринишида эмас, балки матрица кўринишида ифодаланади. Ўқув танланмаси ҳар бир объекти алоҳида ўқитилгандан сўнг тимсолларни таниб олиш масалаларида асосий масалалардан бири бўлган бўсақавий қиймат матрицаси элементлари ҳисобланади. Ҳар бир синф объектлари учун бўсақавий қиймат алоҳида ҳисобланган. Мақолада бўсақавий қийматларга асосланган ҳолда объектларнинг муҳимлик даражалари аниқланган.

Калит сўзлар: Синфлаштириш, Фишер мезони, бўсақавий қийматлар, объектларнинг муҳимлик даражаси, информатив белгиларни танлаш алгоритми.

Информатив белгилар фазосида яқинлик функция қийматларини аниқлашда Фишер функционали элементларидан фойдаланилган. Бунда функционал параметрларини ҳисоблаш ишлари ўқув танланмасидаги барча объектлар кесимида алоҳида амалга оширилган. Асосий ғоянинг моҳияти шундан иборатки, объект ва унинг белгисига қанча яқинлашилса, яъни чуқур ўқитилса, натижа шунчалик муваффақиятли бўлади. Бу ерда функционал компонентлари вектор кўринишида эмас, балки матрица кўринишида ифодаланади. Ўқув танланмаси ҳар бир объекти алоҳида ўқитилгандан сўнг тимсолларни таниб олиш масалаларида асосий масалалардан бири бўлган бўсақавий қиймат матрицаси элементлари ҳисобланади. Ҳар бир синф объектлари учун бўсақавий қиймат алоҳида ҳисобланган. Мақолада бўсақавий қийматларга асосланган ҳолда объектларнинг муҳимлик даражалари аниқланган.

1. Информатив белгилар фазоси ва Фишер мезони [1-4]. Фараз қилайлик, ўқув танланмалар мажмуаси қуйидаги кўринишда ифодаланган $x_{p1}, x_{p2}, \dots, x_{pm_p} \in X_p, p = \overline{1, r}$ бўлсин. Бу ерда x_{pi} N -ўлчовли белгилар фазоси вектори, ҳар бир объект $x_{pi} = (x_{pi}^1, x_{pi}^2, \dots, x_{pi}^N), i = \overline{1, m_p}, N$ -ўлчовли белгилар фазосида қаралган, X_p эса объектлар p -синфини билдириб, $p = \overline{1, r}$ қийматларни қабул қилади, X_p синф m_p та $x_{p1}, \dots, x_{pm_p}$ объектлардан ташкил топган [1-9].

Информатив белгилар қисм фазосини бир қийматли характерловчи X_p синфга мос $\lambda_p = (\lambda_p^1, \lambda_p^2, \dots, \lambda_p^N), \lambda_p \in \{0; 1\}, i = \overline{1, N}$ вектор киритилади.

Берилган p -синф объектларига мос сифат мезони $I(\lambda_p)$ орқали белгиланади ва танланиши лозим бўлган ℓ_p та $(\ell_p \ll N), \lambda_p$ информатив белгилар фазоси эса қуйидагича қурилади [3-7]:

$$\Lambda^{\ell_p} = \{\lambda_p: \sum_{k=1}^N \lambda_p^k = \ell_p, \lambda_p^k \in \{0; 1\}, p = \overline{1, r}\} \quad (1)$$

Қаралаётган синф объектлари учун муҳим бўлган информатив белги ёки белгилар мажмуаси (1) тўпلام элементи λ_p Буль векторига кўра, уларнинг яъни белги ва белгиларнинг информативлик даражаси $I(\lambda_p)$ сифат мезонининг қабул қилган қийматига асосланган ҳолда аниқланади.

Фараз қилайлик, $I(\lambda_p)$ сифат мезони Фишер функционали кўринишида ифодаланган бўлсин [5]:

$$I(\lambda_p) = \frac{(a, \lambda_p)}{(b_p, \lambda_p)} \quad (2)$$

Бу ерда (2) Фишер функционали $a = (a^1, a^2, \dots, a^N), b = (b_p^1, b_p^2, \dots, b_p^N)$ векторлар N -ўлчовли белгилар фазосида қаралиб, уларнинг компоненталари қуйидагича ҳисобланади:

$$a_i^j = \sum_{p=1}^r (x_{pi}^j - \bar{x}_p^j)^2, i = \overline{1, m_p}; j = \overline{1, N}, b_p^j = \frac{1}{m_p} \sum_{i=1}^{m_p} (x_{pi}^j - \bar{x}_p^j)^2, j = \overline{1, N} \quad (3)$$

X_p синфнинг ўртача объекти $\bar{x}_p$ қуйидагича ҳисобланади:

$$\bar{x}_p = \frac{1}{m_p} \sum_{i=1}^{m_p} x_{pi}, p = \overline{1, r} \quad (*, *) \quad - \text{векторларнинг скаляр кўпайтмасини билдиради.}$$

2. Информатив белгилар фазосида ε бўсақавий қиймат ва яқинлик функцияси асосида объектларнинг муҳимлик даражасини аниқлаш [2, 8].

Фишер функционали $I(\lambda_p)$ элементлари N -ўлчовли белгилар фазосида $a = (a^1, a^2, \dots, a^N), b_p = (b_p^1, b_p^2, \dots, b_p^N)$ векторлар кўринишида берилган, компоненталари (3) формула асосида ҳисобланган ҳамда информатив белгилар мажмуаси (1) орқали ифодаланган бўлсин.

Берилган $a = (a^1, a^2, \dots, a^N)$ информатив белгилар фазосида дейилади, агарда $\lambda_p a = (\lambda_p^1 a^1, \lambda_p^2 a^2, \dots, \lambda_p^N a^N), \lambda_p \in \Lambda^{\ell_p}$ амал ўринли бўлса.

Информатив белгилар фазосида бўсақавий вектор $\lambda_p \varepsilon = (\lambda_p^1 \varepsilon^1, \lambda_p^2 \varepsilon^2, \dots, \lambda_p^N \varepsilon^N), \lambda_p \in \Lambda^{\ell_p}$ кўринишда бўлиб, компоненталарининг қийматлари қуйидагича аниқлансин:

$$\varepsilon_i^j = \begin{cases} \frac{a_i^j}{b_p^j}, & \text{агар } \lambda_p^j = 1 \text{ бўлса,} \\ 0, & \text{агар } \lambda_p^j = 0 \text{ бўлса.} \end{cases} \quad (4)$$

Худди шунингдек, бўсақавий қиймат вектори компоненталаридан фойдаланган ҳолда X_p синфнинг иккита объектлари x_{pi} ва $\bar{x}_p$ орасидаги яқинлик функцияси $\rho_{pi}^j(x_{pi}, \bar{x}_p)$ ни ℓ_p та ($\ell_p \ll N$), λ_p информатив белгилар фазосида қуйидагича киритиб олинади:

$$\rho_{pi}^j(x_{pi}, \bar{x}_p, \lambda_p) = \begin{cases} 1 & \text{агар } |\lambda_p^j(x_{pi}^j - \bar{x}_p^j)| < \varepsilon^j, j = \overline{1, N}. \\ 0 & \text{акс ҳолда } |\lambda_p^j(x_{pi}^j - \bar{x}_p^j)| \geq \varepsilon^j, j = \overline{1, N}. \end{cases} \quad (5)$$

Биринчи шарт иккита объектлар орасидаги ўхшашлик даражасини билдирса, иккинчи шарт уларнинг бир-биридан фарқи катталигини билдиради, яъни бу компоненталар бир-бирига ўхшаш эмаслигини билдиради.

Информатив белгилар фазосида i -объектларнинг X_p синфнинг шаклланишига қўшган ҳиссасини баҳолаш. Қуйида $x_{pi} \in X_p$, i -объектнинг p -синфни шакллантиришга информатив белгилар фазосида қўшган ҳиссасини баҳолаш формуласи келтирилган:

$$\Gamma_i(x_{pi}, \bar{x}_{pk}, \lambda_p) = \sum_{i=1}^{m_p} \sum_{j=1}^N \rho_{pi}^j(x_{pi}, \bar{x}_p, \lambda_p), i = \overline{1, m_p}; k = \overline{1, m_p}; j \neq k \quad (6)$$

Ишлаб чиқилган бўсақавий қиймат алгоритми ва яқинлик функцияларини амалда қўллашни масалада кўриб чиқилади.

Агар бизга қуйидаги 4 та синф берилган бўлса, синфларнинг объект ва параметрлари ҳар хил бўлсин.

$$X_1 = \begin{pmatrix} 3 & 2 & 2 & 2 & 4 & 1 & 1 & 2 & 2 & 5 & 2 & 2 \\ 3 & 2 & 2 & 2 & 2 & 1 & 1 & 2 & 2 & 8 & 2 & 2 \\ 3 & 2 & 2 & 2 & 3 & 1 & 1 & 2 & 2 & 8 & 2 & 2 \\ 5 & 2 & 3 & 2 & 7 & 1 & 1 & 2 & 2 & 5 & 2 & 2 \\ 5 & 2 & 3 & 2 & 7 & 1 & 1 & 2 & 2 & 5 & 2 & 1 \\ 5 & 2 & 3 & 2 & 7 & 1 & 1 & 2 & 2 & 5 & 2 & 2 \\ 1 & 2 & 2 & 2 & 4 & 1 & 1 & 2 & 2 & 3 & 2 & 3 \\ 6 & 2 & 2 & 2 & 2 & 1 & 1 & 2 & 2 & 7 & 2 & 3 \\ 3 & 2 & 2 & 2 & 3 & 1 & 1 & 3 & 2 & 8 & 2 & 1 \\ 3 & 2 & 2 & 2 & 7 & 1 & 1 & 2 & 1 & 10 & 2 & 4 \\ 5 & 2 & 2 & 2 & 7 & 1 & 1 & 2 & 1 & 11 & 2 & 4 \\ 5 & 2 & 2 & 2 & 7 & 1 & 2 & 2 & 2 & 5 & 2 & 2 \\ 4 & 2 & 3 & 2 & 7 & 1 & 1 & 2 & 2 & 5 & 2 & 1 \end{pmatrix}$$

$$X_2 = \begin{pmatrix} 3 & 2 & 2 & 2 & 3 & 1 & 1 & 2 & 2 & 3 & 2 & 1 \\ 3 & 2 & 2 & 2 & 4 & 2 & 1 & 2 & 2 & 4 & 2 & 2 \\ 3 & 2 & 3 & 2 & 4 & 1 & 1 & 3 & 1 & 7 & 2 & 1 \\ 2 & 4 & 3 & 2 & 1 & 1 & 1 & 2 & 2 & 3 & 2 & 1 \\ 3 & 3 & 3 & 2 & 6 & 1 & 1 & 2 & 1 & 9 & 2 & 2 \\ 1 & 2 & 3 & 2 & 5 & 1 & 1 & 2 & 1 & 7 & 2 & 3 \\ 3 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 4 \\ 2 & 2 & 1 & 1 & 2 & 1 & 2 & 2 & 2 & 2 & 1 & 3 \\ 2 & 4 & 2 & 3 & 5 & 3 & 2 & 2 & 3 & 6 & 3 & 3 \\ 3 & 2 & 3 & 2 & 5 & 1 & 1 & 2 & 2 & 8 & 2 & 1 \\ 2 & 3 & 1 & 2 & 8 & 1 & 1 & 2 & 1 & 7 & 2 & 4 \end{pmatrix}$$

$$X_3 = \begin{pmatrix} 3 & 2 & 2 & 2 & 3 & 1 & 1 & 2 & 2 & 3 & 2 & 1 \\ 3 & 2 & 3 & 2 & 4 & 2 & 1 & 2 & 2 & 4 & 2 & 2 \\ 3 & 2 & 3 & 2 & 4 & 1 & 1 & 3 & 1 & 7 & 2 & 1 \\ 2 & 4 & 3 & 2 & 1 & 1 & 1 & 2 & 2 & 3 & 2 & 1 \\ 3 & 3 & 3 & 2 & 6 & 1 & 1 & 2 & 1 & 9 & 2 & 2 \\ 1 & 2 & 3 & 2 & 5 & 1 & 1 & 2 & 1 & 7 & 2 & 3 \\ 3 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 4 \\ 2 & 2 & 1 & 1 & 2 & 1 & 2 & 2 & 2 & 2 & 1 & 3 \\ 2 & 4 & 2 & 3 & 5 & 3 & 2 & 2 & 3 & 6 & 3 & 3 \\ 3 & 2 & 3 & 2 & 5 & 1 & 1 & 2 & 2 & 8 & 2 & 1 \\ 2 & 3 & 1 & 2 & 8 & 1 & 1 & 2 & 1 & 7 & 2 & 4 \end{pmatrix}$$

$$X_4 = \begin{pmatrix} 3 & 2 & 2 & 2 & 3 & 1 & 1 & 2 & 2 & 3 & 2 & 1 \\ 3 & 2 & 3 & 2 & 4 & 2 & 1 & 2 & 2 & 4 & 2 & 2 \\ 3 & 2 & 3 & 2 & 4 & 1 & 1 & 3 & 1 & 7 & 2 & 1 \\ 2 & 4 & 3 & 2 & 1 & 1 & 1 & 2 & 2 & 3 & 2 & 1 \\ 3 & 3 & 3 & 2 & 6 & 1 & 1 & 2 & 1 & 9 & 2 & 2 \\ 1 & 2 & 3 & 2 & 5 & 1 & 1 & 2 & 1 & 7 & 2 & 3 \\ 3 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 1 & 4 \\ 2 & 2 & 1 & 1 & 2 & 1 & 2 & 2 & 2 & 2 & 1 & 3 \\ 2 & 4 & 2 & 3 & 5 & 3 & 2 & 2 & 3 & 6 & 3 & 3 \\ 3 & 2 & 3 & 2 & 5 & 1 & 1 & 2 & 2 & 8 & 2 & 1 \\ 2 & 3 & 1 & 2 & 8 & 1 & 1 & 2 & 1 & 7 & 2 & 4 \end{pmatrix}$$

1-қадам. Алгоритмга кўра, ҳар бир синфнинг ўртача объекти $\bar{x}_p = \frac{1}{m_p} \sum_{i=1}^{m_p} x_{pi}$, $p = \overline{1, r}$ га нисбатан топилади. Ўртача объектнинг параметрлари қуйидаги формула асосида ҳисобланади, $\bar{x}_p^j = \frac{1}{m_p} \sum_{i=1}^{m_p} x_{pi}^j$, $p = \overline{1, 4}$, бу формулага асосан ўртача объектлар қуйидагича бўлади:

$$\begin{aligned}\bar{x}_1^1 &= \frac{1}{6} \sum_{j=1}^6 x_{1j}^1 = \frac{1}{6} (3 + 3 + 3 + 5 + 5 + 5) = 4; \bar{x}_1^1 = 4; \\ \bar{x}_1^2 &= \frac{1}{6} \sum_{j=1}^6 x_{1j}^2 = \frac{1}{6} (2 + 2 + 2 + 2 + 2 + 2) = 2; \bar{x}_1^2 = 2; \\ \bar{x}_1^3 &= \frac{1}{6} \sum_{j=1}^6 x_{1j}^3 = \frac{1}{6} (2 + 2 + 2 + 3 + 3 + 3) = 2,5; \bar{x}_1^3 = 2,5; \\ \bar{x}_1^4 &= \frac{1}{6} \sum_{j=1}^6 x_{1j}^4 = \frac{1}{6} (2 + 2 + 2 + 2 + 2 + 2) = 2; \bar{x}_1^4 = 2; \\ \bar{x}_1^5 &= \frac{1}{6} \sum_{j=1}^6 x_{1j}^5 = \frac{1}{6} (4 + 2 + 3 + 7 + 7 + 7) = 5; \bar{x}_1^5 = 5; \\ \bar{x}_1^6 &= \frac{1}{6} \sum_{j=1}^6 x_{1j}^6 = \frac{1}{6} (1 + 1 + 1 + 1 + 1 + 1) = 1; \bar{x}_1^6 = 1; \\ \bar{x}_1^7 &= \frac{1}{6} \sum_{j=1}^6 x_{1j}^7 = \frac{1}{6} (1 + 1 + 1 + 1 + 1 + 1) = 1; \bar{x}_1^7 = 1; \\ \bar{x}_1^8 &= \frac{1}{6} \sum_{j=1}^6 x_{1j}^8 = \frac{1}{6} (2 + 2 + 2 + 2 + 2 + 2) = 2; \bar{x}_1^8 = 2; \\ \bar{x}_1^{10} &= \frac{1}{6} \sum_{j=1}^6 x_{1j}^{10} = \frac{1}{6} (5 + 8 + 8 + 5 + 5 + 5) = 6; \bar{x}_1^{10} = 6; \\ \bar{x}_1^{11} &= \frac{1}{6} \sum_{j=1}^6 x_{1j}^{11} = \frac{1}{6} (2 + 2 + 2 + 2 + 2 + 2) = 2; \bar{x}_1^{11} = 2; \\ \bar{x}_1^{12} &= \frac{1}{6} \sum_{j=1}^6 x_{1j}^{12} = \frac{1}{6} (2 + 2 + 2 + 2 + 1 + 2) = 2; \bar{x}_1^{12} = 2; \\ \bar{x}_1 &= (4; 2; 2,5; 2; 5; 1; 1; 2; 2; 6; 2; 1,8333).\end{aligned}$$

Худди шунингдек, иккинчи, учинчи ва тўртинчи синфлар ўрта объектлари ҳисобланади ва унинг қийматлари қуйидагича бўлади:

$$\begin{aligned}\bar{x}_2 &= (3,8571; 2; 2,1428; 2; 5,2857; 1; 1,1428; 2,1428; 1,7143; 7; 2; 2,5714); \\ \bar{x}_3 &= (2,5; 2,6667; 2,8333; 2; 3,8333; 1,1667; 1; 2,1667; 1,5; 5,5; 2; 1,6667); \\ \bar{x}_4 &= (2,4; 2,4; 1,6; 1,8; 4,2; 1,4; 1,4; 1,8; 1,8; 4,8; 1,8; 3);\end{aligned}$$

2-қадам. Бу ерда Фишер функционали, $a = (a^1, a^2, \dots, a^N)$, $b = (b_p^1, b_p^2, \dots, b_p^N)$ векторлари компоненталарининг қийматларини (3) формулага асосан ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned}a^1 &= (x_1^1 - \bar{x}_1^1)^2 = (3 - 4)^2 = 1; a^2 = (x_1^2 - \bar{x}_1^2)^2 = (2 - 2)^2 = 0; a^3 = (x_1^3 - \bar{x}_1^3)^2 = (2 - 2,5)^2 = 0,25; \\ a^4 &= (x_1^4 - \bar{x}_1^4)^2 = (2 - 2)^2 = 0; a^5 = (x_1^5 - \bar{x}_1^5)^2 = (4 - 5)^2 = 1; a^6 = (x_1^6 - \bar{x}_1^6)^2 = (1 - 1)^2 = 0; \\ a^7 &= (x_1^7 - \bar{x}_1^7)^2 = (1 - 1)^2 = 0; a^8 = (x_1^8 - \bar{x}_1^8)^2 = (2 - 2)^2 = 0; a^9 = (x_1^9 - \bar{x}_1^9)^2 = (2 - 2)^2 = 0; \\ a^{10} &= (x_1^{10} - \bar{x}_1^{10})^2 = (5 - 6)^2 = 1; a^{11} = (x_1^{11} - \bar{x}_1^{11})^2 = (2 - 2)^2 = 0; \\ a^{12} &= (x_1^{12} - \bar{x}_1^{12})^2 = (2 - 1,8333)^2 = 0,0278;\end{aligned}$$

Шундай қилиб, a вектори компоненталари орқали қуйидагича ифодаланади:

$$a = \begin{pmatrix} 1 & 0 & 0,25 & 0 & 1 & 0 & 0 & 0 & 0 & 1 & 0 & 0,0278 \\ 1 & 0 & 0,25 & 0 & 9 & 0 & 0 & 0 & 0 & 4 & 0 & 0,0278 \\ 1 & 0 & 0,25 & 0 & 4 & 0 & 0 & 0 & 0 & 4 & 0 & 0,0278 \\ 1 & 0 & 0,25 & 0 & 4 & 0 & 0 & 0 & 0 & 1 & 0 & 0,0278 \\ 1 & 0 & 0,25 & 0 & 4 & 0 & 0 & 0 & 0 & 1 & 0 & 0,0278 \\ 1 & 0 & 0,25 & 0 & 4 & 0 & 0 & 0 & 0 & 1 & 0 & 0,0278 \end{pmatrix}$$

Бу келиб чиққан жадвалдан устунлари 0 бўлган параметрларни чизиб ташласак, a вектори қуйидаги компоненталарга эга бўлади:

$$a = \begin{pmatrix} 1 & 0,25 & 1 & 1 & 0,0278 \\ 1 & 0,25 & 9 & 4 & 0,0278 \\ 1 & 0,25 & 4 & 4 & 0,0278 \\ 1 & 0,25 & 4 & 1 & 0,0278 \\ 1 & 0,25 & 4 & 1 & 0,0278 \\ 1 & 0,25 & 4 & 1 & 0,0278 \end{pmatrix}$$

b вектори компоненталари ҳам ҳисобланиб, компоненталари қуйидаги қийматларни қабул қилади:

$$b = (1; 0,25; 4,3333; 2; 0,1389).$$

3-қадам. Аниқланган иккита вектор компоненталари асосида бўсақавий вектор компоненталари (4) формула асосида қуйидагича аниқланади:

$$\varepsilon_i = (\varepsilon_i^1, \varepsilon_i^2, \dots, \varepsilon_i^N) : i = \overline{1,6}. \quad \varepsilon_1 = (1; 1; 0,23; 0,5; 0,2); \quad \varepsilon_2 = (1; 1; 2,08; 2; 0,2); \\ \varepsilon_3 = (1; 1; 0,92; 2; 0,2); \quad \varepsilon_4 = (1; 1; 0,92; 0,5; 0,2); \quad \varepsilon_5 = (1; 1; 0,92; 0,5; 5); \\ \varepsilon_6 = (1; 1; 0,92; 0,5; 0,2);$$

4-қадам. Аниқланган биринчи синф ўрта объекти ва бўсақавий вектор асосида (5) формуладан фойдаланиб, ўрта объект ва бошқа объектлар орасидаги яқинлик вектори аниқланади:

Эслатма: 1-синфнинг бир хил элементларга эга бўлган устунларининг яқинлик вектори аниқланмайди, уларга нисбатан бўсақавий векторлари компонентлари мавжуд эмас. Бу устунлар 2, 4, 6, 7, 8, 9, 1.

$$x_{11} = (3; 2; 4; 5; 2), \quad \bar{x}_1 = (4; 2,5; 5; 6; 1,8333); \\ \varepsilon_1 = (1; 1; 0,23; 0,5; 0,2), \quad \rho(x_{11}; \bar{x}_1) = (0; 1; 0; 0; 1), \quad \sum \rho(x_{11}; \bar{x}_1) = 2; \\ x_{12} = (3; 2; 2; 8; 2), \quad \bar{x}_1 = (4; 2,5; 5; 6; 1,8333); \\ \varepsilon_2 = (1; 1; 2,08; 2; 0,2), \quad \rho(x_{12}; \bar{x}_1) = (0; 1; 0; 0; 1), \quad \sum \rho(x_{12}; \bar{x}_1) = 2. \\ x_{13} = (3; 2; 3; 8; 2), \quad \bar{x}_1 = (4; 2,5; 5; 6; 1,8333); \\ \varepsilon_3 = (1; 1; 0,92; 2; 0,2), \quad \rho(x_{13}; \bar{x}_1) = (0; 1; 0; 0; 1), \quad \sum \rho(x_{13}; \bar{x}_1) = 2. \\ x_{14} = (5; 3; 7; 5; 2), \quad \bar{x}_1 = (4; 2,5; 5; 6; 1,8333); \\ \varepsilon_4 = (1; 1; 0,92; 0,5; 0,2), \quad \rho(x_{14}; \bar{x}_1) = (0; 1; 0; 0; 1), \quad \sum \rho(x_{14}; \bar{x}_1) = 2. \\ x_{15} = (5; 3; 7; 5; 1), \quad \bar{x}_1 = (4; 2,5; 5; 6; 1,8333); \\ \varepsilon_5 = (1; 1; 0,92; 0,5; 5), \quad \rho(x_{15}; \bar{x}_1) = (0; 1; 0; 0; 1), \quad \sum \rho(x_{15}; \bar{x}_1) = 2. \\ x_{16} = (5; 3; 7; 5; 2), \quad \bar{x}_1 = (4; 2,5; 5; 6; 1,8333); \\ \varepsilon_6 = (1; 1; 0,92; 0,5; 0,2), \quad \rho(x_{16}; \bar{x}_1) = (0; 1; 0; 0; 1), \quad \sum \rho(x_{16}; \bar{x}_1) = 2.$$

5-қадам. Бўсақавий вектор компоненталари (4) формула асосида X_2 синф объектлари учун аниқланади:

$$\varepsilon_i = (\varepsilon_i^1, \varepsilon_i^2, \dots, \varepsilon_i^N) : i = \overline{1,7};$$

$$\varepsilon_1 = (3,4; 0,17; 0,39; 0,17; 0,17; 0,4; 2,24; 0,13);$$

$$\varepsilon_2 = (1,9; 0,17; 2,57; 0,17; 0,17; 0,4; 0; 0,13);$$

$$\varepsilon_3 = (0,3; 0,17; 1,24; 0,17; 6; 0,4; 0,14; 1,78);$$

$$\varepsilon_4 = (0,3; 0,17; 0,7; 0,17; 0,17; 2,5; 1,26; 1,47);$$

$$\varepsilon_5 = (0,54; 0,17; 0,7; 0,17; 0,17; 2,5; 2,24; 1,47);$$

$$\varepsilon_6 = (0,54; 0,17; 0,7; 6; 0,17; 0,4; 0,56; 0,23);$$

$$\varepsilon_7 = (0,008; 6; 0,7; 0,17; 0,17; 0,4; 0,56; 1,78).$$

X_3 синф объектлари учун:

$$\varepsilon_i = (\varepsilon_i^1, \varepsilon_i^2, \dots, \varepsilon_i^N) : i = \overline{1,6};$$

$$\varepsilon_1 = (0,43; 0,2; 5; 0,28; 0,2; 0,2; 1; 1,19; 0,8);$$

$$\varepsilon_2 = (0,43; 0,8; 0,2; 0,01; 5; 0,2; 1; 0,43; 0,2);$$

$$\varepsilon_3 = (0,43; 0,8; 0,2; 0,01; 5; 0,2; 1; 0,43; 0,2);$$

$$\varepsilon_4 = (0,43; 3,2; 0,2; 3,25; 0,2; 0,2; 1; 1,19; 0,8);$$

$$\varepsilon_5 = (0,43; 0,2; 0,2; 1,9; 0,2; 0,2; 1; 2,34; 0,2);$$

$$\varepsilon_6 = (3,86; 0,8; 0,2; 0,55; 0,2; 0,2; 1; 10,43; 3,2).$$

X_4 синф объектлари учун:

$$\varepsilon_i = (\varepsilon_i^1, \varepsilon_i^2, \dots, \varepsilon_i^N) : i = \overline{1,5};$$

$$\varepsilon_1 = (1,5; 1,9; 0,56; 1,14; 1,66; 0,25; 0,67; 4; 1,14; 1,86; 1,14; 0,83);$$

$$\varepsilon_2 = (0,67; 0,15; 0,56; 1,14; 0,78; 0,25; 1,5; 0,25; 0,07; 1,01; 1,14; 0);$$

$$\varepsilon_3 = (0,67; 2,46; 0,25; 2,57; 0,1; 4; 1,5; 0,25; 2,57; 0,18; 2,57; 0);$$

$$\varepsilon_4 = (1,5; 0,15; 3,06; 0,07; 0,1; 0,25; 0,67; 0,25; 0,07; 1,32; 0,07; 3,3);$$

$$\varepsilon_5 = (0,67; 0,35; 0,56; 0,07; 2,34; 0,25; 0,67; 0,25; 1,14; 0,62; 0,07; 0,83).$$

6-қадам. Худди шунингдек, X_2 синфнинг объектлари учун 4-қадамда бажарилган ҳисоблашлар амалга оширилади ва қуйидаги натижага эга бўламиз:

$$\rho(x_{21}; \bar{x}_2) = (1; 1; 0; 1; 1; 1; 0; 0), \sum \rho(x_{21}; \bar{x}_2) = 5;$$

$$\rho(x_{22}; \bar{x}_2) = (0; 1; 0; 1; 1; 1; 0; 0), \sum \rho(x_{22}; \bar{x}_2) = 4;$$

$$\rho(x_{23}; \bar{x}_2) = (0; 1; 0; 1; 1; 1; 0; 1), \sum \rho(x_{23}; \bar{x}_2) = 5;$$

$$\rho(x_{24}; \bar{x}_2) = (0; 1; 0; 1; 1; 1; 0; 1), \sum \rho(x_{24}; \bar{x}_2) = 5;$$

$$\rho(x_{25}; \bar{x}_2) = (0; 1; 0; 1; 1; 1; 0; 1), \sum \rho(x_{25}; \bar{x}_2) = 5;$$

$$\rho(x_{26}; \bar{x}_2) = (0; 1; 0; 1; 1; 1; 0; 0), \sum \rho(x_{26}; \bar{x}_2) = 4;$$

$$\rho(x_{27}; \bar{x}_2) = (0; 1; 0; 1; 1; 1; 0; 1), \sum \rho(x_{27}; \bar{x}_2) = 5;$$

X_3 синф объектлари учун:

$$\rho(x_{31}; \bar{x}_3) = (0; 0; 1; 0; 1; 1; 1; 0; 1), \sum \rho(x_{31}; \bar{x}_3) = 5;$$

$$\rho(x_{32}; \bar{x}_3) = (0; 1; 1; 0; 1; 1; 1; 0; 0), \sum \rho(x_{32}; \bar{x}_3) = 5;$$

$$\rho(x_{33}; \bar{x}_3) = (0; 1; 1; 0; 1; 1; 1; 0; 1), \sum \rho(x_{33}; \bar{x}_3) = 6;$$

$$\rho(x_{34}; \bar{x}_3) = (0; 1; 1; 1; 1; 1; 1; 0; 1), \sum \rho(x_{34}; \bar{x}_3) = 7;$$

$$\rho(x_{35}; \bar{x}_3) = (0; 0; 1; 0; 1; 1; 1; 0; 1), \sum \rho(x_{35}; \bar{x}_3) = 5;$$

$$\rho(x_{36}; \bar{x}_3) = (1; 1; 1; 0; 1; 1; 1; 0; 1), \sum \rho(x_{36}; \bar{x}_3) = 7.$$

X_4 синф объектлари учун эса:

$$\rho(x_{41}; \bar{x}_4) = (1; 1; 0; 1; 0; 0; 1; 1; 1; 0; 1; 1), \sum \rho(x_{41}; \bar{x}_4) = 8;$$

$$\rho(x_{42}; \bar{x}_4) = (1; 0; 0; 1; 0; 0; 1; 1; 0; 0; 1; 0), \sum \rho(x_{42}; \bar{x}_4) = 5;$$

$$\rho(x_{43}; \bar{x}_4) = (1; 1; 0; 1; 0; 1; 1; 1; 1; 0; 1; 0), \sum \rho(x_{43}; \bar{x}_4) = 8;$$

$$\rho(x_{44}; \bar{x}_4) = (1; 0; 1; 0; 0; 0; 1; 1; 0; 0; 0; 1), \sum \rho(x_{44}; \bar{x}_4) = 5;$$

$$\rho(x_{45}; \bar{x}_4) = (1; 0; 0; 0; 0; 0; 1; 1; 1; 0; 0; 0), \sum \rho(x_{45}; \bar{x}_4) = 4.$$

Демак, иккала синф учун ҳам ҳар бир объект ўз синфининг шаклланишига қўшган ҳиссаси аниқланади. Барча объектларнинг ўз синфларига қўшган ҳиссаси (6) формула асосида ҳисобланади [1, 3, 4]. Шундай қилиб:

$$\Gamma(X_1) = \frac{1}{m_p} \sum_{i=1}^{m_p} \Gamma_i(x_{pi}, \bar{x}_{pk}, \lambda_p) = \frac{1}{6} \sum_{i=1}^6 \rho(x_{1i}; \bar{x}_1) = 2$$

$$\Gamma(X_2) = \frac{1}{m_p} \sum_{i=1}^{m_p} \Gamma_i(x_{pi}, \bar{x}_{pk}, \lambda_p) = \frac{1}{7} \sum_{i=1}^7 \rho(x_{2i}; \bar{x}_1) = \frac{33}{7} = 4,7$$

$$\Gamma(X_3) = \frac{1}{m_p} \sum_{i=1}^{m_p} \Gamma_i(x_{pi}, \bar{x}_{pk}, \lambda_p) = \frac{1}{6} \sum_{i=1}^6 \rho(x_{3i}; \bar{x}_1) = \frac{35}{6} = 5,8$$

$$\Gamma(X_4) = \frac{1}{m_p} \sum_{i=1}^{m_p} \Gamma_i(x_{pi}, \bar{x}_{pk}, \lambda_p) = \frac{1}{5} \sum_{i=1}^5 \rho(x_{4i}; \bar{x}_1) = \frac{30}{5} = 6$$

ҳисобланган қийматлар барча объектларнинг ўз синфлари шаклланишига қўшган ҳиссаси деб тушуниш мумкин. Ёки синфларнинг муҳимлик даражаси деб ҳам тушунилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, информатив белгилар фазосида синфлаштириш масаласини ечиш учун яқинлик функция қийматлари Фишер функционали элементларидан фойдаланилган ҳолда аниқланган. Ҳисоблаш ишлари ўқув танланмадаги барча объектлар кесимида алоҳида шакллантирилган. Фишер функционали компоненталари вектор кўринишида эмас, балки матрица кўринишида ифодаланган. Ўқув танланмаси ҳар бир объекти алоҳида ўқитилгандан сўнг тимсолларни таниб олиш масалаларида асосий масалалардан бири бўлган бўсақавий қиймат матрицаси элементлари ҳисобланади. Ҳар бир синф объектлари учун бўсақавий қиймат алоҳида ҳисобланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Журавлев Ю.И., Камилов М.М., Туляганов Ш.Е. Алгоритмы вычисления оценок и их применение. Ташкент: Фан. 1974 г. – С. 119.
2. Нишанов А.Х., Беглербеков Р.Ж., Ахмедов О.К. Информатив белгилар фазосида тимсолларни аниқлашнинг гибрид алгоритми. ТАТУ хабарлари, 2017. № 4. – Б. 62–69.
3. Камилов М.М., Нишанов А.Х., Беглербеков Р.Ж. Применение решающего правила для выбора информативных наборов признаков // Химическая технология. Контроль и управления. – Ташкент, 2017, № 3. – Б. 82–85.
4. Kamilov M., Nishanov A., Beglerbekov R. Modified stages of algorithms for computing estimates in the space of informative features // International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. 2019, 8(6). – PP. 714–717.

5. Nishanov A.X., Samandarov B.S. Assessment model of monitoring and defining the completeness of course elements of information systems. // Journal European Applied Sciences. Germany, 2015, – № 5. – PP. 56–58.

6. Нишанов А.Х., Худайбердиев М.Х. Масофадан ўқитиш тизимларида тимсолларни аниқлашнинг адаптив моделлари. Ташкент: Наврўз. 2017. – Б. 132.

7. Нишанов А.Х., Бабаджанов Э.С. Интерактив ахборот муҳитида электрон хизматлар. Ташкент: Алоқачи. 2017й. – Б. 254.

8. Фазылов Ш.Х., Нишанов А.Х., Маматов Н.С. Методы и алгоритмы выбора информативных признаков на основе эвристических критериев информативности. Ташкент: «Fan va texnologiya». 2017. – С. 132.

9. Akhram Nishanov, Bakhtiyorjon Akbaraliev, Rasul Beglerbekov, Oybek Akhmedov, Shukhrat Tajibaev and Rashidjon Kholiknazarov. Analytical method for selection an informative set of features with limited resources in the pattern recognition problem// E3S Web of Conferences 284, 04018 (2021), – PP. 1–9. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202128404018>.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Бахтиёр ЮЛДАШЕВ,

*Тошкент давлат транспорт университети, доцент,
тарих фанлари номзоди*

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp128-132>

Аннотация: Ушбу мақолада амалдаги манбалар асосида мустақиллик йилларида Ўзбекистон темир йўллари, унинг ривожланиши ва истиқболи қисқача таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: темир йўл тизимидаги муаммолар, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик темир йўл компанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” акционерлик жамияти, Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус”, “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон”, “Ангрен-Поп”, модернизация, Ўзбекистон темир йўллари, истиқбол.

Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган Ўзбекистон замини қадим замонлардан Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган. Худудимизда савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар ҳамда турли маданиятларнинг бир-бирини бойитиш жараёни жадал кечган. Бугунги кунда ҳам Европа ва Яқин Шарқдан Осиё-Тинч океани минтақасига олиб борадиган йўллар шу ерда кесишади. Марказий Осиё мамлакатлари мустақиллик ва суверенитетини қўлга киритгандан кейин бу алоқалар жонланиб, аҳамияти яна ҳам ошди. Бу тасодифий эмас. Чунки Марказий Осиё мамлакатларининг ҳудуди Шарқда Хитой чегараларидан бошланиб, Ғарбда Эрон ва Каспий денгизигача чўзилиб кетган. Шу туфайли

Марказий Осиё республикаларида юз бераётган ҳодисалар жаҳондаги энг йирик давлатлар, турли жўғрофий-сиёсий тузилмаларнинг манфаатларига бевосита дахлдордир. Ҳар қандай давлат ҳам ўзининг жўғрофий-сиёсий йўлини белгилаган вақтда ана шу вазиятни ҳисобга олади ва ўзи учун сиёсий, иқтисодий ва стратегик фойда чиқариб олишга ҳаракат қилади. Минтақада ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган мамлакат, катта маънавий ва маданий куч-қудратга эга бўлган Ўзбекистон бугунги кунда қўшни давлатлар-Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон ўртасида боғловчи ҳалқа вазифасини ўтайди. Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилиш орқали бутун Марказий Осиё минтақасида манфаатли муносабатлар ўрнатиш имконияти очилади. Буларнинг барчаси республиканинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви, чет эл инвестицияларини жалб қилиш Ўзбекистонни давлатлар ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликнинг, товарлар ва капитал транзитнинг ўзига хос минтақавий марказига айлантиради. Транспорт, сайёҳлик ва молиявий хизматларнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар очиб беради.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг жўғрофий жойлашуви, маъмурий чегараларини инобатга олсак, СССР парчаланиб кетганидан кейин ташқи коммуникациялар муаммоси Ўзбекистон учун кескинлашди. Чунки республикаимиз юклари денгиз бандаргоҳларига чиқиш учун бир неча мамлакатларнинг ҳудуди орқали ўтишига тўғри келарди. “Бугунги кунда, дейди Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев, – денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш имконига эга бўлмаган минтақа давлатларининг транспорт-транзит харажатлари сезиларли даражада катта бўлиб, улар экспорт қилинаётган маҳсулот қийматининг 70-89 фоизигача етмоқда” [1]. Бу ҳол давлатимизнинг иқтисодий алоқаларини ривожлантириш имкониятларини чегаралаб, юкларимиз транзит тарзда ўтадиган мамлакатларга қарам қилиб қўйиши мумкин, иккинчидан, собиқ иттифоқ республикалари ўртасидаги “божхона тартиб-таомилларнинг мукаммал эмаслиги оқибатида юк ташувчилар товарларни етказиб беришга кетадиган вақтнинг 40 фоизигача бўлган қисмини беҳуда йўқотмоқда... Буларнинг барчаси бутун минтақа транспорт сектори рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келмоқда” [2], учинчидан, Ўзбекистоннинг ҳудуд ва минтақаларини қамраб оладиган яхлит миллий темир йўл транспорти тизимининг барпо этилмагани сабабли Фарғона водийси, Сурхондарё воҳаси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти темир йўл тармоқларига уланиш нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан ажралиб қолган эди. Темир йўл транспорти орқали келтириладиган ва четга чиқариладиган халқ хўжалиги юклари шимолда – Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига 360 километр, жанубда – Сурхондарё вилоятига Туркменистон ҳудудидан 194 километр, ғарбда – Фарғона водийсига Тожикистон ҳудудидан 100 километр масофани кесиб ўтишга тўғри келар эди [3]. Бу эса ўз вақтида катта миқдордаги валюта ва божхона тўловларини амалга оширишни тақозо этарди, тўртинчидан, темир йўл транспортидаги ҳаракатланадиган таркибнинг (локомотив ва вагонлар) “жисмонан” ишдан чиққанлиги, “маънан эскирганлиги”, замон даражасида

хизмат кўрсатиш имконини берадиган техника ва технологиялар билан жиҳозланмаганлиги муаммолар сирасига кирарди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб темир йўл тармоқлари тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Темир йўл транспортида юк ва йўловчиларни ташиш эҳтиёжларини тўла қондириш ҳамда унинг барқарор ва хавф-хатарсиз ишлашини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994-йил 7-ноябрдаги Фармони билан собиқ Ўрта Осиё темир йўлининг республика ҳудудида жойлашган участкалари асосида “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси ташкил этилди. Фармонда “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акционерлик компанияси Ўзбекистон Республикаси давлат темир йўл транспорти бошқармасининг темир йўл транспортида юк ташиш жараёнларига раҳбарлик қиладиган ва ҳўжалик ишларини амалга оширадиган ваколатли орган деб белгиланди [4]. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014-йил 24-апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ—4720-сонли Фармони билан “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат Акционерлик темир йўл компанияси очиқ акционерлик жамияти ёки “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, деб ўзгартирилди. Ўзбекистон Республикасининг темир йўл соҳасидаги давлат сиёсати ишлаб чиқилди, унинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди, хусусан, **биринчидан**, ягона ва яхлит темир йўл транспорт коммуникация тизимини барпо этиш, **иккинчидан**, темир йўл тармоғининг асосий йўналишларида электрлаштириш ишларини давом эттириш, **учинчидан**, темир йўл изларини модернизациялаш ҳамда телекоммуникацияни оптик толали алоқа қурилмаларига ўтказиш асосида темир йўл транспорти инфраструктурасини ривожлантириш, **тўртинчидан**, ҳаракатланадиган таркибни (локомотив ва вагон) тиклаш ва модернизация қилиш, **бешинчидан**, жаҳон бозорига чиқишни таъминлайдиган муқобил транспорт коридорларини излаб топиш.

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдан транспорт коммуникацияси ривожланиши учун қатор лойиҳалар амалга оширилди. Давлат бюджетидан темир йўлларни реконструкция қилиш, янги темир йўллар, кўприklar қурилиши ва тегишли инфратузилманинг ривожланиши учун 8 миллиард доллардан ортиқ капитал қўйилмалари, шундан 2,6 миллиард доллардан ортиқ капитал йўналтирилди [5]. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармон ҳамда махсус қарорлари асосида 2001-йилнинг охирида 633 километрлик “Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус”, 2007-йил август ойида 223 километрлик “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон”, 2016-йил июнь ойида эса 123 километрлик электрлаштирилган “Ангрен-Поп” янги темир йўлларининг фойдаланишга топширилиши мамлакатимизнинг шимолий ва жанубий ҳудудларининг иқтисодий салоҳиятини

янада ривожлантириш, минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли металлар, қурилиш материаллари ва бошқа хомашёга бой конларни комплекс ўзлаштириш, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, минг-минглаб юртдошларимизни иш билан таъминлаш имконини берди. Бу йўллар мамлакатимизда ягона ва яхлит миллий темир йўл коммуникация тизимининг барпо этилиши йўлида энг муҳим қадамлардан бири бўлиб хизмат қилди.

Мустақиллик йилларида темир йўлларни электрлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган давр ичида “Тошкент-Хўжакент”, “Тўқимачи-Ангрен”, “Тошкент-Самарқанд”, “Мароқанд-Қарши” линиялари электрлаштирилди. 325 километрлик “Қарши-Термиз” темир йўл участкасини электрлаштириш, икки томонлама қатновга эга бўлган “Жиззах-Янгиер” электрлаштирилган темир йўл тармоғи қурилишининг иккинчи босқичи амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар давомида 1800 километрдан ортиқ темир йўллар электрлаштирилди [6]. Электропоездларнинг қатнови натижасида поездлардан фойдаланиш харажатларини 20 фоизга камайтириш, йўловчи ва юк ташиш тезлигини 1,3 баробар ошириш имкони яратилди. Испаниянинг “Talго” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган юқори тезликда ҳаракатланадиган “Afrosiyob” электропоезди қатнови 2011-йил Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида йўлга қўйилган бўлса, 2015-йил август ойида ана шундай тезюрар поезд Тошкент-Қарши, 2016-йил 25-август куни Тошкент-Бухоро йўналишига қўйилди. 215 йўловчини ташиш имконига эга бўлган мазкур поезд Тошкент-Самарқанд йўналишини 2 соатда, Тошкент-Қарши йўналишини 2,5 соатда, Тошкент-Бухоро йўналишини эса 3 соату 25 дақиқада босиб ўтмоқда.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан транспорт соҳасидаги хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида ҳаракатланадиган таркибни энг замонавий, юқори самарали локомотивлар ва қулай вагонлар билан таъминлаш ва модернизация қилиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнгги йилларда 49 та замонавий электровоз ва 10 та йўловчи ташийдиган тепловоз сотиб олингани, 120 та локомотив модернизация қилингани бу борадаги ишлар кўлами тобора ортиб бораётганини кўрсатади [7]. Бугунги кунда темир йўл тармоғининг жадал ривожланаётган, юксак технологияларга асосланган Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи, Қуюв-механика заводи, “Ўзтемирийўлмаштаъмир” унитар корхоналари локомотив ва йўловчи вагонларни таъмирлаш, модернизация қилиш ва қайта жиҳозлашдан ташқари қисқа вақт ичида вагонсозлик саноатимизга асос солинди. Бу ерда 2,5 мингта юк ва 150 та янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқилди, 735 та йўловчи вагонлари модернизация қилинди [8].

Айни вақтда Ўзбекистон темир йўлчилари олдида “юк ва йўловчи ташиш ҳажмини ошириш билан бир қаторда, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, бой минерал хомашё ресурсларини комплекс ўзлаштириш, тармоқ корхоналари учун мутахассислар тайёрлаш, иқтисод тармоқлари ва аҳолининг кўмир маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган талабини қондиришга йўналтирилган инвестициявий лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этиш” [9], мамлакатимиз “транзит салоҳиятини янада ривожлантириш ва миллий иқтисодиётлар таркибида транспорт соҳаси улушини ошириш, транспорт инфратузилмасига замонавий технологиялар ва хорижий инвестицияларни

жалб этиш, Шарқ-Ғарб лойиҳаси доирасида Хитойдан бошланадиган, Қирғизистон ва Ўзбекистон орқали ўтадиган, кейинчалик янги барпо этилган Боку-Тбилиси-Карс темир йўл магистрали орқали Жанубий ва Шарқий Европа, Яқин Шарқ мамлакатлари ва Ўрта ер денгизи портларига олиб чиқадиган янги транспорт йўлакларини шакллантириш вазифалари турибди” [10].

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиёда темир йўл ўз замонасининг илғор техника ва транспорт воситаси сифатида Туркистонда иқтисодий ривожланиш омилларидан бири бўлиб хизмат қилди. Туркистон ўлкасида темир йўл қурилиши натижасида рўй берган барча ўзгаришлар метрополиянинг мустамлакачилик манфаатларини кўзланган ҳолда амалга оширилди. Мустақиллик йилларида транспорт тизимини ривожлантириш мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини ва унинг хавфсизлигини мустаҳкамлади, транспорт коммуникация тизимининг чуқур ислоҳ қилиниши республика иқтисодиётини ривожлантириш, йирик табиий бойликларини ўзлаштириш учун қулай имкониятларни очиб берди, юртимизда транспорт коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган улкан лойиҳаларнинг амалга оширилиши нафақат мамлакат ичида юк ташишга бўлган талабни қондиради, шу билан бир қаторда, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ўсишига ҳам таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Марказий Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар” халқаро конференция иштирокчиларига. (Ўзбекистон Республикаси Президенти қутлови) // “Халқ сўзи”, 2018, 21-сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти жамоасига табриги // “Халқ сўзи”, 2018 йил, 4-август.
3. Темир йўллар-миллат куч-қудрати // “Темирйўлчи”, 2003, 6-июнь.
4. “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат-акционерлик темир йўл компаниясини тузиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994-йил 7-ноябрдаги Фармони. // “Темирйўлчи”, 1994, 12 ноябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти жамоасига табриги // “Халқ сўзи”, 2018-йил, 4-август.
6. Ўша жойда.
7. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти жамоасига // Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т., “Ўзбекистон”, 2018, 431-бет.
8. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти жамоасига // “Темирйўлчи”, 2014, 13-ноябрь.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти жамоасига табриги // “Халқ сўзи”, 2018-йил, 4-август.

ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИКЛАР ТУЗИЛМАСИ, УНИ ЯРАТИШ АЛГОРИТМИ ВА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ ИНФОЛОГИК МОДЕЛИ

Жавлон ГУЛЯМОВ,

*Тошкент давлат транспорт университети,
Транспортда ахборот тизимлари ва технологиялари кафедраси
катта ўқитувчиси,
Файзулла РАХИМОВ,*

Тошкент давлат транспорт университети 2-курс магистранти

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp133-136>

Аннотация: Мақолада электрон дарслик тушунчаси, тузилмаси, афзалликлари ёритилган. Шунингдек, электрон дарсликни яратиш алгоритми келтирилган. Электрон дарслик компонентлари таҳлил қилинган.


Калит сўзлар: Тузилма, таркибий тузилиш, структура, модулли тизим, электрон дарсликларни яратиш босқичлари.

КИРИШ


Электрон дарслик – янги ахборот-компьютер технологиялари асосида ва юқори илмий ва методологик даражада яратилган давлат таълим стандарти мутахассисликлари ва йўналишларининг муайян ўқув фани (ёки бир неча фан)га тўла мос келган асосий ўқув электрон маҳсулоти ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тузилма умумий қабул қилинган тушунча бўлиб, (“тузилма” сўзи латинча *struktura* сўзига мос келади, “тузиш”, “жойлаштириш”, “тартиблаш” каби маъноларни билдиради) объектнинг бутунлигини таъминлайдиган турғун алоқалар бирикмасидир. Электрон дарслик таркибий тузилишини модулли тизим асосида қуриш мақсадга эришишни осонлаштиради. Ўқув материаллари алоҳида ажратилган модулларда берилади. Электрон дарсликнинг модулли тузилмаси анъанавий ўқитиш тизимида қўлланиладиган модулли технологияга, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг модулли тузилишига асосланади. Модуллар автоном кўринишдаги ўқув материали бўлиб, у мазмуний ва метамаълумотлар қисмларидан тузилган. Модулли дарсликнинг бошқарув тизимини ҳосил қилиш учун модуллар орасида ўзаро боғланишлар таъминланиши керак. Модулли тузилма асосида дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг ҳамда таълим жараёнида модулли ўқитиш технологиясининг қўлланилиши ўқитиш нархини 30-60 %га, вақтини 20-40 % га камайтиришга ҳамда ўзлаштириш самарадорлигини оширишга эришиш мумкин [1,2].



1-расм. Электрон дарслик тузилмаси.



Мавжуд электрон дарсликлар модулли ва турли таркибий тузилишларининг таҳлили ҳамда ўтказилган изланишлар асосида биз томондан электрон дарсликлар таркибий тузилмаси ишлаб чиқилди (1-расм).

Электрон дарсликни яратиш алгоритми қуйидаги босқичларни ўз ичига олади (2-расм).

1. Ишлаб чиқишнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш.
2. Электрон дарсликнинг тузилмасини ишлаб чиқиш.
3. Дарсликнинг бўлимлар (модуллар) ва мавзулар бўйича мазмунини ишлаб чиқиш.
4. Электрон дарсликнинг алоҳида тузилма сахналарини тайёрлаш.
5. Дастурлаштириш.
6. Синовдан ўтказиш.
7. Электрон дарслик мазмунини синов натижалари бўйича такомиллаштириш.
8. Фойдаланиш учун услубий қўлланма тайёрлаш.

Мақсад ва вазифаларини аниқлаш. Электрон дарсликларни яратишнинг йўналтирувчи нуқтаси бўлиб, ахборот технологияларидан фойдаланиладиган дидактик мақсад ва вазифалар ҳисобланади.


Ўқитиш мақсадларига боғлиқ равишда электрон дарсликнинг қуйидаги турлари бўлиши мумкин:

Юқоридаги расмда электрон дарсликларни яратиш технологиясининг намунавий кўриниши келтирилган.

Реал воқеликда эса ушбу технология қўшимча функциялар билан кенгайтирилиши мумкин.

Хулоса. Ўқув жараёнида мустақил таълимни самарали ташкил қилишда турли ахборот электрон дарсликларни яратишга алоҳида аҳамият бериш талаб этилади. Чунки мустақил таълим ,асосан, таълим олувчининг мустақил ўрганишига асосланган ўқув фаолияти ҳисобланади. Ҳозирги даврда мустақил таълим учун электрон дарсликлар яратишда замонавий ахборот технологияларнинг ўрни беқиёсдир.

Қуйида электрон дарслик маълумотлар базаси инфологик модели келтирилди (3-расм). Талабаларни тестдан ўтказиш учун талаблар, фанлар, тест натижалари, тест топшириқлари, тест ўтказилган вақт каби маълумотлар ўзаро боғланган ҳолда аниқланган [3,4].



3-расм. Электрон дарслик инфологик модели.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.А. Абдуқодиров, А.Х. Пардаев, Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти, Монография, Тошкент: Фан, 2009. – Б. 146.
2. М.Арипов ва бошқалар, Ахборот технологиялари, Ўқув қўлланма, Тошкент: Ношир, 2009. – Б. 368.
3. Тайлакова Д.Н. Технология моделирования и создания электронного учебника [Текст] / Д.Н. Тайлакова // Молодой ученый. – 2013. – № 5. – С. 772-775.
4. Вендров А.М. CASE-технологии. Современные методы и средства проектирования информационных систем. – М.: Финансы и статистика, 2012. – С. 176.

НУТҚ СИГНАЛИНИ ТАНИБ ОЛИШ МАСАЛАСИДА ВЕЙВЛЕТ-ТАҲЛИЛ

Сайёра ИБРАГИМОВА,

*Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш
илмий-тадқиқот институти*
E-mail: snibragimova@mail.ru

Шерзод АБДУЛЛАЕВ,

*Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш
илмий-тадқиқот институти*

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp136-138>

Аннотация: Турли вақт шкалалари ва турли хил сигнал ўлчамлари шкалаларидан қўшимча маълумот олиш нутқни аниқлашнинг аниқлигини ошириши мумкин. Нутқни аниқлаш тизимларини қуришда юзага келадиган энг муҳим масалалардан бири бу таснифлаш учун ишлатиладиган хусусиятлар базасини аниқлашдир. Қўллаш қондасининг самарадорлиги ва пировардида нутқни аниқлаш муаммосини ҳал қилиш сифати хусусиятларни тўғри танлашга боғлиқ. Ушбу мақола вейвлет-таҳлил ёрдамида хусусиятларни ажратиш олишга бағишланган бўлиб, нутқ сигналларини таҳлил қилишда вейвлет алмаштириши ва Фурье алмаштириши ўртасидаги асосий фарқларни қисқача кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: информатив белгилар, Фурье алмаштириши, вейвлет алмаштириши, вейвлет-таҳлил, нутқ сигнали, локал максимум.

Маълумки, сўнгги йилларда чет элларда нутқ сигналларини автоматик таниб олиш тизимлари жадал ривожланмоқда. Бироқ Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги нутқ сигналларини автоматик таниб олиш масалалари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Нутқни автоматик таниб олиш тизимларининг энг муҳим масалаларидан бири нутқ сигналига ишлов бериш ва информатив белгиларини ажратиш олиш масаласи ҳисобланади. Нутқ сигналларини математик қайта ишлашдан фойдаланилган ҳолда автоматик таниб олиш усулларини ишлаб чиқиш ҳозирда нутқ маълумотларининг ташувчиси бўлган товуш тўлқинларининг

амплитуда-вақт характеристикаларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилмоқда [1]. Ушбу мақсадлар учун ҳозиргача фойдаланилган Фурье алмаштириши етарли даражада самарали эмас, чунки сигналнинг фақат частота характеристикалари ҳақида маълумот беради, шу билан бирга, унинг вақт характеристикалари йўқолади. Фурье алмаштириши ностационар сигналларни, шу жумладан, маълум бир вақт оралиғида локализация қилинган сигналларни таҳлил қилиш учун мос эмас, чунки сигнал вақт хусусиятлари ҳақида маълумот йўқотади. Нутқ сигнали ностационар жараёнга мисол бўлиб, унинг частота-вақт характеристикаларининг ўзгариш фактининг ўзи информатив ҳисобланади.

Бундай жараёнларни таҳлил қилиш учун тадқиқ қилинаётган сигналда частота ва вақт характеристикаларини очиқ берадиган базис функциялар талаб қилинади, яъни частота-вақт бўйича локаллаштириш хусусиятларига эга функциялар. Бундай имкониятларни спектрал таҳлилнинг умумлашмаси бўлган вейвлетлар тақдим этади. Вейвлетлар икки аргумент – масштаб ва силжишнинг функциялари ҳисобланади.

Вейвлет алмаштириши Фурье алмаштиришидан фарқли ўлароқ, сигналга бир вақтнинг ўзида физик фазода – вақт, координата ва частота фазосида ишлов беришга имкон беради.

$$W_{\Psi}(a, b)f = \frac{1}{\sqrt{|a|}} \int_{-\infty}^{\infty} \Psi\left(\frac{b-x}{a}\right) f(x) dx \quad (1)$$

бу ерда $\Psi\left(\frac{b-x}{a}\right)$ – вейвлет; a – масштаб коэффиценти; b – силжиш параметрлари.

Юқорида айтилганларга асосланиб, вейвлет алмаштириши “частота-вазият” текислигида частота соҳасида тадқиқ қилинаётган сигналнинг икки ўлчовли тавсифини таъминлайди. Бундай ҳолда частотанинг аналогически функцияси аргументининг масштаби бўлиб, вазияти унинг силжиши билан тавсифланади. Бу сигналларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини беради, шу билан бирга, уларни вақт шкаласида локализация қилади. Бошқача қилиб айтганда, вейвлет-таҳлилни локал бузилишларнинг спектрал таҳлили сифатида тавсифлаш мумкин [1].

Вейвлет-таҳлил назариясида кўплаб йўналишлар мавжуд. Масалан, кўп масштабли вейвлет-таҳлил ёрдамида сигнални турли даражадаги тафсилотларга эга тимсоллар кетма-кетлиги сифатида ифодалаш мумкин, бу сигналнинг локал хусусиятларини аниқлаш ва уларни интенсивлик бўйича таснифлаш имконини беради.

Таҳлил сигналнинг ортонормал базисни ташкил этувчи функцияларни ёйишга асосланади [2]. Ҳар қандай функция j_n аниқлик даражасида (масштабда) қатор шаклида ёйилиши мумкин:

$$f(x) = \sum_{k=0}^{2M-1} s_{j_n,k} \varphi_{j_n,k} + \sum_{j \geq j_n} \sum_{k=0}^{2M-1} d_{j_n,k} \psi_{j_n,k} \quad (2)$$

Бу ерда $\varphi_{j_n,k}$ ва $\psi_{j_n,k}$ – масштаб функцияси φ ва “она вейвлет” ψ нинг масштабланган ва силжитилган шакллари;

$s_{j,k}$ – аппроксимация коэффициентлари;

$d_{j,k}$ – деталлаштириш коэффициентлари.

φ ва ψ функцияларининг масштаблаш ва силжитиш қуйидаги қонунга бўйсунди:

$$\varphi_{j,k} = 2^{\frac{j}{2}} \varphi(2^j x - k); \psi_{j,k} = 2^{\frac{j}{2}} \psi(2^j x - k) \quad (3)$$

Ўз навбатида, φ ва ψ функциялар қуйидагича аниқланади:

$$\varphi(x) = \sqrt{2} \sum_{k=0}^{2M-1} h_k \varphi(2x - k); \psi(x) = \sqrt{2} \sum_{k=0}^{2M-1} g_k \psi(2x - k); \quad (4)$$

бу ерда $g_k = (-1)^k h_{2M-k-1}$.

MatLab тизими имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўлчов функцияларининг ортогоналлик хусусиятлари ва M қийматларини кўрсатиб, ортогонал вейвлетларни аниқлайдиган h_k коэффициентларининг муайян қийматларини ҳисоблаш мумкин [3]. Масалан, $M=2$ ни ўрнатиш орқали Добеши 4 вейвлетини аниқлайдиган h_k коэффициентлар қаторини олиш мумкин [4].

Шундай қилиб, ортогонал вейвлет-таҳлил $f(x)$ сигналининг парчаланиши $s_{j,k}$ аппроксимация коэффициентларини ва $d_{j,k}$ деталлаштирувчи коэффициентларини топишдан иборат.

Вейвлет алмаштиришининг локал максимумлари жойлашган текисликдаги нуқталар тўплами максимумларнинг скелетини ташкил қилади. Бу нуқталарда, яъни вейвлет-алмаштиришнинг локал максимум қийматларида сигналнинг информатив белгилари жойлашган бўлади. Ушбу механизмдан фойдаланиш нутқ оқимидан фонемаларни янада самарали ажратиш олиш имконини беради.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, ортогонал вейвлет-таҳлил нутқ сигналларини қайта ишлаш учун энг мақбул деб тахмин қилиш мумкин. Турли вақт масштаблари ва турли хил сигнал аниқлиги масштаблардан қўшимча ахборот олиш орқали вейвлет алмаштириши нутқни таниб олишнинг аниқлиги ва ҳалақитга бардошлилигини яхшилашга имкон беради. Ушбу ишда олинган дастлабки натижалар нутқ сигналининг вейвлет-таҳлили ажратилиши ва узлуксиз нутқни таниб олиш тизимларини яратиш учун ишлатилиши мумкинлигига асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Горшков Ю.Г. исследовательский комплекс частотно-временного анализа речевого сигнала с использованием вейвлет-технологии. Вестник МГТУ им. Баумана. Серия Приборостроение, – 2011, № 4. – С. 78–87.
2. Новиков Л.В. Основы вейвлет-анализа сигналов. Учебное пособие. 1999. – С. 152.
3. Смоленцев Н.К. Основы теории вейвлетов. Вейвлеты в Matlab / Н.К. Смоленцев. – М.: ДМК Пресс, 2005. – С. 304.
4. Добеши И. Десять лекций по вейвлетам. – Ижевск: НИЦ «Регулярная и хаотическая динамика», 2001. – С. 464.

“ЯГОНА ДАРЧА” ТАМОЙИЛИ КОНЦЕПЦИЯСИ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖ МИСОЛИДА

Салай МАТКАРИМОВ,

*мустақил тадқиқодчи, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Логистикани
ривонлантириш ва рақамлаштириш бош бошқармаси бош
мутахассиси, Тошкент, Ўзбекистон*

E-mail: salay1441@mail.ru

Умсун ИРИСМЕТОВА,

*мустақил тадқиқодчи, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Амалий дастурлаш
ва IT-технологияларини амалга ошириш гуруҳи” (ГИТ) бўлим бошлиғи,
Тошкент, Ўзбекистон*

E-mail: irismetovaumsun.git@gmail.com

Сардорбек АХМЕДОВ,

*мустақил тадқиқодчи, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Халқаро ҳамкорлик
ва ташқи иқтисодий муносабатлар бошқармаси бошлиғи*

E-mail: sxahmedov@yandex.ru

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp139-145>

Аннотация: Мақолада транспорт логистика соҳасида инвестицион жозибadorликни ошириш, инвесторлар сафини кенгайтириш, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатдор ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида “Ягона дарча” тамойили асосида юк эгаларига юк ташиш жараёнида хизмат кўрсатишни электрон тарзда тақдим этишга қаратилган автоматлаштирилган ахборот тизимининг ишлаб чиқилиши юзасидан амалга оширилган ишлар батафсил баён этилган.

Калит сўзлар: “Ягона дарча”, “E-imzo”, IFCSUM, ОСЖД, СМГС, ТехПД, АРІ, ОАО “РЖД”, АО “НК КТЖ”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.03.2019 даги ПФ–4230-сонли “Юк ва йўловчиларни ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини бажариш учун, шунингдек, уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018-йил 19-февралдаги Фармони бажариш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда “Амалий дастурлаш ва IT-технологияларини амалга ошириш гуруҳи” (ГИТ) ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 28-апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4699-сонли Қарори асосида “Амалий дастурлаш ва IT-технологияларини амалга ошириш гуруҳи”, “Ягона дарча” тамойили асосида юк эгаларига юк ташиш жараёнида хизмат кўрсатишни электрон тарзда тақдим этишга қаратилган автоматлаштирилган ахборот тизимини (кейинги ўринларда “Ягона дарча” тизими) ишлаб чиқмоқда.

Ушбу миллий веб-дастур, темир йўл транспортидан фойдаланувчи – юк эгалари Ўзбекистон Республикаси резиденти ва норезидент бўлган юридик ва жисмоний шахсларга қулайлик яратиш, барча ўзаро мулоқотларни интернет орқали масофадан туриб бажариш, электрон маълумотлар айланмасини ташкил этишга қаратилган.(1-расм)

“Ягона дарча” тамойили асосида яратилган веб-дастур яратишнинг асосий мақсади:

- темир йўл транспортида юкларни ташиш хизматларини такомиллаштириш;
- mijozlarга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш;
- темир йўл транспортидаги ахборотларни электронлаштириш;
- темир йўл тизимидаги барча ҳужжатлар айланмасини электрон тарзда таъминлаш;
- темир йўл тасарруфида бўлган, жойлардаги корхоналар (станция, Юк ҳужжатларини қайта ишлаш технологик маркази ва бошқа тааллуқли ташкилотлар) ишларини назорат қилиш ва уларнинг барча ҳисоботларини онлайн тизимда ўз вақтида тўлиқ олиш;
- банк ва молиявий ишлар ҳужжатларини расмийлаштиришда онлайн тизим орқали ишларни амалга оширишдан иборат.

IT-технологияларини амалга ошириш гуруҳи томонидан ҳозиргача бир неча муҳим ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, тизимни яратиш учун техник топшириқ ва лойиҳа паспорти ишлаб чиқилган бўлиб, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти томонидан тасдиқланган.



1-расм. “Ягона дарча” ахборот тизимини жорий этиш орқали эришиладиган самарадорлик.

Бугунги кунда жамиятимиз томонидан темир йўл тарифларини ҳисоблаш учун “Калькулятор” модули ишлаб чиқилган. Бу модуль “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ <https://www.railway.uz> сайтида жойлашган бўлиб, ҳамма учун очиқ. Темир йўлдан фойдаланмоқчи бўлган барча мижозлар сайтимизга кириб, темир йўл тарифларининг базавий тарифларини олишлари мумкин.

Шу билан бирга, тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний субъектларга темир йўл орқали юк ташиш хизматларини кўрсатишни янада такомиллаштириш, масофадан электрон хизмат кўрсатишда қулайлик яратиш мақсадида бугунги кунда янги “e-nakl.railway.uz” сайти яратилган бўлиб, ушбу сайт орқали мижозларга қуйидаги имкониятлар тақдим этилади:


1. Веб – дастур орқали рўйхатдан ўтиш.
2. Тариф суммаларини олдиндан ҳисоблаш ва аниқлаш учун электрон буюртма шакллантириш.
3. Темир йўл билан электрон “Шартнома” ва “Келишув”ларни тузиш ва уларни “E-imzo” ЭРИ (кейинги ўринларда – электрон рақамли имзо) орқали имзолаш.
4. Юк ташиш ойлик, ўн кунлик прогнозларга электрон буюртмалар шакллантириш, тақдим қилиш ва уларнинг бажарилиши ҳақида онлайн кузатиш.
5. Темир йўл хизматлари учун ўтказилган пул тушумларини кузатиш ва керакли пул миқдорини керакли станцияга электрон маълумот тарзида узатиш.
6. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ҳамда транзит темир йўллари учун экспедитор корхонаси орқали бажариладиган тўловларни тизимга киритиш.
7. Вагонларни станция ходимлари тарафидан қўйиб бериш тўғрисида маълумот олиш.
8. Ички қатновларда ва экспортга кетадиган юклар учун электрон юк ташиш ҳужжатларини яратиш.
9. Станцияда тузилган барча тижорий ҳужжатларнинг электрон шаклини олиш ва уларни “E-imzo” ЭРИ орқали тасдиқлаш.
10. Темир йўлдаги шахсий ҳисоб варақасидаги пулларнинг харажатини кузатиш.

Пировардида “Ягона дарча” тамойили асосида ишлаб чиқилган ушбу веб-дастур орқали мижозлар бугунги кунда хизмат кўрсатувчи Минтақавий темир йўл узели унитар корхонаси (кейинги ўринларда - МТУ УК) ва Юк ҳужжатларини қайта ишлаш технологик марказ (кейинги ўринларда – ТехПД)лар билан электрон шартнома ва келишувлар тузишни “E-imzo”, яъни электрон рақамли имзо қўйиш орқали амалга оширишлари мумкин.

Бундан ташқари, юкларни ташиш учун белгиланган тартибда тўлдириладиган ариза ГУ-12 шаклдаги “Юк ташиш ойлик прогнози”ни, ГУ-11 шаклдаги “Ўн кунлик буюртманомаларни электрон равишда тақдим этиш ва жавобини сайт орқали кузатиб туриш ҳамда станция ходимлари билан онлайн мулоқот қилиш имкониятига эга (2-расм).

Маркетинг нуқтаи назаридан, мижозлар билан интерфаол мулоқотни ташкил этиш мақсадида “Форум” электрон ахборот алмашув тизими яратилган. Бу орқали барча тизимда рўйхатдан ўтган мижозлар ва темир йўл ходимлари ўзини қизиқтирадиган саволлари билан мурожаат қилиб, батафсил маълумотлар олишлари таъминланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖда эксплуатацион ишларни оптимал ташкил этиш мақсадида “Ягона дарча” тизими қуйидаги таркибий бўлинмаларда қўлланади: Логистикани ривожлантириш ва рақамлаштириш бош бошқармаси, Ягона диспетчерлик маркази, Ташишларни ташкил этиш бошқармаси, Юк ва тижорат бошқармаси, Статистика бошқармаси, Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси, барча юк ташиш станцияларда, Минтақавий темир йўл узелларидаги юк ҳужжатларини қайта ишлар технологик маркази (ТехПД).



2-расм. “Ягона дарча” интеллектуал тизими функционал принципи.

Ушбу “Ягона дарча” интеллектуал тизими станция ходимлари учун қуйидаги имкониятларни яратади:

- юк ташиш тарифларининг ўзгариши, тариф кўрсатмаларининг ўзгариши ва юк ташиш операциялари билан боғлиқ барча ўзгаришлар тўғрисида онлайн электрон маълумот олиш;

- юк ва тижорат ишлари бошқармасидан электрон тарзда халқаро ва ички қатновларда юк ташиш учун ойлик (ГУ-12-асосий прогноз), халқаро қатновларда юк ташиш учун қўшимча (ГУ-12-қўшимча прогноз) тасдиқланган прогнозлар олиш;

- юк жўнатувчилардан ички қатновларда темир йўл орқали юк ташиш учун, қўшимча прогнозлаштириш учун буюртмалар олиш ва ЭРИ билан тасдиқлаш;

- тасдиқланган ойлик прогноз асосида кундалик вагон қўйиб бериш ва ортиш режасини тақсимлаш, ГУ-1 “Ҳисобга олиш варақаси”ни яратиш;

- юк жўнатувчилардан ГУ-12, ГУ-1 ҳужжатларга мувофиқ ўн кунлик ортиш режасини олиш ва ЭРИ билан тасдиқлаш;

- мижозлардан, Юк ҳужжатларини қайта ишлаш марказида мижознинг шахсий ҳисоб варақасидан, маблағ ажратиш ҳақида станция учун яратилган электрон маълумотнома олиш;

- мижознинг буюртмаси асосида қўйиб берилган ва ортилган вагон учун мувофиқ йўналишлар асосида белгиланган шаклдаги электрон юк ҳужжатларини шакллантириш;

- юкланиш учун бўш вагонларни қўйиб бериш ҳақида юк жўнатувчиларга электрон хабарнома юбориш ва ГУ-2 шакл электрон китобини шакллантириш;
- “Юк қабул қилувчи эслатмаси” ГУ-45 шакл, “Вагонни қўйиб бериш ва олиш варақаси”нинг ГУ-46 шакл, “Йиғимлар варақаси”нинг ФДУ-92 шакл, умумий шакл далолатномаси ГУ-23, ГУ-34, ГУ-37, ГУ-42, ГУ-44, ГУ-48 китобларининг электрон шаклини яратиш;
- станция ҳисоботлари учун ФДУ-91, ФДУ-93,-4 ФО, ФО-5, КОО-1, КОО-4 электрон шаклини яратиш;
- юк ташиш ҳужжатларининг электрон шаклини яратиш (3-расм).

Ҳисоб натижалари

Бекатлар орасидаги масофа	681 км
Ташиш тўловлари	3694651 UZS
Харбийлаштирилган қўриқ	281934 UZS
Кузатувчилар	0 UZS
Қўшимча бекат хизматлари жумладан ҚҚС	1500000 UZS
Жами	5478585 UZS
Қўшилган қўймат солиғи (ҚҚС)	596487,75 UZS
Жами ҚҚС билан:	6 073 072,75 UZS

3-расм. “Ягона дарча” тамойили асосида яратилган веб-дастурда тарифларнинг дастлабки ҳисоби.

Келажак истиқболдаги режаларни бекам-кўст бажариш мақсадида веб-сайт ва “Ягона дарча” интеллектуал тизимини янада такомиллаштиришда ҳозирда жамиятда қўйдаги ишлар жадаллик билан амалга оширилмоқда:

1. Станциялар ва Минтакавий темир узеллари (МТУ) қисмида вагонлар билан таъминлаш ва ортилган ёки бўш вагонларни станциялардан олиб кетиш бўйича электрон кунлик буюртмалар яратиш модули ишлаб чиқилди. Яратилган модуль орқали станция ходимлари МТУнинг юк ташиш бўлимига юк ортиш учун бўш вагонлар билан таъминлаш турларини ва сонларини, станцияда ортилган ва жўнатишга тайёр бўлган вагонларнинг сонларини ҳамда юк туширилгандан сўнг бўшаган вагонларнинг сонларини электрон тарзда “Ягона дарча” тизими сайти орқали тақдим қиладилар. МТУ ходимлари бу маълумотларни ҳамма станциялар бўйича умумлаштириб, ягона диспетчерлик марказига узатадилар. Ягона диспетчерлик маркази диспетчерлари бу маълумотлар асосида станцияларни бўш вагонлар билан таъминлаб берадилар ва станциядаги вагонлардан поездлар тузиб олиб кетадилар.

2. Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси томонидан МТУларга, МТУлар томонидан станциялар бўйича тақсимлаш ва уларга қўйиладиган ойлик юк ташиш кўрсаткичлари бўйича прогнозлар жадвалини шакллантириш модули яратилди. Келажакда “Ягона дарча” тизими тўлиқ ишга тушганидан сўнг прогнозларнинг бажарилишини ҳам акс эттириш имконияти яратилади.

3. Юк ташиш жараёнида қўшни давлат темир йўлига поездлар ҳақида IFCSUM(International Forwarding & Consolidation. Summary Message) стандарт электрон хабарлар узатиш ва қабул қилиш модули яратилди. Модуль поездларни тузиш ва қўшни давлат темир йўлига жўнатишга тайёр бўлгандан сўнг топширувчи-ташувчидан қабул қилувчи-ташувчига поезд составидаги вагонлар, интермодал транспорт бирлиги, автомобил-транспорт воситаси ва юклар ҳақида IFCSUM стандарт электрон хабарлар узатилади. Улар асосида электрон топшириш қайдномаси шакллантирилади.

4. Вагон жўнатмаси учун электрон вагон варағи ГУ-38 шакллантириш модули яратилди. Бу модуль орқали битта юк ҳужжати билан ёки расмийлаштирилган йўналтириш варақаси билан ташишга қабул қилинган вагон ёки вагонлар уланмасига, шунингдек, юк вагонлар паркининг автоматлаштирилган маълумотлар банки АБД ПВдан рўйхатдан ўтмаган ҳар бир ҳаракатдаги таркибга электрон вагон варағи яратилади.

5. ДУ-1 шаклдаги поезд натур варақасининг электрон вариантыни яратиш модули ишлаб чиқилмоқда. ДУ-1 шаклдаги поезднинг натур варақаси поезддаги вагонлар ва поезд тўғрисида қуйидаги маълумотларни акс эттиради: а) вагоннинг номери; б) юкнинг массаси; в) подшипниклар тўғрисида маълумот; г) манзиллаштирилган станция; д) юкнинг уйғунлаштирилган юк номенклатураси ГНГ-коди; е) юк олувчининг 4 рақамли коди ва бошқа керакли маълумотлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 4-сентябрдаги 559-сонли Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ ўртасида ўзаро ахборот тизимларининг электрон ҳамкорлигини ташкил этиш тўғрисида битим тузилди ва икки томонлама имзоланди. Томонлар ушбу битим билан келишилган ахборотларни идоралараро маълумот алмашиш тармоғи орқали ахборот тизимларида электрон шаклда ҳамда онлайн режимда алмашадилар. Ахборот тизимлари ўртасида электрон маълумот алмашиш жараёнида узатиладиган маълумотлар шакли ва таркиби учун талабларни тавсифлайдиган ТЕХНОЛОГИК ЙЎРИҚНОМА ишлаб чиқилди ва икки томонлама имзоланди. API (application programming interface) – амалий дастурлаш интерфейсини яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

7. “Қозоғистон темир йўллари” очик акциядорлик миллий компаниясидан электрон маълумотлар алмашуви орқали олинган маълумотларни қайта ишлаш ва манзиллаштирилган станция учун электрон темир йўл орқали халқаро юк ташиш битими (СМГС) Темир йўл ҳамкорлик ташкилоти (ОСЖД) доирасида юк ҳужжатини яратиш модули ишлаб чиқилди.

8. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Юк ва тижорат ишлари бошқармасининг 18.06.21 МПО-18/М-204 хатига асосан, темир йўлда юк ташиш жараёнини прогнозлаштириш модулига ўзгаришлар киритиш ишлари якунланди.

9. Юк жўнатиш станциясидан манзиллаштирилган станциягача маршрут бўйлаб юкларни ташишни электрон ахборот кузатув тизими модулини яратиш бўйича ишлар олиб бориш давом этмоқда.

10. “Ягона дарча” тизимининг яратилган модуллари бўйича фойдаланувчилар учун янги қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда.

11. “Ягона дарча” тизими сайтидан фойдаланувчиларга телеграм гуруҳи очилган ва саволларга доимий равишда онлайн жавоблар берилади, таклиф ва мулоҳазалар ўрганиб чиқилади. Станция ходимларининг, ТехПД ходимларининг, юк ва тижорат ишлари бошқармаси ходимлари ва бошқаларнинг таклифларига биноан яратилган модулларга қўшимчалар, ўзгартиришлар киритиш ишлари олиб борилмоқда.

12. Станция ходимлари учун малака ошириш ўқув курсларида электрон юк ҳужжатларини ва ҳисоботларни тўғри расмийлаштириш ва “Ягона дарча” тизимидан фойдаланиш ўқиш дарслари ўтказилмоқда.

13. Бундан ташқари, Россия ва Қозоғистон темир йўллари (ОАО “РЖД”, АО “НК КТЖ”) билан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ўртасида, Темир йўл ҳамкорлик ташкилоти ОСЖД талабларига мувофиқ халқаро қатновда юкларни ташиш ҳужжатлари (СМГС) асосида электрон ахборот алмашувини ташкил қилиш битими ва томонларнинг электрон ахборот тизимларини улаш API (application programming interface) яратиш техник қўлланмаси ва стандарт маълумотлари (каталоглари), қўллаш майдони ва чегаралари, электрон маълумотлар узатиш шакллари ва бошқа ҳужжатлар ўрганиб чиқилди.

“Ягона дарча” тизимининг тўғри ишлашини текшириш бўйича тест синовлари станция ходимлари, ТехПД ходимлари ва бошқа мутахассислар билан биргаликда олиб бориш ишлари давом этмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. <https://railway.uz/uz/e-okno/>.
2. <https://www.railway.uz>.
3. <https://e-nakl.railway.uz/>.

БИОМЕТРИК АУТЕНТИФИКАЦИЯ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИ СОЛИШТИРИШ

Мухаммад НИГМАТОВ,

магистрант, Тошкент Давлат Транспорт университети

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp146-153>

Аннотация: Мақолада киришни бошқариш ва назорат қилиш тизимларида биометрик аутентификация технологияларини яратиш ва қўллаш усуллари ҳамда мақсадлари муҳокама қилинган. Шахснинг статик ва динамик, физиологик хусусиятларига асосланган замонавий биометрик аутентификация воситаларининг таснифи, шунингдек, уларни амалга оширишнинг физик тамойиллари ва уларни қўллаш самарадорлигини статистик баҳолаш келтирилган.

Калит сўзлар: биометрия, идентификация, аутентификация, биометрик усуллар, киришни бошқариш ва назорат қилиш тизими, кўзнинг шох пардаси, тўр пардаси, термал юз тасвири, бармоқ излари, қўл геометрияси, ДНК, ёзув ва имзо динамикаси, овоз ва нутқ хусусиятлари, клавиатурада ишлаш ритми.

КИРИШ

Замонавий дунёда маълумотлар хавфсизлиги, шахсни аниқлашнинг ишончли усуллари яратиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Асосий идентификация карталари ёки ўзига хос маълумотлар (масалан, карта рақамлари ёки пароллар) йиғиндисидан иборат таниб олишнинг мавжуд усуллари тўлиқ ишончли бўла олмайди. Ҳар қандай саноат корхонаси, ижтимоий объект ёки электрон ресурсни муҳофаза қилиш объект режимининг даражасига мувофиқ бир неча босқичдан иборат.

Замонавий техник воситалар асосида яратилган киришни бошқариш ва назорат тизимлари бир қатор вазифаларни ҳал қилиш имконини беради, улар:

- саноат жосуслигига қарши кураш;
- ўғирликка қарши курашиш;
- саботажга қарши кураш;
- моддий бойликларга қасддан етказилган зарарга қарши ҳаракат;
- ахборот махфийлигини ҳимоя қилиш;
- ташриф буюрувчилар оқимини тартибга солиш;
- транспорт воситаларининг кириши ва чиқишини назорат қилиш;
- иш вақтини ҳисобга олиш;
- ходимларнинг келиш ва кетиш вақтини назорат қилиш.

Киришни бошқариш ва назорат тизимлари электрон, механик, электротехник, аппарат-дастурий таъминот ва бошқа воситалар бирлаштирилган комплекс бўлиб, улар маълум бир шахсларнинг маълум ҳудудлар ёки маълум ускуналар, техник воситалар ёки ресурсларга киришини таъминлайди ҳамда бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахсларнинг киришини чеклайди. Бундай тизимлар қўриқланадиган объект ҳудудида одамлар ва

транспорт воситаларининг ҳаракатини назорат қилади, ходимлар ва ташриф буюрувчилар хавфсизлигини, шунингдек, корхонанинг моддий ва ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлайди.

Кириш ҳуқуқига эга бўлиш учун маълумотлар ёки маблағларни бегона шахслардан ҳимояловчи учта жараёндан ўтиш керак. Булар идентификация, аутентификация ва авторизация.

Идентификация – субъектни унинг идентификатори орқали таниб олиш жараёни.

Аутентификация – бу субъектнинг ҳақиқийлигини текширувчи жараён бўлиб, бунда идентификаторни тақдим этган субъект аслида ҳам шу идентификатордан фойдаланаётган субъект эканлигига аниқ ишонч ҳосил қилиш имконини беради. Бунинг учун у фақат ўзигагина маълум бўлган баъзи маълумотларга эга эканлигини тасдиқлаши керак.

Авторизация – субъект аутентификация жараёнидан ўтгандан сўнг унга объект ёки тизим ресурсларига кириш ҳуқуқини бериш.

Биометрик аутентификация усуллари

Замонавий аутентификация усулларига биометрик кўрсаткичлар асосида ҳақиқийлигини текшириш киради. Олимлар биометрик кўрсаткичларга ДНК коди, кўзнинг шох пардаси, кўзнинг тўр пардасидаги капилляр расмининг шакли, юз ва кулоқлар тузилишининг хусусиятлари, клавиатурада матн териш усули, шунингдек, одам билагидаги томирлар шакли ва бошқаларни киритишлари мумкин. Бугунги кунда биометрик тизимлар барчага таниш ва ҳаётимизда фаол иштирок этмоқда. Смартфонлардаги бармоқ излари сканерлари, юзни аниқлаш технологиялари ва бошқа воситалар аста-секин анъанавий идентификация усуллари ўрнини эгалламоқда ва банк ва чакана савдо каби йирик бизнесга кириб бормоқда. Биометрик тизимлар анъанавий усулларга қараганда бир қатор афзалликларга эга, чунки улар калитни узатмасдан туриб шахсий идентификациялаш учун мосланган ва фойдаланувчи нуқтаи назаридан кўп жиҳатдан қулайроқдир. Бироқ бу турдаги тизим қанчалик фаол жорий этилса, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи шунчалик кескинлашади. Биометрик идентификация усуллариининг барчаси ҳам 100% ишончли ёки аниқ эмас.

Замонавий биометрик аутентификация икки усулга асосланган:

Статик аутентификация усули – инсоннинг туғилганидан то ўлимигача бутун ҳаёти давомидаги жисмоний параметрларини (бармоқ излари, кўз шох пардасининг ўзига хос хусусиятлари, кўз тўр пардасининг чизиқлари, термограмма, юз геометрияси, қўл панжаси геометрияси ва ҳатто генетик коднинг бир бўлаги) танийди;

Динамик аутентификация усули – фойдаланувчининг кундалик оддий ҳаракатларидаги (ёзуви, клавиатурада ишлаши, овози ва ҳ.к.) хулқ-атворининг характерли хусусиятларини таҳлил қилади.

Бармоқ излари. Бармоқ изларини аниқлаш дастлабки биометрик усуллардан биридир. Бу бармоқлар ёстиғидаги чизиқлар, яъни папилляр нақшлар тузилишини аниқлашга асосланган. Сканер ўқиганидан сўнг ўзига хос папилляр нақш рақамли биометрик шаблонга ўтказилади ва унинг ёрдамида тизим унинг олдида ким турганини аниқлайди. Бундай сканерлар иккита асосий турга бўлинади: оптик ва силикон (термал ва сиғимли). Ҳар бир турнинг ўзига

хос афзалликлари ва камчиликлари бор. Масалан, оптик сканерлар нақшни аниқлаш нуқтаи назаридан энг аниқ ҳисобланади, лекин уларни силикон ёки латекс ёстиқчалар ва шу каби айёрона усуллар билан алдаш мумкин. Шунингдек, улар чизиқли термаллардан фарқли ўлароқ, тезда ифлосланади ва хатоларни бартараф қилиш учун уларни ҳар фойдаланишдан кейин тозалаш керак. Фойдаланувчи учун ягона фарқ эса сканер билан қандай ишлаш (босиш ёки унинг устидан силаш)дир.

Бармоқлар, қўллардаги томирлар шакли. Бу тур аввалгисининг такомиллаштирилган вариантыдир. Бошқа биометрик текширувларга нисбатан бунинг иш алгоритмини бузиш анча қийин, чунки томирлар терининг остида жойлашган. Инфрақизил нурлар теридан ўтиб, веноз қонга ютилади. Махсус камера тасвирни суратга олади, маълумотларни рақамлаштиради, кейин уни сақлайди ёки кимлигини тасдиқлаш учун фойдаланади.

Кафт геометрияси. Қўл геометриясини аниқлаш бармоқларнинг узунлиги ва кенглиги, эгрилиги ва нисбий жойлашуви каби хусусиятларни ўлчашни англатади. Ҳозирги вақтда бу усул эскирган ва деярли ишлатилмаяпти, гарчи у бир пайтлар биометрик идентификациянинг устувор варианты бўлган. Бармоқ излари ва юзни аниқлаш дастурлари соҳасидаги замонавий ютуқлар унинг долзарблигига соя солган. Шунингдек, "дактилоскопия" деб аталадиган кафт нақшини аниқловчи биометрик усул ҳам мавжуд. У биринчи марта 1902-йил 18-апрелда Лондонда жиноятчининг шахсини аниқлаш учун ишлатилган ва XX аср давомида кўплаб мамлакатларда суд экспертизаси соҳасида ишлатилган. Бироқ ҳозирги вақтда бу усул жуда камдан-кам ҳолларда қўлланилади, чунки унинг ноаниқлиги мавжуд ва замонавийроқ биометрик технологиялар ҳам яратилган.

Кўзнинг шох пардаси. Кўзнинг шох пардаси, яъни рангли қисми қалин ипсимон мушаклардан иборат. Бу мушаклар кўзга тушадиган ёруғлик миқдорини бошқариш учун қорачиқнинг шаклланишига ёрдам беради. Биометрик текшириш асбоблари бу мушакларнинг ўзига хос бурмалари ва хусусиятларини ўлчаб, шахснинг ҳақиқийлигини ақл бовар қилмас даражада аниқлик билан тасдиқлаши мумкин. Динамик сканерлаш технологиялари (масалан, одамнинг кўз қоқишини сканерлаш) аниқлик ва хавфсизликнинг қўшимча босқичини таъминлайди.

Кўзнинг тўр пардаси. Кўзнинг тўр пардасини текшириш яқин инфрақизил диапазондаги камералар ёрдамида кўзнинг тубидаги капиллярларни сканерлашга имкон беради. Олинган тасвир сифатини яхшилаш учун дастлаб қайта ишланади, сўнгра янги фойдаланувчини рўйхатга олиш ва уни кейинчалик таниб олиш пайтида шаблон билан солиштириш учун биометрик шаблонга айлантиради. Сканернинг юқори нархи ва кўзни камерага яқин жойлаштириш зарурати бундай сканерлардан кенг фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда.

Юз. Юзни аниқлаш технологияси, шубҳасиз, биометрик идентификациялаш тизимининг дастлабки шаклларида биридир. Бу турдаги дастурлар юзнинг геометриясини, жумладан, кўзлар орасидаги ва ияқдан пешонагача бўлган масофани ўлчайди. Маълумотлар йиғилгандан сўнг

такимлаштирилган алгоритм уни шифрланган кодга, яъни юзнинг имзоси (сигнатураси)га айлантиради. Компьютер фанлари корпорацияси (Computer Sciences Corporation – CSC) ҳисоботида кўра, кўплаб дўконларда маълум мижозлар гуруҳларини кузатиш учун юзни аниқлаш тизимлари аллақачон қўлланилмоқда. Бу турдаги тизимнинг ишлаш тамойилини мақсадли реклама билан таққослаш мумкин, унинг мақсади имтиёзларни ўрганиш ва энг мос маҳсулотларни таклиф қилишдир. Ҳозирда бу технология смартфон фойдаланувчилари орасида турли хил иловалар (масалан, ёшни аниқлаш) ёки қурилманинг қулфини очишга имкон берувчи юз сканерлари туфайли жуда машҳур бўлиб кетди. Фойдаланувчилар орасида кенг ёйилганлиги ва усулнинг нисбатан соддалиги туфайли бу технология қўлланган иловалар тобора кўпроқ пайдо бўла бошлади.

Қулоқ супрасининг шакли. Махсус камераларни талаб қиладиган айрим биометрик усуллардан фарқли ўлароқ, бу биометрик тизим қулоқ акустикасини махсус қулоқчин (наушник)лар ва эшитилмайдиган товуш тўлқинлари ёрдамида ўлчайди. Ҳар бир қулоқчин ичидаги микрофон товуш тўлқинларининг қай тарзда қулоқ супрасидан акс этиши ва қулоқ каналининг бурмаларига қараб турли йўналишларда ҳаракатланишини ўлчайди. Қулоқ шаклининг рақамли нусхаси кейинчалик фойдаланиш учун биометрик шаблонга айлантирилади.

Овоз. Овозни аниқлаш технологияси ҳам жисмоний, ҳам хулқ-атворли биометрик маълумотлар соҳасига киради. Жисмоний нуқтаи назардан бундай тизимлар одамнинг овоз йўллари, жумладан, бурун, оғиз ва ҳалқумнинг шаклини танийди ва ҳосил бўлган товушни аниқлайди. Хулқ-атвор нуқтаи назаридан улар одам ниманидир қай тарзда айтишини – ҳаракат, оҳанг, тезлик, урғу ва бошқаларнинг ўзгаришини текширади, булар эса ҳар бир кишининг ўзига хосдир. Жисмоний ва хулқ-атвор биометрик маълумотларини бирлаштириш аниқ овозли имзони яратади, баъзан бирор-бир номувофиқликлар (масалан, касаллик ёки бошқа омиллар туфайли) пайдо бўлиши мумкин.


Термограмма. Термограмма бу инфрақизил энергиянинг ҳарорат тақсимооти тасвирида ифодаланиши ҳисобланади. Юзнинг биометрик термографияси тери остидаги қоннинг ҳаракатланиши натижасида ҳосил бўладиган термал нақшларни акс эттиради. Ҳар бир инсоннинг қон томирлари ўзига хос бўлганлиги сабабли термограммалар ҳатто эгизак эгалари орасида ҳам ўзига хосдир, бу эса биометрик текшириш усулини анъанавий юзни аниқлаш усулидан кўра аниқроқ қилади.

Имзо. Имзони аниқлаш – қаламнинг фазовий координаталарини, босимини, эгилиши ва юришини ҳам мустақил, ҳам интерактив дастурларда ўлчайдиган хулқ-атворли биометрик тизим. Рақамли планшет ўлчовларни ёзиб олади ва кейинчалик бу маълумотдан текшириш учун автоматик тарзда биометрик профил яратишда фойдаланади.

Тугмаларни босиш. Тугмалар босиш динамикаси стандарт паролларни кейинги босқичга олиб чиқади ва уларни киритиш ритмини кузатади. Бундай сенсорлар ҳар бир тугмани босиш вақти, тугмалар орасидаги кечикишлар, бир дақиқага киритилган белгилар сони ва ҳоказолардан таъсирланиши мумкин.

Хавфсизликни кучайтириш учун тугмаларни босиш шакллари парол ва ПИН-кодлар билан биргаликда ишлайди.

Қуйидаги расмда статик ва динамик усуллардан фойдаланиш фоизи акс эттирилган:



1-расм. Статик ва динамик усулларнинг фоиз ҳисобида қўлланилиши.

Идентификациялашнинг қайси усули танланган бўлса ҳам уларнинг камчиликлари ҳам, афзалликлари ҳам мавжуд. Идентификация учун ишлатиладиган биометрик белгилар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

1. Универсаллик: ҳар бир одам бу хусусиятга эга бўлиши керак.
2. Ўзига хослик: бир хил хусусиятга эга бўлган икки киши бўлмаслиги керак.
3. Афзаллик: характеристика ўзгармаслиги керак.
4. Ўлчовлилик: характеристика миқдорий бўлиши ва осон ўлчаниши керак.
5. Самарадорлик: аниқланиш имконияти, тезлик, мослашувчанлик, зарурий аниқлик ва идентификация тезлиги таъминланиши учун ресурсларга бўлган эҳтиёж, шунингдек, идентификация жараёнида юзага келадиган омиллар ва идентификация аниқлиги ва тезлигига таъсир этувчи ташқи омиллар.

6. Қулайлик: кундалик ҳаётда одамларнинг биометрик усулни қўллашга тайёрлиги.

7. Сохталаштиришдан ҳимояланганлик: тизимнинг фирибгарликка қарши хавфсизлигини акс эттиради.

Кўриб чиқилган биометрик усулларнинг ҳар бири афзаллик ва камчиликларга эга. 1-жадвалда биометрик усуллар юқорида санаб ўтилган етти талаб бўйича таққосланган.

П – паст, Ў – ўрта, Ю – юқори.

1-жадвал.

Умумий талаблар бўйича биометрик усулларни таққослаш.

Биометрия	Универ- саллик	Узига хослик	Афзал- лик	Улчовли- лик	Самарадор- лик	Қулай- лик	Хавфсиз- лик
Бармоқ излари	Ў	Ю	Ю	Ў	Ю	Ў	Ю
Юз тузилиши	Ю	П	У	Ю	П	Ю	П
Қўл геометрияси	Ў	Ў	Ў	Ю	Ў	Ў	Ў
Кўзниинг шох пардаси	Ю	Ю	Ю	Ў	Ю	П	Ю
Кўзниинг тўр пардаси	Ю	Ю	Ў	П	Ю	П	Ю
Имзони аниқлаш	П	П	П	Ю	П	Ю	П
Овозни аниқлаш	Ў	П	П	Ў	П	Ю	П
Тугмаларни босиш	П	П	П	Ў	П	Ў	Ў
Томирлар шакли	Ў	Ў	Ў	Ў	Ў	Ў	Ю
Юз термогра- фияси	Ю	Ю	П	Ю	Ў	Ю	Ю

Бундан ташқари, биометрик усулларни ишлаб чиқиш учун бир нечта хусусий талаблар мавжуд:

1. Нарх: ускуна (сенсор) ва дастурий таъминот ҳар бир фойдаланувчи учун талаб қилиниши.

2. Фойдаланиш қулайлиги: идентификация воситаларидан (дастурий ва техник) фойдаланиш қулайлиги.

3. Фойдаланувчини ўчириш имконияти.

4. Истеъмол характеристикаси: сенсор узоқ вақт давомида ишлаши керак.

2-жадвалда биометрик усуллар электрон имзо тизимларига қўйиладиган хусусий талаблар нуқтаи назаридан таққосланган.

2-жадвал.

Электрон имзо тизимларига қўйиладиган хусусий талаблар бўйича биометрик усулларни таққослаш

Биометрик усул	Нарх	Фойдаланиш қулайлиги	Истеъмол
Бармоқ излари	Ў	Ю	Ў/Ю
Юз тузилиши	Ў	П	Ў
Қўл геометрияси	Ю	Ў	Ў
Кўзниинг шох пардаси	Ю	Ю	Ў
Кўзниинг тўр пардаси	Ю	П	Ў
Имзони аниқлаш	Ў	Ю	Ў
Овозни аниқлаш	П	Ю	П
Тугмаларни босиш	П	Ў	П
Томирлар шакли	Ў	Ю	Ў
Юз термографияси	Ў	П	Ў

Махсус ускуна талаб қилмайдиган барча усуллар учун нарх паст; қўл, кўзнинг тўр пардаси ва шох пардасининг шаклини таниб олиш тизимлари учун юқори, чунки махсус қиммат оптик ускуналар талаб қилади. Фойдаланувчидан интерактив бошқарувни, масалан, юзи ёки кўзини, одатда, компьютер экранда акс этадиган рамкага қўйишни талаб қилувчи қурилмалардан фойдаланиш ноқулай. Ҳеч қандай акстаъсир талаб қилмайдиган (масалан, бармоқни сенсорга босиш, сўзни териш, иборани талаффуз қилиш) усуллардан фойдаланиш қулай.

Планшетлар, электрон қалам (имзо динамикасини аниқлаш) ёки оптик ускуналардан фойдаланадиган бошқа биометрик усуллар ўртача харажатларни талаб қилади.

Яқиндан талабларнинг ўзгариши муносабати билан юз ва кўз шох пардасидан идентификация қилиш кенг ўрганилмоқда. Шох пардани аниқлаш тизимларининг жалб қилинишига тизим нархини пасайтириш орқали эришиш мумкин.

Идентификация тизимларини ишлаб чиқишда ҳисобга олинадиган яна бир муҳим омил бу – фойдаланиш муҳити (3-жадвал). Уй ёки офиснинг назорат қилинадиган муҳитига барча усуллар мос келади. Катта ёки мўрт сенсор талаб қиладиган усуллар мобиль иловалар учун ноқулай. Банк терминаллари каби оммабоп идентификациялаш қурилмалари кўпроқ чидамлилиқ ва мустаҳкамлик жиҳатидан ишлаб чиқилган бўлиши керак; бундай муҳитда нофаол биометрикани (фойдаланувчи билан бевосита алоқа қилмайдиган) ёки адаптив сенсорлардан фойдаланадиган биометрик усулларни қўллаш афзал. Ниҳоят, идентификацияни амалга ошириш частотаси тегишли усулни танлашга таъсир қилади. Идентификация тез-тез ўтказиладиган муҳит (масалан, банклар)даги талаблар идентификация кам ўтказиладиган муҳитдаги талаблардан фарқ қилади. Тез-тез идентификацияланадиган муҳит учун фақат биометрик усуллар мос келади, улар етарлича тез ва фойдаланувчилар билан ўзаро таъсирни энг кам талаб қилади (4-жадвал).

3-жадвал.

Турли иловаларда қулайлик бўйича биометрик усулларни таққослаш.

Биометрик муҳит	Уй/офис	Мобил	Жамоат жойи
Бармоқ излари	Ҳа	Ҳа	Ҳа
Юз тузилиши	Ҳа	Ҳа	Ҳа
Қўл геометрияси	Ҳа	Йўқ	Ноқулай
Шох парда	Ҳа	Йўқ	Ҳа
Тур парда	Ноқулай	Йўқ	Йўқ
Имзони аниқлаш	Ҳа	Ноқулай	Ноқулай
Овозни аниқлаш	Ҳа	Ҳа	Йўқ
Тугмаларни босиш	Ҳа	Йўқ	Йўқ
Томирлар шакли	Ҳа	Йўқ	Ноқулай

4-жадвал.

Кўп маротаба идентификациялашда қўллаш бўйича биометрик усулларни таққослаш.

Биометрик усул	Кўп маротаба идентификациялаш учун мослик
Бармоқ излари	Яхши
Юз тузилиши	Яхши
Қўл геометрияси	Ўрта
Кўзниинг шох пардаси	Ўрта
Кўзниинг тўр пардаси	Ноқулай
Имзони аниқлаш	Яхши
Овозни аниқлаш	Ўрта
Тугмаларни босиш	Ноқулай
Томирлар шакли	Ўрта
Юз термографияси	Яхши

Мазкур таҳлил идентификация мосламаси қўлланилаётган муҳит томонидан қўйиладиган ўзига хос талаблар нуқтаи назаридан биометрик идентификациялаш усулини ишлаб чиқишни акс эттиради. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, мукаммал биометрик усул йўқ. Барча биометрик усулларнинг афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Бироқ айрим биометрик усуллар баъзи иловалар учун бошқаларига нисбатан қулайроқдир. Муаллиф нуқтаи назаридан, идентификация усулининг энг муҳим хусусиятлари қўйидагилардир: биометрик усулнинг хавфсизлиги (универсаллик, ўзига хослик, самарадорлик, ўлчовлилик, алдаш уринишларига қаршилик, механик мустаҳкамлик); фойдаланувчи учун қулайлиги; нарх; фойдаланиш соддалиги.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Минаев В.А. Замонавий ахборот хавфсизлиги технологиялари. “Биометрик квартал”. 16.05.02 й.
2. Сесин Е.М., Белов В.М. Шахснинг бир нечта биометрик хусусиятларини бирлаштиришга асосланган шахсий идентификация тизимлари / ТУСУР ҳисоботлари, 1(25)-сон, 2-қисм, 2012 йил июнь. – Б. 175–179.
3. Р-78.36.005-2011 Киришни бошқариш ва назорат қилиш тизимларини танлаш ва қўллаш [Электрон манба] / КОДЕКС Консорциуми. – Кириш режими: <http://docs.cntd.ru/document/1200071688>. Кириш санаси: 16.04.2020 й.
4. <http://www.techportal.ru/>.
5. <http://www.msiit.ru/>.

ШАХСНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ КЎП ПОҒОНАЛИ БИОМЕТРИК ТИЗИМИДА БЕЛГИЛАР ФАЗОСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Собиржон РАДЖАБОВ,

*техника фанлари номзоди, лаборатория мудири, Рақамли технологиялар ва
сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти,
Тошкент, Ўзбекистон*

Шукурулло КАХАРОВ,

*таянч докторант, Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни
ривожлантириш илмий-тадқиқот институти, Тошкент, Ўзбекистон*

E-mail: sh.kaxarov93@gmail.com

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp154-158>

Аннотация. Ушбу мақолада шахсни юз тасвири асосида идентификациялаш масаласини кўп поғонали биометрик тизим орқали ҳал этишда юз тасвирларидан белгилар ажратиб олиш ва белгилар фазосини шакллантиришнинг баъзи усуллари тавсифи келтирилган.

Калит сўзлар: юз тасвири, идентификация, белгилар вектори, детекторлар, дескрипторлар.

Сўнгги йилларда биометрик параметрлар асосида рақамли тасвирларга автоматик ишлов беришда қўлланилувчи нисбатан қулай ва унча қиммат бўлмаган тизимларни яратиш масаласи замонавий технологиялар соҳаси мутахассислари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўплаб биометрик усул ва ёндашувлар орасида шахсни юз тасвири асосида идентификациялаш масаласи, қўлёзма ёзуви, бармоқ изи ҳамда кўзнинг рангдор пардаси тасвирлари асосида идентификациялаш каби бошқа усуллардан кўра кўпроқ афзалликларга эга. Ушбу усул маълумотларни тўплаш давомида кузатилаётган шахс билан контактни (қўл билан тегиш ва ҳ.к.) талаб этмайди ва унинг саломатлигига хавф солмайди.

Юзни таниб олишдаги асосий муаммолар сифатида ёритилганлик, юз ифодалари, юзнинг турли жойлашуви, қисман окклюзия, юзнинг тузилиши ва ҳалақит фон кабиларни кўрсатиш мумкин.

Тасвирлардан юзларни таниб олиш – бу тасвирлардаги бир ёки бир нечта шахсларни идентификациялаш усулидир. Юзни таниб олиш алгоритмлари, одатда, юзнинг алоҳида белгилари ҳисобланувчи махсус нуқталари ва юз компоненталарининг қийматларини аниқлаб олади ҳамда мазкур қийматларни маълумотлар базасидаги мавжуд қийматлар билан ўзаро таққослаб энг мос келувчиларини топишга хизмат қилади.

Юзларни таниб олиш – бу тасвирлардаги бир ёки бир нечта одамларни идентификациялаш усулидир. Юзни таниб олиш алгоритмлари, одатда, юзнинг алоҳида белгилари ҳисобланувчи юз бурчак нуқталари ва юз компоненталарининг қийматларини аниқлаб олади ҳамда мазкур қийматларни маълумотлар базасидаги мавжуд қийматлар билан ўзаро таққослаб энг мос келувчиларини топишга хизмат қилади.

Юзни таниб олиш алгоритмлари қуйидаги категорияларга бўлинади ва мазкур алгоритмлар таниб олиш, локаллаштириш ҳамда юзларни текшириш алгоритмларига ҳам қўлланади: а) холистик (глобал) – ташқи кўринишга асосланган (appearance-based); б) белгиларга (локал компоненталарга) асосланган (feature-based); в) гибрид (fusion) усуллар ва уларнинг таксономиялари [1].

Биз томондан таклиф этилаётган ёндашувда шахсни юз тасвири асосида идентификациялашни кўп поғонали биометрик тизим қуриш орқали ҳал этиш кўзда тутилган. Бунда юз тасвири локал компоненталарга ажратиб олинади, ҳамда ҳар бир компонента тасвиридан бир нечта дескриптор ва детекторлар ёрдамида белгилар векторлари ҳосил қилинади. Шунингдек, яхлит юз тасвиридан ҳам мавжуд усуллар ёрдамида алоҳида белгилар вектори ҳосил қилинади.

Белгилар векторлари маълумотлар базасида сақланади, мазкур векторлар таниб олиш самарадорлигини ошириш учун ҳосил қилинувчи юз компоненталари комбинациялари (ўнг кўз+чап кўз; ўнг кўз + чап кўз + бурун; бурун+оғиз ва ҳ.к.) бўйича мос равишда конкатинация қилишда фойдаланилади ва таниб олиш алгоритмларига кирувчи қийматлар вазифасини бажаради.

Бунда компоненталар комбинацияси кўп поғонали тизимнинг поғоналари сифатида қаралади. Поғонадан поғонага ўтишда комбинацияланувчи компоненталар биттага ошириб борилади ва якуний поғонада барча компоненталар иштирок этади. Белгилар векторлари ва уларнинг конкатинацияси асосида классификациялаш амалга оширилади ва олинган натижалар якуний қарор қабул қилиш интеграторларига узатилади.

Интеграторлар мустақил классификаторлардан олинган қийматлар асосида якуний қарор қабул қилади. Тизимда эҳтимолий Байес, нейротармоқли, лог-чизиқли интеграторлардан фойдаланилади.

Таклиф этилаётган биометрик тизим функционаллигини таъминлашда юз тасвири ва унинг локал компоненталаридан белгилар ажратиш орқали белгилар фазосини шакллантириш муҳим босқичлардан ҳисобланади. Рақамли тасвирдаги объектларни бирламчи геометрик белгиларидан бири бу махсус нуқталардир. Одатда, махсус нуқталар сифатида тасвирнинг яхши фарқланадиган локал ҳудудлари, яъни чегаралар, бурчаклар олинади ва улардан тимсолларни таниб олишнинг кейинги босқичларида фойдаланилади. Қуйидаги хоссаларни қаноатлантирувчи тасвирдаги нуқта махсус нуқта деб аталади:

– барқарорлик – бунда берилган тасвирнинг масштаби, ёрқинлиги, ракурси ўзгарганда ва ҳалақитлар қўшилганда ҳам махсус нуқта юзнинг айнан бир жойида бўлиши;

– аҳамиятлилик – бунда ҳар бир махсус нуқта ягона тавсифга эга бўлиши;

– компактлик ва самарадорлик – бунда махсус нуқталар сони юз тасвиридаги нуқталар сонидан анча кам бўлиши;

– локаллик – “ўзига хослик” тасвирнинг бирор-бир қисми бўлиб, у, одатда, тасвирнинг кичик қисмини эгаллайди. Шунинг учун у тўсиқларга нисбатан сезгир эмас.

Тасвир махсус нуқталарини ажратиб олиш алгоритми детектор деб аталади. Дескриптор махсус нуқта атрофини ўзига ҳослигини аниқловчи тавсиф бўлиб, у аниқланган параметрларни сонли ёки бинар векторларини ифодалайди. Вектор

узушлиги ва параметрлар тури қўлланиладиган алгоритм асосида аниқланади. Дескриптор тасвир махсус нуқталари тўпламидан маълум бир махсус нуқтани ажратиш олиш имконини беради. Бу турли тасвирларни солиштиришда бир объектга тегишли ўзига хосликлар калит жуфтликларини яратиш учун зарур ҳисобланади.

Шахсни идентификациялаш тизимини ишлаб чиқишда параллел ҳисоблаш технологияларини қўллашни инобатга олган ҳолда юз тасвирлари махсус нуқталарини тезкорлик жиҳатдан самарадор бўлган детектор ва дескрипторларни ушбу тасвирларнинг белгилар фазосини шакллантириш учун асосли танлаш мақсадга мувофиқ бўлади [2].

Юз тасвирлари белгилар фазосини шакллантириш имконини берувчи энг кенг тарқалган махсус нуқталар детектор ва дескрипторларни қисқача кўриб чиқамиз.

SIFT дескриптори [3]. Бунда дастлаб ўзгарувчан масштабни фазо қурилади ва ушбу фазода турли силлиқлаш параметрига эга бўлган Гауссиан Лапласианинг (LoG – Laplacian of Gaussian) функцияси ҳисобланади. Нуқта калит нуқта, дейилади, агарда у Гауссианлар фарқларининг локал экстремуми бўлса. Калит нуқталар деб олинган тахминий нуқталар қайта текширилади. Бунда кичик контрастли ва объектлар чегараларидаги нуқталар олиб ташланади. Сўнгра калит нуқталарни йўналишлари ҳисобланади. Бунинг учун нуқта атрофида градиент вазнли гистограмма қурилади ва гистограмманинг максимал компонентасига мос йўналиш танланади. Гистограмма компонентаси қиймати берилган бўсақадан катта бўлган барча йўналишлар нуқтага бириктирилади. Ушбу нуқта локал экстремумларни силжитмайдиган айлантириш, масштаблаш ва кўчишга нисбатан инвариантдир.

SURF дескриптори [4]. Тасвирдаги махсус нуқталарни аниқлаш Гессе матрицаси орқали амалга оширилади ва у Гессеанили “буриш” типидagi шакл алмаштиришга нисбатан инвариант, бироқ масштаб ўзгаришига нисбатан инвариант эмас. Шунинг учун ҳам SURF Гессеанини ҳисоблашда турли масштабдаги филтърлардан фойдаланади. SURF Гаусс ядроли филтърни қўллаб, бутун тасвир бўйлаб ҳаракатланиб чиқади ва шу орқали Гессе матрицаси детерминантининг максимал қийматини таъминловчи нуқталар аниқланади. Махсус нуқталар аниқлангандан сўнг SURF дескрипторларини шакллантиради. Дескриптор ҳар бир махсус нуқта учун 64 (ёки 128) та сондан иборат тўпламни ўзида акс эттиради ва улар махсус нуқта атрофидаги градиент фликтуациясини акс эттиради.

FAST детектори [5]. Бунда дастлаб берилган S нуқтани махсус нуқта деб олиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш учун маркази S нуқтада ва радиуси 3 га тенг бўлган доирадаги 16 та пикселнинг ёрқинлиги кўриб чиқилади.

Доира пикселлари ёрқинлиқларини S марказ ёрқинлиги билан солиштириш ҳар бири учун бўлиши мумкин бўлган учта натижа (ёрқинроқ, қорароқ, ўхшаш) орқали амалга оширилади. Агар доирада унинг марказига нисбатан қорароқ бўлган кетма-кет $n=12$ та пиксел ёки марказга нисбатан ёрқинроқ бўлган 12 та пиксел мавжуд бўлса, у ҳолда бу нуқта махсус сифатида белгиланади. Тажрибавий ва амалий натижалар қарор қабул қилиш учун ўртача 9 та нуқтани текшириш етарли эканлигини кўрсатди. Жараёни тезлаштириш мақсадида ушбу иш муаллифлари текширишни 1, 5, 9, 13 рақамли тўртта пикселдан бошлашни таклиф қилдилар. Агар улар орасида ёрқинроқ ёки қорароқ

бўлган 3 та пиксел мавжуд бўлса, у ҳолда 16 та пиксел бўйича тўлиқ текшириш бажарилади, акс ҳолда бу нуқта “махсус бўлмаган” нуқта сифатида белгиланади. Бу детекторнинг ишлаш вақтини сезиларли даражада қисқартириб, қарор қабул қилишда доиранинг 4 та яқин нуқтасини кўриб чиқишнинг етарли эканлигини билдиради.

ORB дескриптори [6]. Бунда махсус нуқталарни аниқлаш FAST детектори орқали амалга оширилади. FAST бўсаға қиймат параметри сифатида марказий пиксел билан унинг атрофида чизилган айлана орасидаги интенсивлик қийматини олади. Кўплаб ишларда FAST-9 (айлана радиуси 9 га тенг деб олинади) модификацияси маҳсулдорлик нуқтаи назаридан нисбатан самарадор бўлганлиги учун ORBда ундан фойдаланилган. Потенциал махсус нуқталар аниқлангандан сўнг уларни яхшилаш учун Харрис бурчак детектори қўлланилади. N та махсус нуқтани олиш учун аввал қуйи бўсағадан фойдаланиб, N тадан кўп бўлган нуқталар олинади, шундан сўнг улар Харрис метрикаси ёрдамида тартибланади ва дастлабки N та нуқта танлаб олинади. Танлаб олинган нуқталар дескрипторларини куришда кўпинча BRIEF модификациясидан фойдаланилади. Чунки ушбу модификация қўшимча алмаштиришлар ҳисобига бурилишга инвариантдир.

KAZE дескриптори [7]. Бу дескрипторни яратиш яхшироқ локализация аниқлиги ва ажратувчанликка эришиш учун чизикли бўлмаган масштабни соҳада 2D ҳусусиятларни аниқлаш ва баён қилиш ғоясига асосланади. SIFT каби бошқа объектларни таниб олиш алгоритмларида фойдаланиладиган Гаусс хиралаштириши объектлар табиий чегараларини англамайди, чунки тасвир тафсилотлари ва халақитлар бутун масштаб даражаларида бир хил силлиқланади.

KAZE ҳар бир пикселга кўп масштабни ҳосилалар (градиентлар) ҳисоблангани учун уни ҳисоблаш SURFга қараганда кўпроқ ресурсларни талаб қилади, бироқ у муҳим нуқта баён этишда ҳисоблаш ресурсларини тежаб қолади, чунки муҳим нуқтани баён этишда олдин олинган ҳосилалар тўпламидан фойдаланади.

AKAZE дескриптори [8]. Ушбу дескриптордан нозик масштабни фазодаги махсус нуқталарни аниқлаш ва тавсифлашда фойдаланилади. Унинг асосида ётувчи ғоя турли масштаблардаги оралиқ тасвирлар сериясини яратишдан иборат бўлиб, бунда берилган тасвирга турли хил филтрлаш амаллари қўлланилади.

Юқорида келтирилган детектор ва дескрипторлардан шахсни идентификациялаш кўп поғонали тизимларни куришда, белгилар фазосини шакллантиришда, фойдаланилиши юз тасвири белгилар фазосини шакллантириш муаммосини ҳал этиш ва юқори аниқликдаги натижалар олиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. B. Heisele, T. Serre, and T. Poggio. A component-based framework for face detection and identification. Vol. 2, 74, Springer, 2007. – PP. 167–181.
2. Раджабов С.С., Хашимов А.А., Уринов Э.М., Атаханов М.Х. Юз тасвири махсус нуқталари ва уларнинг дескрипторларини ажратиш алгоритмларининг қиёсий таҳлили. Фарғона Политехника институти илмий – техника журнали. 2020, Т.24, № 4. – Б. 99–107.
3. Lowe D.G. Object recognition from local scale-invariant features // In Proc. of the Int. Conf. on Computer Vision. – 1999. – Vol. 2. – PP. 1150–1157.
4. Herbert B., Ess A., Tuytelaars T., Van Gool L. SURF: speeded up robust

features //Computer Vision and Image Understanding (CVIU). – 2008. – Vol. 110. – PP. 346–359.

5. Biadgie Y., Sohn K. Feature Detector Using Adaptive Accelerated Segment Test //In Proc. of the Int. Conf. on Information Science & Applications. – Seoul, 2014. – PP. 1–4. DOI: 10.1109/ICISA.2014.6847403.

6. Rublee E. and etc. ORB: an efficient alternative to SIFT or SURF // In Proc. of IEEE Int. Conf. on Computer Vision 2011; 58(11): 2564–2571.

7. Alcantarilla P., Bartoli A., Davison A. KAZE Features // In Proc. of European Conference on Computer Vision 2012; 4: 214–227.

Alcantarilla P., Nuevo J., Bartoli A. Fast Explicit Diffusion for Accelerated Features in Nonlinear Scale Spaces // In Proc. of British Machine Vision Conference (BMVC), 2013.

ТАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШГА ДОИР ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИ SMART-ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛЛАШТИРИШ

Толаниддин НУРМУХАМЕДОВ,

Тошкент давлат транспорт университети профессори, т.ф.д.,

Тоҳир ХУДАЙБЕРГАНОВ,

Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқаруви ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти бўлим бошлиғи

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp158-163>

Аннотация: Ушбу мақолада ташишни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларидаги инновацион фаолиятдаги смарт-технологиялари ҳамда ҳудудий транспорт тизимларини бошқариш моделлари ва муаммолари ўрганил-ган. Шунингдек, касб таълимнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш йўллари ёритилган рақамли технологияларни жорий этиш ҳамда SMART ресурсларидан фойдаланиб, ўқувчи-талабаларга индивидуал ёндашиш орқали ўқитиш сифатини ошириш ва эришиш мумкин бўлган натижалар тўғрисида таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Темир йўл, транспорт, тизим, SMART – технологиялар, масофавий ўқитиш, компетенция, индивидуал ёндашув, электрон таълим ресурслари, мультимедиа, смарадорлик, ахборот коммуникация технологиялари.

Жаҳонда темир йўл транспорти юк ташиш жараёнларида юк оқимларини ташкил этиш ва бошқариш технологияларини ривожлантириш етакчи ўринни эгалламоқда. Бу борада темир йўл хизматидан фойдаланувчилар билан ишлашнинг яхлит тизимини шакллантирувчи усуллардан бири автоматлаштирилган электрон ҳужжат айланиш тизимини такомиллаштиришдир.

Замонавий ахборот таълим технологиялари, электрон дастурларининг кенг жорий этилиши, электрон таълим ресурсларининг яратилиши, инновацион фаолиятга асосланган ўқитиш методикасининг ўқув-услубий таъминотини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради. Мамлакатимизда замон талаблари асосида касбий таълим жараёнини ташкил этиш, жумладан, касбий таълим тизимида ахборот технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида АКТлардан самарали фойдаланиш, инновацион технологиялар асосида машғулотларни олиб бориш талабалар учун самарали бўлишини таъминлайди. Бунинг учун, албатта, олий таълим муассасалари транспортда темир йўл йўналишлари талабаларининг билим, уларда кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини, уларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигини назорат қилиш ҳамда баҳолаш таълим жараёнининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Талабаларни баҳолашда эса машғулотларда топшириқларни мавзуга мос ҳолда бериш ва турли интерактив методлардан фойдаланиш керак.

Сўнгги ўн йилликда мамлакатимизда транспорт хизматлари бозорини ривожлантиришга ва унинг инфратузилмасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларда темир йўл транспорти тизимининг алоҳида ўрни бор.



1-расм. Темир йўл транспорти тизими.

Биз ташишни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларида касб таълимидаги инновацион фаолиятни такомиллаштириш учун маъруза, семинар ва лаборатория машғулотларида янги методларни жорий этиш билан биргаликда транспорт фаолиятини ривожлантириш дастурларининг амалга оширилишида ҳал қилинадиган вазифаларини аниқ белгилаб олиш керак, яъни темир йўл тармоғининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда белгиланиши лозим. Маъруза машғулотларини ҳам интерактив методлар асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги замон таълим тизими ривожланишининг устувор йўналиши таълимни ахборотлаштириш бўлиб, бу йўналиш қуйидаги инновацион жараёнлар билан тавсифланади:

- электрон ва масофавий ўқитиш технологияларига асосланадиган ахборотлаштирилган таълим хизматларини жорий қилиш;
- интерфаол ва мультимедияли технологияларга асосланадиган очик рақамли таълим контентлари ва дастурий-методик таъминотни ишлаб чиқиш;
- телекоммуникация тузилмалари (ахборот-таълим муҳити, таълим порталлари) ни яратиш. Бундай шароитларда таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашда замонавий ахборотлашган жамият талабларига мос инновацион фаолиятга тайёр бўлган ўқитувчиларга эҳтиёж туғилади.

Ахборотлашган жамият юқори сифатли ахборот устун бўладиган жамиятни билдириб, ахборотларни сақлаш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш компьютер технологияларига асосланган замонавий воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Шундай қилиб, ахборотлашган жамият – бу барча турдаги ахборот технологияларини, компьютерли телекоммуникацияларни, ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш асосида фуқароларнинг ҳуқуқларни рўёбга чиқариш ва уларнинг ахборотларга эҳтиёжларини қондириш учун оптимал шарт-шароитларни яратишнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам илмий – техник хусусиятдаги жараёнидир.

“SMART” тушунчаси жамият ривожланишининг янгича замонавий босқичини таъкидлаб, у ижтимоий парадигманинг ўзгаришига, янги ғоялар, билим ва интеллектуал капиталнинг кишилар томонидан генерацияланиши жараёнига асосланиб, бунда улар мазкур жараёнларни инновацион технологиялар ёрдамида амалга ошириш ва уларни қўллаб-қувватлашга тайёрланган бўладилар.



2-расм. Ташишни ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари.

SMART-жамият ғояси замонавий ахборот муҳити шароитларида инсон ҳаётининг барча жиҳатларини яхшилашга интилишни ифодалаб, бу инсоннинг нафақат ахборот ташувчиси сифатида, балки инсон ахборотли фаолиятининг фаол таъсир кўрсатувчи соҳаси сифатида ҳам белгиланади. Кўпчилик мамлакатлар учун биринчи ўриндаги йўналишга айланган SMART – таълим ва замонавий инновацион технологиялар асосида ахборотлашган муҳитни модернизациялаш бугунги кунларда глобал тенденция сифатида намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда мобил телефон, компьютер ва интернет, табиат ва жамият каби табиий элементлар бўлиб, янги рақамли (тармоқ) авлодининг мавжудлигини ишонч билан айтишимиз мумкин. Ахборотлашган жамиятдаги таълим муаммоларига бағишланган ҳозирги давр нашрларида кишиларнинг “рақамли” авлоди мавжудлиги фактлари таъкидланиб, улар учун турмуш фаолиятнинг табиий элементлари бўлиб, коммуникацияларнинг уяли ва мобиль воситалари саналади. (SMART-одам) бутун ҳаёти давомида ўқийди, ўрганади, инновацияларни яратади, ҳукумат билан биргаликда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўллари излаб топади, дунё фуқаросига айланади. Интернет ва технологиялардан фойдланишга тайёрланган кишилар янги иқтисодий ва ижтимоий неъматларни олиб келадилар, янги маданиятни яратадилар.

Шундай қилиб, ахборотлашган жамият ва таълимни ахборотлаштиришнинг ривожланишидаги замонавий йўналишларини таҳлил қилиб чиқиш шуни кўзда тутадик, SMART-таълим (SMART-education) – “бу эркин фойдаланиш мумкин бўлган, бутун дунёдаги контентлар ёрдамида интерфаол ўқитиш муҳитида мослашувчан таълим олишдир”.

SMART – таълим технологияси таълим олувчиларга янги билимларни генерациялашга ва SMART-одамни шакллантиришга имкон бериб, бундай одам ахборотларни излаб топиш, таҳлил қилиш ва инновацияларни яратиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан мукамал фойдалана оладиган бўлади.

SMART усули



Мақсадни қандай қўйиш керак? – Биз бу саволни ғоят тез-тез берамиз. Бугун биз мақсадларни аниқлашнинг энг самарали усулларида бири – SMART усули ҳақида гаплашамиз.

SMART – бу сўзларнинг биринчи ҳарфларининг қисқартмаси. Шундай қилиб, SMART: Specific – аниқ мақсад; Measurable – ўлчов; Achievable – қандай қилиб; Realistic – долзарблиги; Timed – белгиланган вақт.

Бугун биз ҳар бир таркибий қисмни батафсил кўриб чиқамиз:

3-расм. SMART усулини қўллаш методикаси.

S – specific (Аниқ мақсад) – транспорт соҳасига доир таълим йўналишларини профессионал таълим тизими асосида ташкил этиш.

M – measurable (ўлчов) – ўқув режа, малака талаблари ва соҳа мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрлаш учун мастер-класс ташкил этиш.

A – achievable (қандай қилиб?) – ҳар бир соҳа бўйича мутахассисларнинг хусусиятлари, соҳалари, таълим шакли, ўқув муддати, қабул тартиби, контингенти ва ўқитиш харажатларини ишлаб чиқиш, жумладан, темир йўл транспорти учун.

R – relevant (долзарблилиги) – республикамизда транспорт соҳасини ривожлантириш учун профессионал кадрларларни тайёрлаш.

T – time-bound (белгиланган вақт) – 2021-2025 йил.

SMART – транспортда, жумладан, темир йўлда ташишни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларида инновацион таълимга доир илмий-методик адабиётларида асосий тавсифлари ажратиб кўрсатилади:

- электрон ўқитиш таълим технологиялари мажмуаси сифатида принципаал жиҳатдан янги контент ва уни тасарруф этишнинг интерфаол таъминоти билан тўлдирилади;

- таълим контентининг сезиларли қисми интернет тармоғидаги веб-ресурсларда жойлаштирилади;

- билимларни синхронлаштирилган тарзда етказиб беришнинг шарт-шароитлари яратилади – сайтда жойлаштириллаган долзарб ахборот ўқув материалларига тезда киритилади;

- таълим муассасалари ва ўқитувчилар умумий стандартлар, келишувлар ва технологиялар асосида интернет тармоғи орқали ҳамкорликдаги таълим фаолиятини амалга ошириш учун ўқув материалларининг умумий репозиторий ёрдамида жамоавий таълим жараёнини амалга оширадилар;

- таълим олувчилар таълим контентини ишлаб чиқишда иштирок этишлари мумкин бўлиб, бу уларга компетентли модель билан мос ҳолда билим, маҳорат, фаолият усуллари эгаллашларига имкон беради.

Таълимнинг ахборотлашуви шароитларида бу тизимда рўй бераётган глобал ўзгаришларнинг назарий таҳлили қуйидаги қарама-қаршиликларни ажратиб кўрсатади:

- ахборотлашган жамиятнинг ўзгариб бораётган мақсадли йўриқлари билан уларнинг таълим муҳитига мос ҳолда акс этиши орасидаги қарама-қаршилик;

- педагогларга қўйилаётган талабларнинг ўзгариб бориши билан улар томонидан таълим жараёнидаги ўз вазифаларининг англаниши, ўзларида замонавий ахборотлашган жамият талаб қилаётган сифатларни шакллантиришга интилиш орасидаги қарама-қаршиликлар.

SMART – таълим тушунчасида акс этувчи таълимнинг ахборотлашувидаги янги юқори технологиялар йўналишлари ташишни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларида инновацион фаолиятга тайёрлиги малакасига юқори талабларни қўяди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуни қайд этиш мумкинки, ўзига хос транспорт таркибига эга Ўзбекистон Республикасида транспорт тизимларини ривожлантириш масаласи доимо долзарб масалалардан бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Замонавий таълим технологиялари,

интернет воситаларидан фойдаланган ҳолда ташиш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришга доир фанларни ўқитишда ўқувчи-талабалар, шу соҳада илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланаётганларга ижобий имкониятлар беради, жумладан, ўзлаштиришни кўтаради. Шу билан бирга, мамлакатимизда ташиш жараёнларини ташкил этиш инфраструктурасини янада ривожлантириш, йўналишларни жадаллаштириш, қатнов географиясини кенгайтириш билан бирга мамлакат ҳудудлари доирасида ҳам ўзаро алоқадорликни янада ривожлантириш учун SMART-технологияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Юлдашев У.Ю., Боқиев Р.Р., Зокирова Ф.М. Информатика ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Талқин, 2004. – Б. 187.
2. Носов А.Л. Региональная логистика. – М.: Альфа-Пресс, 2007. – С. 168.
3. Джеймс Р. Стратегическое управление логистикой / Д.Р. Сток, Д.М. Ламберт. – М.: Инфра-М, 2005. – С. 830.

ТИББИЁТ ТАСВИРЛАРИНИ СЕГМЕНТЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ

Ахмад ХАШИМОВ,

*Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш
институтини таянч докторанти
E-mail: akhmadjon89@gmail.com*

Авазбек КАРИМОВ,

*Тошкент Ахборот Технологиялари Университети Фарғона филиали
DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp163-165>*

Аннотация: Ушбу ишда инсон қорин бўшлиғи тасвирларини сегментлаш усуллари ҳақида тўхталиб ўтилган бўлиб, уларнинг турлари ҳамда фойдаланиш ҳолатлари келтирилган. Ҳозирги кунда тиббиёт тасвирлари учун кўп қўлланилаётган сегментлаш усуллари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: тиббиёт тасвирлари, сегментлаш, воксел, автоматик сегментлаш, интерактив сегментлаш.

Ҳозирги кунда бутун дунёда бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисалар инсон соғлиғи ва саломатлиғи энг муҳим масала эканлигини яна бир бор исботлади. Тиббиёт соҳасида ахборот технологияларининг қўлланилиши ташхис ва даволаш ишларида жуда катта самара келтиради.

Инсоният тиббиёт билан қадим замонлардан буён чамбарчас боғлиқ бўлиб, қорин бўшлиғи тасвирларини таҳлил қилиш масалалари билан XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб шуғулланиб келинмоқда.

Тиббиёт тасвирларини таҳлил қилишдаги энг асосий масалалардан бири бу тасвирларни сегментлаш ҳисобланади. Сегментлашнинг мақсади қорин

бўшлиғидаги инсон аъзолари, томир тизимларини ажратиш ва уларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиш имкониятини яратишдан иборатдир.

Тасвирда объектларни сегментлаш алгоритмлари [1] пикселларга, контурларга ва соҳаларга асосланган тоифаларга бўлинади. Бу алгоритмларнинг мақсади тасвирдаги турли объектлар ўртасидаги чегараларни аниқлаш ва ушбу чегаралар асосида объектларни ажратиш ҳисобланади. Контурларга асосланган сегментлаш алгоритмлари турли хил кўринишларда бўлиши мумкин, лекин ҳар бир алгоритмнинг биринчи қадами чегараларни аниқлаш бўлиб, у филтрлаш, сифатини ошириш ва аниқлаш каби босқичлардан иборат бўлади. Одатда, филтрлаш босқичи тасвирдаги халақитни камайтириш учун зарур ҳисобланади, сифатини ошириш орқали эса тасвирдаги локал ўзгаришлар яққолроқ ажратилади. Сўнги босқичда бирор усул, масалан, бўсағавий қайта ишлаш ёрдамида объектлар чегаралари аниқланади.

Тиббиёт тасвирларини сегментлаш – тиббиёт маълумотларини таҳлил қилишдаги асосий масалалардан бири. Сегментлашнинг мақсади тасвирлардаги тўқималар, органлар, қон томирларини ажратиш ҳамда турли хил патологик ўзгаришларни аниқлашдир.

Тиббий тасвирлар элементлари воксел (voxel – volumetric pixel) бўлган уч ўлчамли массив сифатида қаралади. Тиббиёт тасвирларини сегментлашнинг вазифаси ҳар бир вокселга у ёки бу структурага тегишлилигини ифодаловчи уникал белгилар қўйишдан иборат.

Унга қуйидаги таъриф берилиши мумкин:

$$\bigcup_{i=1}^n X_i = V_I,$$

$$X_i \cap X_j = \emptyset, \quad i \neq j,$$

I тасвирни сегментлаш деб, унинг V_I вокселлар тўпламини n та X_i қисм тўпламга ажратишга айтилади. Ҳар бир X_i тўплам қайсидир аниқ анатомик тузилиш ёки фонга мос келади.

Тасвирда объектларни ажратиш олишнинг кўплаб усуллари мавжуд бўлиб, қуйида уларнинг айримларини мураккаблигининг ортиб бориши тартибида келтириб ўтамиз [2]:

- ранг филтрлари: агар объект тасвирдаги фондан ранги орқали ажралиб турса, ушбу филтрлардан фойдаланиш мумкин;
- контурларни ажратиш олиш ва таҳлил қилиш: агар объектнинг шакли аниқ бўлса, ушбу усул орқали аниқланади;
- шаблонга мосликни текшириш: объект тасвири асосида бошқа тасвирдан қидирилади;
- махсус нуқталар билан ишлаш: объект тасвирида махсус нуқталар (масалан бурчак) асосида объект ажратиш олинади;

• машиналарни ўқитиш усули: объектлар тасвирлари асосида классификатор ўқитилади, маълум усуллар асосида тасвир қисмларга ажратилади ва ҳар бир қисм классификаторда текширилади.

Амалиётда сегментлашнинг соддароқ вариантыни ҳам кўриш мумкин. Бунда белгилар кўпроқ қизиқтираётган органга тегишли вокселларга қўйилади, қолган вокселлар эса нол белгилари соҳага бирлаштирилади. Шу ҳолатда сегментлаш натижасида ҳар бир вокселга ўшбу воксел тегишли бўлган қисм тўпламнинг белгиси мос келади. Натижада олинган уч ўлчамли массив воксел модели дейилади.

Автоматик сегментлаш деганда, фойдаланувчи иштирокисиз амалга ошириладиган сегментлашга айтилади.

Интерактив сегментлаш фойдаланувчи томонидан бошқарилади ва қўшимча маълумотлар киритилишини талаб қилади. Эксперт томонидан амалга оширилган сегментлаш автоматик сегментлаш натижасига нисбатан сифатлироқ ҳисобланади, лекин фойдаланувчи иштирокини ва кўп вақтни талаб қилади. Интерактив сегментлаш, кўпинча, валидация учун қўлланилади.

Сегментлаш усуллари шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Аниқ хусусиятлар (гистограммани қайта ишлаш, бўсақалар) ёрдамида вокселларни ажратишга мўлжалланган усуллар.

2. Чегараларни аниқлаш усуллари.

3. Қайсидир белгилар (метод разрастания областей, метод водоразделов) тенг бўлган соҳаларни ажратиш усуллари.

Тиббиёт тасвирларини сегментлашнинг турли хил ёндашувлари якуний натижани бермаслиги мумкин, лекин алгоритмнинг қисми сифатида фойдаланилади. Тиббиёт тасвирларида сегментлаш соҳасида олиб борилаётган охириги тадқиқотларда нейрон тармоқларга асосланган усуллар юқори кўрсаткичлар қайд этмоқда. Бирор-бир масалага нейрон тармоқни қўллашдан аввал масаланинг хусусиятларига эътибор қаратиш талаб қилинади. Берилган масалани ҳал қилиш бўйича ўқитиладиган маълумотлар тўпламлари етарли даражада бўлса, сегментлаш учун нейрон тармоқни қўллаш тавсия этилади. Агар ўқитилувчи маълумотларга эга бўлишнинг имконияти мавжуд бўлмаса, одатда, нейрон тармоқни қўллаш тавсия этилмайди. Бу ҳолатда тасвирлар сегментлаш учун анъанавий усулларни қўллаб кўриш ва натижаларни солиштириш орқали юқори кўрсаткичга эга бўлган алгоритмларни танлаб олиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гонсалес Р., Вудс Р. Цифровая обработка изображений. – М.: Техносфера, 2012. – С. 797.

2. Борисов Е.О задаче поиска объекта на изображении. Часть 1: Базовые методы. <http://mechanoid.su/cv-image-detector.html>

3. Хашимов А. Тиббиёт тасвирларида объектларни контурининг шакли асосида ажратиш алгоритмлари. Республиканской научно-технической конференции «Современное состояние и перспективы применения цифровых технологий и искусственного интеллекта в управлении» (Ташкент, 6-7 сентября 2021 г.) – С. 267–273.

ТИМСОЛЛАРНИ ТАНИБ ОЛИШДА ε -БЎСАҚАВИЙ ҚИЙМАТНИ ТАНЛАШ АЛГОРИТМИ

Ахрам НИШАНОВ,

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети “Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти”
кафедраси профессори, Ўзбекистон
E-mail: nishanov_ahram@mail.com

Ғуломжон ЖҰРАЕВ,

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий
инновацион маркази мустақил изланувчиси, Ўзбекистон
E-mail: jurayev_g@bk.ru

Носир НАРЗИЕВ,

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети “Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти”
кафедраси катта ўқитувчиси, Ўзбекистон
E-mail: n.b.narziyev@gmail.com

Жасур ХУШВАҚТОВ,

Термиз давлат университети “Ахборот технологиялари кафедраси”
биринчи босқич магистранти

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp166-169>

Аннотация: Мақолада тимсолларни таниб олишда объект белгиларини
буль кўринишга ўтказиш учун ε^j – бўсақавий қийматларини аниқлаш модели
қурилган. Тадқиқот объектларининг ўзаро ўхшашликларини аниқлашда ε^j -
бўсақавий қийматлардан (ε^j , $j = \overline{1, N}$) фойдаланилади. Одатда, бўсақавий
қиймат миқдори тадқиқ этилаётган объектларнинг мос белгиларининг яқин
ёки яқин эмаслигини аниқлаш учун ўрнатилган чегаравий қийматларни
ифодалайди. Агар берилган тимсолни (объектни) характерловчи миқдорий
белгилар сони n та бўлса, у ҳолда уларнинг ҳар бири учун алоҳида бўсақавий
қийматлар берилади ва улар $\varepsilon^1, \varepsilon^2, \dots, \varepsilon^N$ кўринишда белгиланади [1-20].

Аниқланган ε^j -бўсақавий қийматлар ёрдамида баҳоларни ҳисоблаш
алгоритмларидан фойдаланиб, синфлаштириш масаласи ечилган.

Биз қараётган масалаларни ечишда соҳа мутахассислари томонидан
берилган маълумотларга асосан, шакллантирилган ўқув танлама 3 та синф
объектлардан ташкил топган. Бу ерда X_1 -синф 10 та, X_2 -синф 6 та, X_3 -синф
8 та объектлардан иборат ва ҳар бир синф объектлари 12 та белги
қийматларини ўзида мужассам этган.

Калит сўзлар: синфлаштириш, баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари,
бўсақавий қийматлар, қиёслаш функцияси, яқинлик функцияси.

1. Масаланинг қўйилиши. Фараз қилайлик, ўқув танланмалар мажмуаси
қуйидаги кўринишда ифодаланган $x_{p1}, x_{p2}, \dots, x_{pmp} \in X_p$, $p = \overline{1, r}$ бўлсин. Бу ерда
 x_{pi} – N – ўлчовли белгилар фазоси вектори, ҳар бир объект $x_{pi} =$

$(x_{pi}^1, x_{pi}^2, \dots, x_{pi}^N), i = \overline{1, m_p}, N$ - ўлчовли белгилар фазосида қаралган, $X_p, p = \overline{1, r}$ синфлар мажмуасини билдириб, у m_p та $x_{p1}, \dots, x_{pm_p}$ объектлардан ташкил топган. Умумий ўқув танланма қуйидагча бўлиб: $X = \bigcup_{k=1}^r X_k$, унинг объектлари сони $M = \sum_{p=1}^r m_p$ га тенг. Умумийликка зарар етказмасдан танланма объектларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$x_{11}, \dots, x_{1m_1}, x_{2m_1+1}, x_{2m_1+2}, \dots, x_{2m_1+m_2}, x_{2m_1+m_2+1}, \dots, x_{r m_1+m_2+\dots+m_r}.$$

Мақолада қуйидаги масалаларни ечиш талаб этилади:

Масала-1. X_p синф объектларини характерловчи, уларни баҳолашга кўмак берувчи белгилар кесимида ε^j -бўсақавий қийматлар аниқлансин;

Масала-2. Аниқланган бўсақавий қийматлар асосида X умумий танланма объектларини ўз синфига тегишлилик масаласи ечилсин. Яъни синфларга ажратилган объектларнинг ўз синфига ёки бошқа синфга тегишлилигини аниқлаш талаб этилади.

2. Қўйилган амалий масалаларни ечиш алгоритми:

1-қадам. Қўйилган масалани ечишда X_p синф объектларини характерловчи белгилар учун ε^j -бўсақавий қийматлар синф объектларининг ҳар бир белгиси учун аниқланади ва ҳисоблаш жараёни қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$\varepsilon^j = \frac{1}{m_1 + m_2 + \dots + m_3 - 1} \sum_{i=1}^{m_1+m_2+\dots+m_3-1} |x_i^j - x_{i+1}^j|$$

Бу ерда $p = \overline{1,3}; i = \overline{1,24}; j = \overline{1,12}$. Бу жараёнда 3 та синфнинг ҳар бир белгиси учун ε^j -бўсақавий қийматлар топилади. Бунинг натижаси қуйидаги диаграмма №1 да ифодаланган.

Диаграмма №1



2-қадам. X_p синф объектларининг ҳар бир белгисига нисбатан аниқланган ε^j -бўсақавий қийматлардан фойдаланилган ҳолда синф объектларининг миқдорий белгилари орасидаги яқинлиқни аниқлашда қиёслаш функцияси қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\rho_i(x_i^j, x_q^j) = \begin{cases} 1, \text{ агар } |x_i^1 - x_q^1| \leq \varepsilon^j \\ 0, \text{ акс ҳолда, } i = \overline{1, M}; j = \overline{1, N}; q = \overline{1, M}; i \neq q. \end{cases}$$

Бу ерда $M = \sum_{p=1}^r m_p$, ε^j – j -миқдорий белгиси учун ўрнатилган бўсақавий қиймат. Юқоридаги ифода $\rho_i(x_i^j, x_q^j)$, i – чи объектнинг j – чи белги кесимида x_q объектлари томонидан берилган овозлар деб тушунилади. Агар овоз берилган бўлса, $\rho_i(x_i^j, x_q^j) = 1$ бўлади, акс ҳолда $\rho_i(x_i^j, x_q^j) = 0$ қиймат қабул қилади. Қиёслаш жараёни якунида $X_p, p = \overline{1, r}$ синфларнинг ҳар бир объектлари $x_i, i = \overline{1, M}$ белгилар $x_i^j, i = \overline{1, M}; j = \overline{1, N}$; қиймати узлуксиз миқдорий кўринишдан элементлари 0 ёки 1 кўринишдан иборат бўлган $(M - 1) \times N$ ўлчамли матрицага ўтказилади. Бу ерда матрицалар сони ҳам M та бўлади, чунки умумий ўқув танланмадаги ҳар бир объект учун алоҳида $(M - 1) \times N$ ўлчамли матрица пайдо бўлади. Бунда фақатгина қаралаётган, яъни овоз берилаётган объектнинг ўзи иштирок этмайди.

3-қадам. X_p синф объектларининг синфлаштириш масаласини ечиш, яъни синфлардаги ҳар бир объектни ўз синфига ёки ўзидан бошқа синфга тегишлилиги аниқланади. Бунда X_p синфга тегишли бўлган ҳар бир объект ўз синфидаги ҳамда бошқа синфлардаги объектлар билан бирма-бир қиёслашни, информатив белгилар фазосида x_i объект ва X_p синфнинг x_{pq} объектлари ўртасидаги яқинлик функцияси $\rho_i(x_i, x_{pq})$ ни барча $x_i \in X$ лар учун қуйидагича ҳисобланади:

$$\Gamma_p(x_i, x_{pq}) = \frac{1}{m_p} \sum_{q=1}^{m_p} \sum_{j=1}^N \rho_i(x_i^j, x_{pq}^j); i \neq q; p = \overline{1, r}; q = \overline{1, m_p}; j = \overline{1, N}; x_i \in X.$$

Қиёсий баҳолаш ҳар бир синф бўйича ҳисобланиб, олинган йиғиндиларнинг ўртача қийматларидан энг каттаси объектнинг шу синфга тегишлилигини билдиради. Яъни берилган X_p синфнинг ҳар бир объекти x_{pi} учун $\Gamma_{pi}(x_{pi}, x_{pq})$ ҳисобланади. Қуйидаги максимизация масаласи ечилади:

$$\Gamma_p^* = \max_{x_i \in X} \Gamma_p(x_i, x_{pq})$$

ва натижага кўра $x_i \in X_p$ тегишли бўлади. [3-5]

Бу қадамда синфларга ажратилган объектларни қайта синфлаштириш жараёнининг ўзи ҳам 2 та қадамдан иборат бўлиб, қуйидагича кетма-кетликда амалга оширилади:

3.1-қадам. Қайта синфлаштиришда синф объектларни характерловчи белгиларга нисбатан объектларни ўз синфига ёки бошқа синфга тегишлилиги қадамма-қадам белгиларни чиқариб ташлаш орқали максимум натижага эришгунга қадар амалга оширилади. Бу жараёнда белгиларни 100% чиқариб ташланмасликни ҳам инобатга олиш лозим, чунки белгиларни чиқариб ташлаш

орқали синф объектлари ўз синфини 100% топмаганлиги учун 3.2-қадамга муружаат этилади.

3.1-қадамда олинган натижаларга асосан, белгиларнинг сони 12 тадан 8 тагача қисқартирилди ва натижаси қуйидаги жадвал №1 да ифодаланилган:

Жадвал №1

Белгила	1-синф		2-синф		3-синф	
	Ўз синфини топганлар сони	Қўрсаткич % ҳисобида	Ўз синфини топганлар сони	Қўрсаткич % ҳисобида	Ўз синфини топганлар сони	Қўрсаткич % ҳисобида
X ₁ , X ₃ , X ₈ , X ₁₂	9	90%	4	66,6%	8	100%

3.2-қадам. Ушбу қадамда 3.1-қадамда олинган натижаларга асосан, ўз синфини топмаган объектлар қадамма-қадам чиқарилиб, синфлардаги объектлар ўз синфини тўлиқ, яъни 100% топгунга қадар бажарилади ва эталон ўқув танламаси шакллантириб олинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Журавлев Ю.И. Избранные научные труды. – М: Издательство Магистр, 1998. – С. 420.

2. Камиллов М.М., Хамроев А.Ш., Мингликулов З.Б. Баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларида е-бўсақавий параметрлар қийматларини генетик алгоритм асосида оптималлаштириш. Бошқарувда ахборот технологияларини қўллашнинг замонавий ҳолати ва ютуқлари: Республика илмий-техник анжумани. – Тошкент, 2015. – Б. 331–336.

3. Камиллов М.М., Нишанов А.Х., Джураев Г.П. Алгоритм классификации медицинских данных в пространстве информативных признаков с использованием функции дальности и близости // Химическая технология. Контроль и управления. – Ташкент, 2018, № 1-2. – Б. 143–150.

4. Нишанов А.Х., Жўраев Ғ.П., Нарзиев Н.Б. Баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларининг миокард инфаркти касаллигига қўлланилиши // Муҳаммад ал-Хоразмий авлодлари. – Ташкент, 2018, № 2. – С. 40–44.

5. Nishanov A.Kh., Djurayev G.P., Kasanova M.Kh. Improved algorithms for calculating evaluations in processing medical data // National Institute of Science Communication and Information Resources (NISCAIR)-India, 2019. – PP. 3158–3165.

OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA PROFESSOR- O'QITUVCHILARNI ILMIY FAOLIYATLARI UCHUN RAG'BATLANTIRISHNING AVTOMATLASHTIRILGAN TIZIMINI YARATISH

Shoyatbek XAKIMOV,
assistent, Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O'zbekiston
Farrux SHUKUROV,
assistent, Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O'zbekiston
Eldor ABDULLAYEV,
assistent, Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O'zbekiston
DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp170-176>

Annotatsiya: Ushbu maqolada ilmiy faoliyat bog'liq bo'lgan oliy ta'lim muassasasi bo'limining ish jarayonlarini optimallashtirish uchun ko'rilayotgan chora-tadbirlar yoritilgan. Jumladan, professor-o'qituvchilarni ilmiy faoliyati uchun rag'batlantirishning avtomatlashtirilgan tizimini yaratish haqida so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar. Ma'lumotlar bazasi, Web-texnologiya, OAK, Scopus, DGU, IAP, October CMS

Mamlakatimiz istiqbolining eng dastlabki kunlaridanoq buyuk ma'naviyatimiz va qadriyatlarimizni qayta tiklash hamda yanada yuksaltirish, milliy ta'lim-tarbiya tizimini mustahkamlash, uni davr talablariga uyg'unlashtirish asosida jahon andozalari va ko'nikmalari darajasiga olib chiqish maqsadlariga favqulodda katta ahamiyat berib kelinmoqda. Bu o'rinda, eng avvalo, 1992-yilda mustaqil respublikamizda ta'lim o'rni, vazifasi, huquqiy kafolatlarini belgilaydigan birinchi "Ta'lim to'g'risida"gi qonun qabul qilinganligini ta'kidlab o'tish maqsadga muvofiqdir. Ayniqsa, so'nggi yillarda ta'limga e'tibor har qachongidan-da ortdi, ta'lim sohasida katta o'zgarishlar amalga oshirildi, bir qator qarorlar va farmonlar qabul qilindi. Jumladan, "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risi"da Prezident Farmoni, "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Prezident Qarori qabul qilindi [1].


Ushbu farmon va qarorlarda men sizning e'tiboringizni muhim bir bandga qaratmoqchiman – bu respublikadagi kamida 10 ta oliy ta'lim muassasasini xalqaro e'tirof etilgan tashkilotlar (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Nigher Education yoki Academic Ranking of World Universities) reytingining birinchi 1000 ta o'rindagi oliy ta'lim muassasalari ro'yxatiga, shu jumladan, O'zbekiston Milliy universiteti va Samarqand davlat universitetini birinchi 500 ta o'rindagi oliy ta'lim muassasalari ro'yxatiga kiritish vazifasi qo'yilganligi. Shu band asosida mazkur oliy ta'lim muassasalarini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashning zamonaviy mexanizmlarini joriy etishni nazarda tutuvchi chora-tadbirlar rejasi ishlab chiqildi.

Yuqorida ta'kidlangan xalqaro reyting tashkilotlarida kuchli universitetlar reytingini tuzishda ularning akademik nufuzi, ish beruvchilar o'rtasidagi nufuzi, o'qituvchilar va talabalar miqdori mutanosibliigi, professor-o'qituvchilarning ilmiy

faolligi, ilmiy maqolalarning o'qilishi, ularga nisbatan berilgan iqtiboslar soni, xorijiy o'qituvchi va xodimlar hamda talabalar ulushi va shu kabi boshqa muhim jihatlar asos qilib olinadi. Shu sababdan ko'plab oliy ta'lim muassasalarida professor-o'qituvchilarning ilmiy faolligi (ilmiy maqolalari, monografiyalari, patentlari) uchun qo'shimcha haq to'lanish tizimi yo'lga qo'yildi. Shu tizim orqali professor-o'qituvchilarga xalqaro jurnallarda chop etilgan har bir ilmiy maqolalari, ilmiy yangiliklari uchun mukofot mablag'lari to'lab kelinmoqda. Lekin oliy ta'lim muassasalarida ko'plab professor-o'qituvchilar ishlashini va ular har yili o'nlab-yuzlab maqolalar yozishlarini hisobga olsak, ularni saralash, xalqaro e'tirof etilgan jurnallarga kirish yoki kirmasligini aniqlash, ilmiy maqola va patentlarning har biriga mualliflari soniga, sifatiga qarab haq to'lash, to'langan mablag'lar hisobotini yuritishda bir qancha qiyinchiliklar yuzaga kelganligi sababli bizda ushbu tizimni avtomatlashtirishga ehtiyoj tug'ila boshladi [2, 6].

Ushbu maqolada professor-o'qituvchilarga ularning ilmiy maqolalari, mualliflik patentlarini ko'rib chiqish, ularga qo'shimcha haq to'lash hamda jami yozilgan maqolalar, tasdiqlangan patentlar, ilmiy ishlar va ularga to'langan mablag'lar hisobotlarini yurituvchi avtomatlashtirilgan tizim yaratish taklif qilinmoqda. Ushbu tizim ko'p foydalanuvchili bo'lishi uchun veb-platforma asosida yaratish maqsadga muvofiq, chunki hozirgi kunda barcha odamlar internet tarmog'iga ulangan hamda biz yaratgan dasturdan foydalanish uchun alohida dasturni yuklab olishi shart emas, shunchaki ixtiyoriy brauzerga kirib kerakli veb-adresga murojaat qilishi kifoya qiladi.


Veb-platformaning umumiy ishlash sxemasi quyidagi rasmda keltirilgan (1-rasm).



1-rasm. Veb-platformaning ishlash sxemasi.


Sxemadan ko‘rinib turibdiki, foydalanuvchi o‘zining shaxsiy kabineti orqali har qanday o‘ziga tegishli bo‘lgan ma‘lumotlarni ixtiyoriy vaqtda ko‘rib turishi, o‘zgartirishi, ilmiy bo‘limga yuborishi, ulardan javob olishi mumkin. Bu esa ortiqcha qog‘ozbozlikka chek qo‘yilishi hamda ish jarayonining tez va sifatli bo‘lishiga olib keladi.

Dasturning administrator qismi veb-ilovaga ma‘lumotlar kiritish, o‘chirish, veb-ilova [3] strukturasi, dizaynini o‘zgartirish kabi funksiyalarni bajarish imkoniga ega. Administrator qismi login va parol bilan himoyalangan bo‘lib, undan faqat tegishli xodim foydalanishi mumkin (2-rasm).



2-rasm. Tizimda administrator oynasiga kirish.

Ushbu sahifa ilmiy bo‘lim xodimining asosiy ishchi oynasi bo‘lib, foydalanuvchi tizimga kirgach, o‘zining shaxsiy ma‘lumotlarini o‘zgartira olishi, profiliga rasm joylashtira olishi, login va parolini yangilashi mumkin (3-rasm).



3-rasm. Tizimning administrator qismi.

Yuqoridagi rasmdan ko‘rinib turibdiki, administrator sahifasi quyidagi asosiy qismlardan iborat: fakultet va kafedralar; status; jurnallar; sozlash.

Fakultet va kafedralar sahifasida, avvalambor, xodim ushbu ta‘lim muassasasida mavjud fakultetlar va ularning tarkibiga kiruvchi kafedralar strukturasi, nomlari haqidagi ma‘lumotlarni kiritishi zarur bo‘ladi. Ushbu sahifada kafedra va fakultet ma‘lumotlarini kiritishdan tashqari ularni bir-biriga birlashtirish, o‘zgartirish, qidirish, saralash imoniyatlari ham yaratilgan [4]. Bundan tashqari, umumiy summalar haqidagi ustunlar mavjud bo‘lib, ushbu raqamlar fakultetga yoki kafedraga birlashtirilgan OAK va Scopus maqolalar, patentlar uchun ajratilgan umumiy mablag‘larning joriy

vaqtga nisbatan holati haqida ma'lumotlar beradi. Bu orqali semestr bo'yicha yoki yil bo'yicha har bir kafedra xodimlariga qancha mablag' berilganligi haqidagi hisobotlarni avtomatik ravishda olish imkoniyatiga ega bo'lamiz.

Status sahifasida professor-o'qituvchilar yuborgan hisobotlar holatini belgilashda foydalaniladigan holatni kiritish, o'zgartirish hamda ushbu statuslarni o'chirish imkoniyatlari mavjud.

Eng asosiy jurnallar sahifasida uchta alohida-alohida menyu mavjud. Bular: OAK, Scopus, DGU va IAP. Ushbu sahifada Oliy attestatsiya komissiyasi ro'yxatiga kiruvchi jurnallarda chop etilgan maqolalar haqida maqola nomi, mualliflarining to'liq ism-shariflari, qaysi davlatda nashr qilinishi, nashr etilgan jurnal nomi, soni, sahifa raqami hamda professor-o'qituvchisining kafedrasi, fakulteti haqidagi ma'lumotlarni kiritish va maqolani pdf faylda ham yuklash va ochib ko'rish mumkin.


Scopus maqolalar sahifasida professor-o'qituvchilar tomonidan xalqaro va respublika Scopus jurnallarda chop etilgan maqolalar haqidagi hisobotlar haqida ma'lumotlar olish, Scopus jurnallarda chop etilgan maqolalar hisoboti, maqola nomi, mualliflarning ism-shariflari, jurnal nomi, jurnalning ISSN raqami, elektron manzili, qaysi davlatda nashr etilganligi va boshqa ma'lumotlarni o'z ichiga oladi.

DGU va IAP sertifikatlar sahifasida esa professor-o'qituvchilar tomonidan olingan DGU patentlar va IAP sertifikatlar haqidagi ma'lumotlarni kiritish, ko'rish, saralash, izlash, o'zgartirish va o'chirish imoniyatlari mavjud. DGU va IAP sertifikatlar hisobotlari, patentning o'zbek va rus tilidagi nomlari, mualliflari, registratsiya raqami, elektron nusxasi, professor-o'qituvchining kafedrasi haqidagi ma'lumotlarni o'z ichiga oladi.

Yuqorida ko'rsatib o'tilgan imkoniyatlardan ko'rinib turibdiki, administrator sahifasi ilmiy bo'lim xodimi ishlashi uchun juda qulay tarzda yaratilgan.

Foydalanuvchi qismi platformaning, asosan, professor-o'qituvchilari uchun mo'ljallangan sahifasidan iborat bo'lib, u quyidagi qismlardan tashkil topgan: menyular paneli; fakultetlar bo'yicha maqola va sertifikatlar soni; OAK maqolalar hisobotlari; Scopus maqolalar hisobotlari; DGU/API sertifikatlar hisobotlari; foydalanuvchi sahifasi; platformadan foydalanish uchun videoqo'llanma [5].


Veb-platformaning asosiy sahifasida bu platformaning vazifasi haqidagi ma'lumotlar, joriy vaqt holatiga ko'ra fakultetlar bo'yicha maqola va sertifikatlar soni haqidagi hisobotlar, dasturdan foydalanish uchun videoqo'llanmadan tashkil topgan (4-rasm).



4-rasm. Asosiy sahifa.


Bundan tashqari, foydalanuvchi hech qanday ro'yxatdan o'tmasdan, ortiqcha ovoragarchiliklarsiz ushbu oliy ta'lim muassasasida hozirgi vaqtgacha chop etilgan va hisobotlari topshirilgan maqolalar, sertifikatlar, ularning ilmiy bo'lim tomonidan qabul qilinganligi yoki rad etilganligi haqidagi ma'lumotlarni maqolalar va sertifikatlar sahifasidan olishi va foydalanishi mumkin.

Dasturda har bir foydalanuvchi o'z shaxsiy kabineti orqali ilmiy bo'limga kerakli hisobotlarni yuborish imkoniyatiga ega bo'lishi mumkin. Buning uchun tizimga kirish talab etiladi. Tizimga kirish uchun maxsus login va parol kiritiladi va “Kirish” tugmasi bosiladi. Agar sizda login va parol mavjud bo'lmasa, ro'yxatdan o'tish orqali shaxsiy login va parolingizni yaratishingiz mumkin. Buning uchun to'liq ism, familiya, sharifingiz, e-mail adresingiz haqidagi ma'lumotlarni kiritishingiz talab etiladi (5-rasm).



5-rasm. Professor-o'qituvchi shaxsiy kabinetiga kirish oynasi.

Professor-o'qituvchi shaxsiy kabineti orqali faqatgina o'zigagina tegishli bo'lgan hisobotlarni ko'rish va yangi hisobotlarni yuborish imkoniyatiga ega bo'ladi. (6-rasm)



6-rasm. Professor-o'qituvchi shaxsiy kabineti.

Hisobotlar administrator sahifasida ko'rsatib o'tilgani kabi 3 qismga bo'linadi: OAK maqolalar, Scopus maqolalar va DGU/API sertifikatlar. Professor-o'qituvchi

hisobotlarni yuborishi uchun quyidagi rasmda keltirilgan ma'lumotlarni to'liq shaklda kiritishi va faylni yuklashi talab etiladi.[6] Agar ilmiy bo'lim ushbu hisobotda biror kamchilikni aniqlasa, buni izohlar qismida yozadi va ushbu hisobot uchun “Rad etildi” statusini tanlaydi. Hisobot “Rad etildi” statusida turgan bo'lsa, foydalanuvchi izohni o'qishi va izohda yozilgan kamchiliklarni bartaraf etish maqsadida hisobotni tahrirlash sahifasiga o'tishi va qaytadan yuborishi mumkin bo'ladi (7-rasm).

7-rasm. Hisobotlarni qayta tahrirlash oynasi.

O'ylaymizki, ushbu veb-platforma ilmiy bo'lim xodimlari va professor-o'qituvchilar ish jarayonini ancha osonlashtirishga xizmat qiladi.

XULOSA

Ushbu loyihani amalga oshirishda veb-ilovalarni yaratish texnologiyalari, dasturlash tillarining xilma-xil turlari bilan to'liq tanishib, hayotda tatbiq etish usullari bilan o'rganib chiqildi. Qisqacha qilib aytganda, loyihada oliy ta'lim muassasalarining ilmiy bo'limi hisobotlarini avtomatik ravishda shakllantirib borishni ta'minlovchi veb-platformasini yaratishga va bu orqali barcha foydalanuvchilarga: ilmiy bo'lim xodimlari va professor-o'qituvchilar uchun qulayliklar yaratish hamda ular o'rtasida o'zaro fikr almashish imkoniyatiga ega bo'lgan platformani yaratishga erishildi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017–2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini “Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili”da amalga oshirishga oid davlat dasturi to'g'risida 02.03.2020dagi PF–5953-sonli Farmoni.
2. Guliamova M.K., & Aliev R.M. (2021). Database Concept, Relevance and Expert Systems. Scientific and Educational Areas Under Modern Challenges, 2021, PP. 125–127. Cheboksari: SCC “Interaktiv plus”.
3. Tokhirov E., Aliev R. Improving the braking distance of the train before level crossing // InterConf. – 2020.
4. Gulamov J., Shukurov F., Shokhidayeva Sh. Automated information system for inventory accounting of a car depot warehouse // JournalNX-2021.

5. Nurmukhamedov T., Shukurov F., Khakimov Sh. Information technologies for forecasting car depot inventory using correlation analysis // JournalNX-2021.

6. R. Aliev Analysis of controlling the state of track sections on lines with speed and high-speed train traffic German International Journal of Modern Science № 14, 2021. – PP. 57–58.

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ЮКЛАРНИ ТАШИШДА ЮК ЖЎНАТУВЧИЛАРНИНГ БУЮРТМАНОВАЛАРИГА МУВОФИҚ АМАЛГА ОШИРИШ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ

Мухамадазиз РАСУЛМУХАМЕДОВ,

*ф.-м.ф.н., доцент, Тошкент Давлат транспорт университети
Транспортда ахборот тизимлари ва технологиялари кафедраси мудири*

E-mail: mrasulmukamedov@list.ru

Дилмурод ЭГАМБЕРДИЕВ,

Тошкент давлат транспорт университети 2-курс магистранти

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp176-180>

Аннотация: Мақолада ҳисоб-китоб картасини расмийлаштириш ва унга бўлган жараёнлар кетма-кетлиги ёритилган. Шунингдек, ҳисоб-китоб картасининг веб-дастурини яратиш учун фойдаланилаётган дастурлар ва дастурлаш таъминотлари келтирилган.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси суверенлигини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақамлаш ва жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси бўлмоқ учун транспорт хизматини юқори даражада ривожлантириш лозим.

Бу транспортни ва, аввало, мамлакатнинг барча ҳудудларини ягона давлат бутунлиги сифатида боғловчи ишончли, барқарор, иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган темир йўл транспортининг устувор ривожланишини талаб этади.

Ўзининг кўп томонлама устунликлари эвазига темир йўллар келажакда иқтисоднинг барқарор ривожланишини, мамлакат миқёсида ички ва ташқи интеграцион алоқаларни, туризми, аҳоли бандлиги масалаларини ва бошқа хил ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда асосий ролни бажаришга қодир бўлади.

Маҳаллий товарлар ва хизматларнинг сифатли ва рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий мустақилликни мустақамлашни таъминлаш каби устувор мақсадларга эга бўлган ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш учун кенг қўлланма иқтисодий ислохотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда “Ўзбекистон темир йўллари” Акциядорлик жамиятининг корхоналари ва тузилмавий бўлинмалари молиясини ташкил этишга транспорт ишлаб чиқаришнинг тармоқ хусусиятлари катта таъсир кўрсатади.

Халқ хўжалигида қанча маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилинишига қараб ташиш тузилмаси ва ҳажми юзага келади. Шунинг учун ташиш тузилмаси ва ҳажмини темир йўл эмас, балки юк жўнатувчилар аниқлайди.

Бозор муносабатлари шароитида қандай ташиш, нимани ташиш, қаерга ташиш каби саволлар, манфаатларини диққат билан ўрганиш талаб этилади ва юк эгалари томонидан ҳал этилади.

Юк эгалари нимани ва қаерга ташиш қанчалик сифатли бажарилишини юк эгасининг манфаатлари қандай ҳисобга олинишига қараб аниқлайди.

Асосий қисм:

Ўзбекистон Республикаси “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонунида темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланиш чоғида темир йўл транспорти корхоналари билан юк жўнатувчилар, юкни олувчилар, йўловчилар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Темир йўл устави билан ҳам белгиланиши кўзда тутиган.

Юк эгаларини, авваламбор, юк ташишнинг қуйидаги сифат кўрсаткичлари қизиқтиради:

- юкни етказиб бериш тезлиги;
- ташиш ҳужжатлари қанчалик қулай ва содда, тез расмийлаштирилиши;
- ташилаётган юкларни сақлаш кафолатлари;
- тарифлар даражаси.


Ташишга бўлган талаб бозорни доимо ўрганиб бориш, ташиш ҳажмини ошириш учун қулай шароитларни яратиш, уларнинг сифатини ошириш керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддаси Темир йўл транспорти корхоналари, агар жўнатувчи юкларни ташишга нисбатан қўйиладиган талабларга риоя қилса ва ташишга темир йўл томонидан олди олиниши ёки бартараф этилиши мумкин бўлмаган ҳолатлар тўсқинлик қилмаса, юкни тайинланган жойига, белгиланган муддатларда ташиб бериши шарт.


Юк жўнатувчилар ва темир йўл транспорти корхоналари юкларни мунтазам ташишларни амалга ошириш чоғида ташиш ва транспорт экспедициясини ташкил этиш тўғрисида узоқ муддатли шартномалар тузишлари мумкин.

Темир йўл транспортида юкларни ташиш юк жўнатувчиларнинг буюртманомаларига мувофиқ амалга оширилади.

Юкларни ташиш учун буюртманомаларнинг шакллари, буюртмаларни бериш, бажариш ва ҳисобга олиш тартиби, шунингдек, темир йўл транспортида ташиладиган юклар рўйхати давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан белгиланади.



1-расм юк жўнатувчи олиб борадиган дастлабки жараён.



2-расм электрон ҳужжат тўлдириш жараёни.

Юк жўнатувчилар бўйича ташишлар прогнозини бажариш ГУ-1 шаклидаги ҳисоб карточкасида юритилади.

Ҳисоб карточкаси станция ишчилари томонидан бир ёки жўнатувчи талабига кўра икки нусхада ҳар бир жўнатувчи ва прогноз номенклатурасидаги ҳар бир юк бўйича алоҳида юритилади. Карточка икки нусхада тузилганда, уларнинг бири станцияда, иккинчиси эса жўнатувчига тақдим этилади. Ҳисоб карточкаси жўнатувчи ва станция бошлиғи томонидан ҳар бир ҳисобот куни якуни бўйича имзоланади.

Дастурий таъминот Visual studio-2022 мухитининг C# дастурлаш тилида ASP Core.Net дан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган. Маълумотлар базаси сифатида PostgreSQL дан фойдаланилган. Дастурий таъминот Web кўринишда бўлиб, интернет тармоғида фойдаланиш имкон беради.

Талабларни бошқариш жараёнида – аниқлаш, ҳужжатлаштириш, кўриб чиқиш, кузатиш, талаблар устуворлигини аниқлаш, талаблар бўйича келишувга эришиш, кейин эса ўзгаришларни бошқариш ва манфаатдор томонларни хабардор қилиш зарур бўлади. Муаммоларни ҳал қилиш ёки мақсадларга эришиш учун фойдаланувчи томонидан талаб қилинадиган шартлар ёки имкониятлардан фойдаланилади. Мижоз қўйган талаб қўйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак: бирлик – талаб бир ва фақат бир нарсани тасвирлайди; тўлиқлик – талаб бир жойда тўлиқ аниқланган ва барча керакли маълумотлар мавжуд; кетма-кетлик – талаб бошқа талабларга зид эмас ва ҳужжатларга тўлиқ мос келади; атомлик – талабни кичикроқларга бўлиш мумкин эмас; кузатиш имконияти – талаб манфаатдор томонлар томонидан билдирилган ва ҳужжатлаштирилган тарзда бизнес эҳтиёжларига тўлиқ ёки қисман жавоб беради; актуаллига – талаб вақт ўтиши билан эскирмаган; бажарувчанлиги – талаб лойиҳа доирасида амалга оширилиши мумкин; бир маъноли – талаб техник жаргон, қисқартмалар ёки бошқа яширин тилларга мурожаат қилмасдан аниқланади. У субъектив фикрларни эмас, балки объектлар ва фактларни ифодалайди. Битта ва фақат битта талқин қилиш мумкин; мажбурият – талаб манфаатдор шахс томонидан белгиланадиган хусусият бўлиб, унинг йўқлиги ечимнинг пастлигига олиб келади, уни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Ихтиёрий талаб – бу талаб тушунчасига зиддир; текшириш мумкинлиги – талабнинг бажарилишини текшириш мумкин эканлигидир.

Ҳисоб карточкаси ГУ-1 да юк жўнатувчининг барча шартлари дастурий таъминотда ҳисобга олинади.

Ўн кунликда темир йўл ва юк жўнатувчи айби билан ортилмаган вагонлар (контейнерлар) сони ва тонналар миқдорига мос равишда графаларда кўрсатилади, бунда ортилмаган маршрутлар сони маҳражда ифодаланади.

Темир йўл юк жўнатувчининг ёзма илтимосномасига биноан минтақавий темир йўл бўлинмаси раҳбарининг ўн кунлик топшириғида кўзда тутилган миқдордан кўпроқ ҳажмда вагонлар (контейнерлар)ни қўйиб берганда ушбу вагонлар (контейнерлар)нинг тўлиқ сони ҳисоб карточкасининг 4-графасига киритилади.

Қўйиб берилган барча вагонлар (контейнерлар) учун келишилган тариф бўйича тўловлар амалга оширилади.

Юк жўнатувчи томонидан ўн кунлик буюртманома тақдим этилмаганда ёки ўрнатилган муддатдан кеч берилганда, мазкур ўн кунлик учун юк жўнатувчи

айби билан юкланмаганлик прогнози бўйича юк ортишнинг ўртача суткалик меъёридан келиб чиқиб аниқланади.

Юк жўнатувчи томонидан вагон юклашда техник меъёрларнинг бажарилмаганлиги тонналарда ҳисобланган прогноз бўйича юкланмаганлик юк жўнатувчи айби билан бажарилмаган деб ҳисобланади.

Темир йўл томонидан прогнозда кўзда тутилган вагонларга нисбатан техник меъёрларга кўра кўп юк ортиш ҳажми ўрнатилган вагонлар қўйиб берилганда, юklarнинг барча прогнозлаштирилган миқдори юкланган ҳолатда вагонлар ҳисобидаги прогнознинг бажарилмаганлиги учун жарима солинмайди.

Агар юк жўнатувчи техник меъёрлардан ортиқ даражада вагонларни зич юклаши натижасида прогнозда кўзда тутилган вагонлардан камроқ миқдорда фойдаланган бўлса (вагонларда ташиш прогнозлаштирилганда), станциянинг юк ғазначиси ҳар бир кун учун техник меъёрдан ортиқ юкланган тонналар миқдори тўғрисида 7-графага ёзади. Зич юклаш оқибатида бўшаган вагонлар сони ўн кунлик мобайнида техник меъёрлардан ортиқ юкланган юкнинг умумий миқдорини ушбу ўн кунлик учун ҳисобланган битта юкланган вагонга мўлжалланган юклашнинг ўртача техник меъёрига бўлиш йўли орқали аниқланади.

Ўн кунлик якуни бўйича юк жўнатувчи ва темир йўлга жарима қўлланиши Ўзбекистон Республикаси Темир йўл Уставининг талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Қўшимча буюртманомаларга биноан ортиладиган юklar, жумладан, бўш хусусий (ижарага олинган) вагон ва контейнерлар учун алоҳида ҳисоб карточкаси тузилади.

Бунда қўшимча буюртманомалар бўйича ташишлар учун тузилган ҳисоб карточкасида ортиш учун буйруқ рақами кўрсатилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти тўғрисидаги қонун, 1999 йил 1-, 11-, 27-моддалар.
2. Ўзбекистон Республикаси темир йўл Устави 2008 йил. 18-33, 120-121 бандлар Юк ташиш қондаси.
3. Станция тижорий ҳисоботларини юритиш йўриқномаси 2020.
4. Герберт Шилдг, Полный справочник по С#. М.: Издательский дом “Вильяме”, 2004. – С. 752.

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАХИРАЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА ДИНАМИКАСИ

Мунаввара ЮЛДАШЕВА,

*Тошкент давлат транспорт университети “Бухгалтерия ҳисоби” кафедра
доц. в.в.б.*

Ботир ХЎЖАЕВ,

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналиши талабаси БХА-41 гуруҳ талабаси

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp181-184>

Аннотация: Мазкур мақолада янги меъёрий ҳужжатлар асосида темир йўл транспорти корхоналарида ишлаб чиқариш захираларлари ҳисобини ташкил қилиш, унинг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, юк, йўловчи, багаж ва почта ташиш таннархида ишлаб чиқариш захиралари харажатларининг динамикаси, сарфланган маблағларнинг ўзгариши илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада ишлаб чиқариш захираларининг таркибий тузилиши, ташиш таннархида тутган ўрни, уларнинг таъминоти, фаолият турлари, моддий ресурсларни меъёр даражасида сарфлаш чоралари масаласи ҳам ёритилган.

Калит сўзлар: ишлаб чиқариш захиралари, ишлаб чиқариш захиралари таркиби ва динамикаси, ишлаб чиқариш захиралари харажатлари, ташиш таннари.

Темир йўл транспорти корхоналари фаолияти натижаларига баҳо беришда ишлаб чиқариш захираларнинг иқтисодий мазмуни бўйича гуруҳлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг таркиби сарфланган моддий ресурслар тўғрисида маълумот беради. Темир йўл транспортида юк, йўловчи ва багаж ташишда қуйидаги ишлаб чиқариш захиралари сарфланади: хомашё ва материаллар, бутловчи қисмлар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, идиш ва идиш материаллари, инвентар ва хўжалик анжомлари ва бошқа материаллар. Темир йўл транспорти фаолиятида ишлаб чиқариш захиралари ҳисобининг ўзига хос хусусияти улар таъминотининг марказлашган тартибда амалга оширилишида, харажатлар номенклатурасида темир йўл транспортининг тармоқ корхоналари ташиш жараёнида, сарфлайдиган материалларнинг таркиби берилганлигида ўз аксини топади.

Ишлаб чиқариш захиралари харажатлари темир йўл транспортида ташиш таннархига, таннарх эса корхонанинг даромадига таъсир қилади. Шу сабабли уларни тўғри ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда бевосита моддий бойликлар билан корхонанинг таъминланганлик даражасига, улардан самарали фойдаланишнинг ҳолатига, маҳсулот ҳажмини ўстиришда бойликларни тўғри бошқаришнинг аҳамиятига, моддий ресурсларни тежаш юзасидан ички имкониятларни белгилаш ва йўлга қўйишга муҳим аҳамият берилади.

Бухгалтерия ҳисобининг ахборотлари материалларидан рационал фойдаланиш, харажат нормаларини камайтириш, материалларини оқилona

сақлаш ва уларнинг бутлигини таъминлаш йўли билан маҳсулот таннархини камайтиришга ундаши керак.

Ишлаб чиқариш захиралари харажатлари темир йўл транспорти асосий фаолияти харажатларида сезиларли салмоққа эга. Ишлаб чиқариш захиралари таркиби ва динамикаси таҳлили “Ўзтемирйўлийўловчи” ВЧД-2 филиали корхонаси мисолида ёритилган.

4-жадвал. ВЧД-2 филиалида ишлаб чиқариш захиралар таркиби ва динамикаси таҳлили (минг. сўм):

Кўрсаткичлар	2018-йил	2019-йил	2020-йил	Мутлақ ўзгариши	
				2020-йилда 2018-йилга нисбатан	2020-йилда 2019-йилга нисбатан
1. Қурилиш материаллари	312 251	167 788	214 469	-97 782	46 681
2. Хомашё ва материаллар	1 231 445	1 498 726	1 565 828	334 383	67 102
3. Ёқилғи	726 916	352 764	912 587	185 671	559 823
4. Бошқа материаллар	15 230 961	33 760 092	22 431 704	7 200 743	-11 328 388
Шу жумладан: Махсус кийимлар	191 512	383 086	234 830	43 318	-148 256
Бошқа томонга қайта ишлашга берилган материаллар	2 950 170	26 704 338	9 515 557	6 565 387	-17 188 781
Жами:	1 7501 573	35 779 371	25 124 588	7 623 015	-10 654 783

Темир йўл транспортида “ВЧД-2 филиали” тармоғи алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ушбу хўжалик субъект фаолиятининг асосий мақсади йўловчи вагонларни қатновга тайёрлаш ва йўловчиларга хизмат қилиш, йўловчи вагонларга техник хизмат кўрсатиш. Жадвал маълумотларига кўра, корхонада, асосан, қурилиш материаллари, хомашё ва материаллар, ёқилғи, махсус кийимлар ва бошқа томонга қайта ишлашга берилган материаллар сарф қилинган. Ушбу ишлаб чиқариш захиралари таркибида энг кўп сарфланган захиралардир. Қурилиш материаллари сарфи 2020-йилда 2018-йилга нисбатан 97 782 минг сўмга кам сарфланган бўлса, 2020-йилда 2019-йилга нисбатан 46681 минг сўмга кўп сарфланган. Бу корхонада таъмирлаш ишлари ҳажмининг 2020-йилда 2019-йилга нисбатан кўп режалаштирилганлиги сабаб бўлган. Корхонада ёқилғи сарфи йилдан-йилга ошган. Йўловчи ташиш жараёнига, маълумки, ёқилғи сарфи асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Махсус кийимлар сарфи 2020-йилда 2019-йилга нисбатан 148 256 минг сўмга камайган, бунга сабаб махсус кийимлар белгиланган муддатда ишчи ходимларга берилишидир. Моддий захиралар сарфи жамига нисбатан 2020-йилда 2019-йилга нисбатан 10 654 783 минг сўмга кам сарфлангани кузатилган, бу камайиш, асосан, бошқа томонга қайта ишлашга берилган материаллар ҳисобига бўлган. Бу кўрсаткич салбий ҳисобланмайди, чунки

корхонада бошқа томонга қайта ишлашга беришга эҳтиёж бўлмаган. ВЧД-2 филиалининг моддий ресурс харажатлари фақат йўловчи ташув таннархига олиб борилади. Шу нуқтаи назардан, йўловчи ташишдан олинган даромадлар йўловчи ташиш харажатларини қопламаганлиги боис айнан материал харажатларини камайтириш мақсадга мувофиқ.

Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган материаллар, ёқилғи, инвентар, асбоблар ва бошқа моддий бойликларни сотиб олиш вақтида моддий захиралар биринчи босқичда пул шаклида айланишни бошлайди. Иккинчи босқичда улар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этади ва унинг якунида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қийматига қўшилади. Ишлаб чиқариш жараёнининг учинчи босқичида маҳсулот сотилади, моддий захиралар яна пул қўринишида намоён бўлади. Бу ҳолда моддий захиралар корхонанинг фойда олишида иштирок этади. Шу боис ишлаб чиқариш захираларининг айланувчанлигини ошириш чораларини ишлаб чиқиш керак.

Корхонада моддий захиралар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Корхонада энг кўп ишлатиладиган материаллар махсус кийимлар, дизел ёқилғилари, ҳужжатлаштиришда ишлатиладиган турли хил бланк кабилар. Агар ушбу хил моддий захиралар ўз вақтида таъминланмаса, ишнинг тўхташига, бу эса даромад, фойда, кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабаб корхонада ўтган йил ишлатилган моддий захиралари миқдорига кўра корхона ишлаб чиқариш бўлимлари омборларини моддий захиралар билан таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Кераксиз, ортиқча моддий захиралар ҳам корхонанинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Демак, корхона иқтисодчилари томонидан моддий захираларнинг маълум даврга мўлжалланган меъёри ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Моддий захираларни меъёрлашда уларга бўлган талаб аниқланади. Улар моддий захираларнинг меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади. Моддий захиралар ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичининг бирлигига материаллар, ёқилғи захиралари ва бошқа турдаги материалларга тўғри келувчи минимал эҳтиёж ҳажмидир. Моддий захиралардан самарали фойдаланиш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ўртача харажатлари ёки таннархлари пасаяди. Бунинг натижасида ташишдан соф фойда ортади.

Корхона ўз ишлаб чиқаришининг бир меъёрда самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган бизнес режаларига асосланган ҳолда моддий захиралар билан таъминлашга алоҳида эътибор берадилар. Моддий захиралар йўқлиги ёки ўз вақтида олиб келинмаганлиги сабабли корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти туриб қолиши мумкин.

Бу соҳада ташиш таннархида ишлаб чиқариш захиралари харажатларини меъёридан оширмаслик учун қуйидаги масалаларга алоҳида аҳамият қаратиш лозим:

- маҳсулот таннархини ҳисоблашда сарфланган материалларни калькуляция объектлари ўртасида тўғри тақсимлаш;
- моддий ресурслар таъминот режасининг бажарилишига баҳо бериш;
- ресурслар ва улар бўйича нормативларни ишлаб чиқиш;

- моддий ресурслар ва улардан самарали фойдаланишнинг даражасига баҳо бериш;
- моддий айланма маблағлар, моддий ресурслар айланишини ўрганиш;
- муҳим самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришини омилли таҳлил этиш;
- маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи моддий бойликлари билан боғлиқ бўлган омилларни ўрганиш;
- ишлаб чиқариш харажатлари таркибида моддий бойликларининг салмоқ кўрсаткичларини ўрганиш кабилар киради.

Ишлаб чиқариш заҳираларининг таркиби бўйича ўрганиш корхона бажарилган иш ва хизматлар учун қандай материал турлари сарфлаганлиги тўғрисида маълумот беради. Сўнгги йилларда моддий ресурсларнинг таркибий ўзгаришига юк ва йўловчи ташувлари ҳажми, ишлар ҳажми, нарх-навонинг ўзгариши ва қатор омилларнинг барқарорлиги таъсир этмоқда.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида темир йўл транспорти корхоналари ҳам эркин рақобатда иштирок эта бошлади. Буларнинг барчаси темир йўл транспорти корхоналарида бозор муносабатлари чуқурлашаётган шароитда ишлаб чиқариш заҳиралари харажатлари ҳисобини такомиллаштиришни талаб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуни 766–1-сон, 15.04.1999-йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.11.2002 даги 378-сонли “Ўзбекистон темир йўллари ДАТК бошқарув тизимини бундан кейинги такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун. – Т.: 2016 й. 13.04.
4. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари, 2018-йил.
5. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, 2018-йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.1999 даги 54-сонли Қарорига илова “Маҳсулот иш, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом.
7. Ф.Ф. Ғуломова Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганувчилар учун қўлланма. – Т.: “NORMA” нашриёти 2018 й. 1-2 қисм.
8. В.А. Хасанов, А.А. Хашимов. Boshqaruv hisobi. Darslik. – Т.: “Cho‘lpon”, 2013.
9. Красов А.П. Бухгалтерский финансовый учет на железнодорожном транспорте. Учебник – М.: «Транспортная книга», 2008.
10. А. Каримов, Ф. Исломов, А. Авлоқулов. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: Шарқ 2010.
11. Ш.Т. Эргашева “Бухгалтерский учёт”. Учебная пособия. – Т.: “Iqtisod-Moliya” 2010.
12. Е.А. Федоров Управленческий учёт на предприятиях железнодорожного транспорта. Учебная пособия. Москва 2008 г.

ҲАРБИЙ СОҲАДА ВАҚТ ҚАТОРИНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА БАШОРАТЛАШ МОДЕЛИ

Шерзод ЮЛДАШЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ўқитувчиси

E-mail: yuldashev-1405@mail.ru

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp185-191>

Аннотация: Мазкур ишда урушни башоратлашнинг молиявий вақт қатори интеллектуал таҳлил қилиш мисолида кўриб чиқилган бўлиб, иқтисодий секторни ривожлантириш ва даромад олиш мақсадида маблағни инвестициялаш ғояси келажакдаги мувафаққиятларни башорат қилиш ғоясига асосланади.

Калит сўз: *Data Mining, IBM Planning Analytics, Statgraphics, Stadia, Deskera ERP, SageIntacct, NetSuite, Multiview, Adaptive Insights.*

Ҳозирги вақтда ҳарбий ҳодисаларнинг ҳаддан ташқари мураккаблиги ва кўп режага асосланганлиги уруш жараёнининг олдиндан тахмин қилинишини қийинлаштиради, бу эса ўз ўрнида масаланинг аҳамиятини ва илмий-амалий жиҳатини оширади. Ушбу муҳим ҳарбий ва фалсафий муаммоларнинг янги қирраларини асослайдиган, асосан, кенг миқёсли воситалар асосида ривожланаётган ҳарбий ишларда тадқиқотларни башоратлаш муаммоларини фаол равишда ривожлантириш жараёни давом этмоқда.

Мазкур ишда урушни башоратлашнинг молиявий вақт қатори интеллектуал таҳлил қилиш мисолида кўриб чиқилган бўлиб, башоратлаш вазифаси долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда ва башорат қилиш ҳар қандай инвестицион фаолиятнинг ажралмас элементи бўлганлиги сабабли иқтисодий секторни ривожлантириш ва даромад олиш мақсадида маблағни инвестициялаш ғояси келажакдаги мувафаққиятларни башорат қилиш ғоясига асосланади. Молиявий вақт қаторларини башоратлаш вазифасини ҳал қилиш учун маълумотларни интеллектуал таҳлил қилишнинг (Data Mining) турли усулларини амалиётда қўллаш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда [1].

Шу билан бирга, молиявий вақт қаторларини башоратлаш учун Data Mining усулларини татбиқ қилиш ушбу вақт қаторларининг ностационарлик муаммосига дуч келади. Молиявий динамик ривожланиш моделлари доимо ўзгариб туриши ва бу ўзгаришлар жуда тез содир бўлиши мумкинлигидан дарак беради. Натижада, тўпланиб бораётган маълумотларга кўра, шакллантирилган ўқув танланма башоратлаш тизимларидан фойдаланишда муваффақият ёки муваффақиятсиз, асосан, келгусидаги вақт қаторларининг серияли динамикаси ўқув танланмадаги динамикага мос келадими ёки йўқлигига боғлиқ.

Бироқ бу турдаги усулларда кўп учрайдиган хатолик бу кечикишдир: ўқув танланма тизимининг ишлаш механизмини ўзида акс эттирган ҳолда вақт қаторининг янги динамикасини, янги маълумотларнинг етарли миқдорда тўпланиши учун белгиланган вақт қисқа бўлганлиги сабабли ё ишни тўхтатиш, ё ёлғон башорат билан яқунлашга тўғри келади. Шундай қилиб, башорат қилиш

тизимининг мавжуд вазиятга тегишли ёки йўқлигини аниқлаш муаммоси пайдо бўлади.

Бу муаммони ҳал қилиш учун реляцион ёндашувдан фойдаланиш орқали тизимли билим ҳосил қилинади[1,3]. Бизнинг ёндашувга унинг бир қисми сифатида қаралиб, ишлаб чиқилган молиявий вақт қатори, башоратлаш технологияси ,жорий вазият учун қилинган башорат тегишли ёки йўқлигини текширувчи механизмдан фойдаланади. Мазкур технология параллел икки вазифани амалга оширади:

– белгиланган ёки ўқитилган интервал асосида башорат қилинаётган қийматлар қаторини аниқловчи қонуниятни топади;

– юқори эҳтимоллик билан келгусида мазкур қонуниятни барқарор ёки бузилаётганлигини назорат қилиб боришдан иборат. Бунда ўқитилган интервал асосида жорий вазиятга нисбатан навбатдаги воқеликни башорат қилувчи қоидадир.

Бугунги кунда турли соҳаларда башоратлаш учун мўлжалланган кўплаб дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилган ва уларни янада такомиллаштириш учун турли ёндашувлар амалга оширилмоқда. Масалан, IBM Planning Analytics, Statistica, Excel, Statgraphics, Stadia, GARCH, ARIMA, Deskera ERP, SageIntacct, NetSuite, Multiview, Adaptive Insights, Budget Maestro ва ҳ.к.лар каби оммавийлашган дастурларини ўз ичига олган энг кучли дастурларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган хорижий валюталарнинг алмашинув курслари бинар ҳодиса сифатида қаралиб, икки хил натижага эга бўлади: ўсиш ёки пасайиш [2]. Ушбу ҳисобот доирасида валюта курси иқтисодиётнинг умумий ҳолатини акс эттириш ва унинг ривожланиш истиқболларини акс эттириши, шунингдек, фонд индексларини акс эттириши назарда тутилган. Айрибошлаш курси ва фонд индекси даражасининг ўзгариши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади.

Мақоланинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган валюта курсларининг ҳаракатини тахминий математик статистика усулининг қўлланилиши ёрдамида башорат қилишдан иборат, бу кўрсаткич фонд индекслари даражасининг ўзгаришига ва белгиланган вақт интервалга нисбатан ўртача курс бўйича ўзгаришларга асосланиб, сотиш устуни орқали амалга оширилади ва бу 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал.2017-йил саккиз ойлик АҚШ доллари курсининг динамикаси

Код		Исм	Сана Ой/йил	МБ курси	Сотиш	Сотиб олиш
рақам	рамзи					
840	USD	1 U.S. Dollar	01/17	3248,13	3312,26	3303,26
840	USD	1 U.S. Dollar	02/17	3311,34	3376,82	3364,11
840	USD	1 U.S. Dollar	03/17	3489,19	3558,23	3549,23
840	USD	1 U.S. Dollar	04/17	3656,38	3728,93	3694,30
840	USD	1 U.S. Dollar	05/17	3785,05	3859,81	3821,29
840	USD	1 U.S. Dollar	06/17	3900,87	3977,93	3938,57
840	USD	1 U.S. Dollar	07/17	3978,15	4056,60	4016,60
840	USD	1 U.S. Dollar	08/17	4103,79	4184,65	4143,05

$y(t), t = \overline{1, T}$ вақт қаторини олдиндан башоратлаш учун p фойдаланадиган $\Lambda_1, \Lambda_2, \dots, \Lambda_p$ таянч алгоритмлари берилган бўлсин. t вақт моментиди $\Lambda_i(t)$ башоратлаш рухсат этилган $[1, \dots, t-1]$ интервалда мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиб, Λ_i алгоритмига кўра ҳисобланади. $a(t)$ алгоритмини таянч алгоритмларнинг чизиқли комбинацияси сифатида ифодалаймиз:

$$a(t) = \sum_{i=1}^p \xi_{it} \Lambda_i(t), \quad \sum_{i=1}^p \xi_{it} = 1, \quad t = \overline{1, T}. \quad (1)$$

t моментда башорат қилиш учун ишлатиладиган ξ_{it} алгоритмларининг вазнлари белгиланган $[1, \dots, t-1]$ интервалга асосланиб ҳисобланади. Башоратлашдан олдин ҳар бир вақт бирлигининг ўзида алгоритмлар вазнларини янгиланиб турадиган бўлса, биз алгоритмик композиция деб номлаган (1) динамик равишда мослашувчан деб атаймиз. Тизим сериянинг энг долзарб сегментлари учун энг яхши моделларни танлайди.

Тизим серияларининг энг фаол сегментлари учун энг яхши моделларни қуйидаги шарт асосида танланиши амалга оширилади:

$$\xi_{it} = \begin{cases} 1, & i = a(t) \geq 0,95, \\ 0, & i \neq a(t) < 0,95. \end{cases} \quad (2)$$

$$F(\Lambda_1, \Lambda_2, \dots, \Lambda_p) = \begin{cases} \max_{1 \leq x \leq t-1} U_{\xi_{it}=1} \Lambda_t \rightarrow opt, \Lambda_t \in a(t), \\ \xi_{it} > 0. \end{cases} \quad (3)$$

ξ_{it} -коэффициентлари асосида $\Lambda_1, \Lambda_2, \dots, \Lambda_p$ алгоритмлар вазнларига нисбатан қайта тартибланади: $\Lambda_1 \geq \Lambda_2 \geq \dots \geq \Lambda_p$.

1-усул. Энг кичик квадратлар усули ёрдамида изланаётган тўғри чизиқнинг Y ўқи билан кесишиш нуқтаси ва X ўқи билан ҳосил қилган бурчак тангенсини учун қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисоблаб топилади [3-4]:

$$b_1 = \frac{n \sum_{i=1}^n X_i Y_i - (\sum_{i=1}^n X_i)(\sum_{i=1}^n Y_i)}{n \sum_{i=1}^n X_i^2 - (\sum_{i=1}^n X_i)^2}; \quad (4)$$

$$b_0 = \frac{\sum_{i=1}^n Y_i}{n} - b_1 \frac{\sum_{i=1}^n X_i}{n}; \quad (5)$$

бунда n – танланма ҳажми; X_i – i -чи қадамдаги кузатиш; Y_i – i – чи қадамдаги кузатишнинг қиймати.

Шундай қилиб, регрессия тўғри чизиқ тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\tilde{Y} = b_0 + b_1 X \quad (6)$$

$$\text{Ишонччилик коэффициенти эса } R^2 = 1 - \frac{\sum_{i=1}^n (Y_i - \tilde{Y}_i)^2}{\sum_{i=1}^n (Y_i - \bar{Y})^2} \quad (7)$$

формула билан ҳисобланади. Бу ерда, Y_i – i -чи қадамдаги кузатишнинг қиймати; $\tilde{Y}$ – i -чи қадамдаги (7) тенгламанинг қабул қиладиган қиймати; $\bar{Y}$ – Y кузатишларнинг ўртача қиймати, яъни $\bar{Y} = \frac{\sum_{i=1}^n Y_i}{n}$ (8).

1-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланиб, 2-жадвал тўлдирилади

2-жадвал

i	X_i	Y_i	$X_i Y_i$	X_i^2
1	1	3312,26	3312,26	1
2	2	3376,82	6753,64	4
3	3	3558,23	10674,69	9
4	4	3728,93	14915,72	16
5	5	3859,81	19299,05	25
6	6	3977,93	23867,58	36
7	7	4056,60	28396,2	49
8	8	4184,65	33477,2	64
Σ	36	30055,23	140696,34	204

2-жадвалдаги маълумотларни ва $n = 8$ (кузатувлар сони ёки танланма ҳажми)ни (4), (5) формулага қўйилиб, қуйидаги қийматлар олинади:

$$b_0 = 3173,2105; b_1 = 129,7096;$$

Топилган коэффицентларни (3) га қўйиб, қуйидаги ифодага эга бўламиз, $\tilde{Y} = b_0 + b_1 X = 3173,2105 + 129,7096X$. Регрессия тўғри чизиқ тенгламасига $X = 9$ қиймати қўйилади ва $\tilde{Y} = 4340,5969$ сони ҳосил қилинади. Демак, энг кичик квадратлар усули натижасига кўра кейинги ойда ўртача 4340,5969 минг сўм миқдорида долларнинг нисбий қийматини Ўзбекистон сўмига нисбатан нисбий кўрсаткичини башорат қилиш имконияти вужудга келади.

Бу башоратнинг амалга ошиш эҳтимоллигини эса (6) формуладан фойдаланиб аниқлаймиз. Бунинг учун бизга 3-жадвал маълумотлари керак бўлади ва уни тўлдириб оламиз. (7) дан фойдаланиб, $\bar{Y} = 3756,9037$ эканлиги маълум бўлади.

3-жадвал

i	Y_i	$\tilde{Y}$	$(Y_i - \tilde{Y})^2$	$(Y_i - \bar{Y})^2$
1	3312,26	3302,9201	87,2337	197708,0199
2	3376,82	3432,6297	3114,7226	144463,6190
3	3558,23	3562,3393	16,8863	39471,2391
4	3728,93	3692,0489	1360,2155	782,5279
5	3859,81	3821,7585	1447,9167	10589,7066
6	3977,93	3951,4681	700,2322	48852,6253
7	4056,60	4081,1777	604,0633	89817,8722
8	4184,65	4210,8873	688,3959	182966,8972
Σ			8019,6662	714652,5072

Жадвалдаги маълумотларга кўра, (6) бўйича қуйидаги натижани оламиз: $R^2 = 0,9888$. Топилган қийматни фоизга ўгирсак, демак, кейинги ойда ўртача (сентябр, 2017) 4340,5969 минг сўм миқдорида долларнинг нисбий қийматини Ўзбекистон сўмига нисбатан нисбий кўрсаткичини 98,88 % да амалга ошишини башорат қилинди.

2-усул. Чизиқли бўлмаган параболик регрессия усулида изланаётган чизиқнинг тенгламаси қуйидаги формула ёрдамида ифодаланади [3-5]: $\tilde{Y} = b_0 + b_1 X + b_2 X^2$ (8) формуладаги коэффицентлар қуйидаги чизиқли тенгламалар системасини ечиш орқали аниқланади:

$$\begin{cases} b_0 \cdot n + b_1 \cdot \sum_{i=1}^n X_i + b_2 \cdot \sum_{i=1}^n X_i^2 = \sum_{i=1}^n Y_i \\ b_0 \cdot \sum_{i=1}^n X_i + b_1 \cdot \sum_{i=1}^n X_i^2 + b_2 \cdot \sum_{i=1}^n X_i^3 = \sum_{i=1}^n X_i \cdot Y_i \\ b_0 \cdot \sum_{i=1}^n X_i^2 + b_1 \cdot \sum_{i=1}^n X_i^3 + b_2 \cdot \sum_{i=1}^n X_i^4 = \sum_{i=1}^n X_i^2 \cdot Y_i \end{cases} \quad (9)$$

Чизиқли бўлмаган параболик регрессия тенгламасининг
коэффициентларини топиш учун 1-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланган
ҳолда куйидаги
4-жадвалга эга бўлинди.

4-жадвал

i	X_i	Y_i	$X_i Y_i$	X_i^2	$X_i^2 Y_i$	X_i^3	X_i^4
1	1	3312,26	3312,26	1	3312,26	1	1
2	2	3376,82	6753,64	4	13507,28	8	16
3	3	3558,23	10674,69	9	32024,07	27	81
4	4	3728,93	14915,72	16	59662,88	64	256
5	5	3859,81	19299,05	25	96495,25	125	625
6	6	3977,93	23867,58	36	143205,48	216	1296
7	7	4056,60	28396,2	49	198773,40	343	2401
8	8	4184,65	33477,2	64	267817,60	512	4096
Σ	36	30055,23	140696,34	204	814798,22	1296	8772


Олинган коэффициентларни (9) га қўйилади ва ҳосил бўлган тенгламалар системасини Крамер усулидан фойдаланган ҳолда ҳисобланиб, куйидаги натижаларга эришилади: $b_0 = 3136,0327$; $b_1 = 164,0163$; $b_2 = -3,8118$. Топилган коэффициентлар (8) тенгламага кўра, куйидаги ифода кўринишига келади: $\tilde{Y} = 3136,0327 + 164,0163X - 3,8118X^2$. (6) ёрдамида ишончлилик коэффициенти аниқланади ва унинг қийматлари куйидаги 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

i	Y_i	$\tilde{Y}$	$(Y_i - \tilde{Y})^2$	$(Y_i - \bar{Y})^2$
1	3312,26	3276,2372	1297,6421	197708,0199
2	3376,82	3428,8181	2703,8024	144463,6190
3	3558,23	3573,7754	241,6595	39471,2391
4	3728,93	3711,1091	317,5845	782,5279
5	3859,81	3840,8192	360,6505	10589,7066
6	3977,93	3962,9057	225,7296	48852,6253
7	4056,60	4077,3686	431,3347	89817,8722
8	4184,65	4184,2079	0,1955	182966,8972
Σ			5578,5987	714652,5072

$$R^2 = 0,9922$$

Параболик регрессия тенгласига $X = 9$ қиймат қўйилиб, $\tilde{Y} = 4283,4236$ натижага эришилади. Демак, кейинги ойда ўртача (сентябр, 2017) 4283,4236 минг сўм миқдорида долларнинг Ўзбекистон сўмига нисбатан қийматини башорат қилинди. Бу башоратнинг амалга ошиши эҳтимоллиги 99,22 % бўлиши мумкинлиги аниқланади. Таҳлилий натижалар чизиқли ва чизиқли бўлмаган параболик регрессия усуллари ҳамда ишончлилик коэффиценти қуйидаги 1-расмда келтирилган:



1-расм. Таҳлилий натижалар.

Тренд моделлари асосида иккала усул орасида ҳам ўзаро боғлиқлик қонуниятларини ҳам айтиш мумкин:

6-жадвал

Модел номи	Тенглама кўриниши	Ишончлилик коэффиценти (%)	Кейинги санадаги кутилатган башорат натижаси (минг.сўм)
Тўғри чизиқли регрессия	$\tilde{Y} = 3173,2105 + 129,7096X$	98,88	4340,5969
Чизиқли бўлмаган параболик регрессия	$\tilde{Y} = 3136,0327 + 164,0163X - 3,8118X^2$	99,22	4283,4236

Топилган натижалардан кўриниб турибдики, тўғри чизиқли регрессия усулдан кўра чизиқли параболик регрессия усулида ишончлилик коэффиценти юқори самара бермоқда. Биринчи расмда ҳосил қилинган тенгламалар графикларини солиштирадиган бўлсак, иккинчи график биринчи

жадвалда берилган миқдорларга мос қийматларнинг кўпроқ қисмини ўзида мужассамлаштирган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Kovalerchuk B., Vityaev E. Data Mining in Finance: Advances in Relation and Hybrid methods. –Kluwer Academic Publishers, 2000. – P. 308.
2. <https://xb.uz/uz/interactive/rates/2018-04-03>.
3. Беркинов Х., Беркинова А., Султонов Б., Холдоров Х. Иқтисодий масалаларда корреляцион-регрессион таҳлил моделлари татбиқи. // Ўқувуслбий қўлланма. Тошкент. «IQTISOD-MOLIYA». 2008. – Б. 108.
4. Воронцов К.В. Оптимизационные методы линейной и монотонной коррекции в алгебраическом подходе к проблеме распознавания // ЖВМ и МФ. – 2000. – Т.: 40, № 1. – С. 166–176.
5. Насритдинов Г. Эконометрика.1. // Ўқув қўлланма. «IQTISOD-MOLIYA». 2008. – Б. 252.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРАНСПОРТ ТИЗИМЛАРИНИ МАҲАЛЛИЙ ШАРОИТДА ҚўЛЛАШНИНГ СИНЕРГЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Сарварбек ЮСУПОВ,

(PhD) таянч докторант, Тошкент давлат техника университети,
Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: sarvarbek.83@mail.ru

Жамшид ИНОЯТХОДЖАЕВ,

т.ф.д., профессор, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети,
Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: info@polito.uz

Баҳодиржон АСҚАРОВ,

ф.-м.ф.н., доцент, Андижон машинасозлик институти,
Андижон, Ўзбекистон

E-mail: info@andmiedu.uz

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp191-195>

Аннотация: Ушбу мақолада интеллектуал транспорт тизимларини маҳаллий шароитда қўллашнинг синергетика принциплари асосида янгича ёндашуви баён этилган. Автомобиль ва инфратузилмадан иборат мураккаб тизимни бошқариш учун зарур тартиб ва мослашувчан параметрлар орқали интеллектуал транспорт тизимларидан фойдаланиб, автомобиллар ҳаракатини тартибга солишда юқори энергия-ресурс тежамкорлигини ва минимал зарарларни таъминлаш усуллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: синергетика, интеллектуал транспорт тизими, фрактал ўлчов, тартиб параметри, мослашувчан параметри.

КИРИШ

Транспорт самарадорлигини ошириш ва хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири соҳада транспорт интеллектуал тизимларини шакллантириш ва интеллектуал технологияларни жорий этиш билан боғлиқдир.

Ҳаракатни бошқариш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, шунингдек, йўл ҳаракати қатнашчилари ва транспорт жараёнининг потенциал субъектлари учун ахборот хизматларини кўрсатишнинг қуйи тизимларини ягона техник ва технологик комплексга бирлаштирган бундай агрегат тизими бугунги кунда “Интеллектуал транспорт тизими” деб номланмоқда.

Интеллектуал транспорт тизимлари (ИТТ) ва интеллектуал технологиялар (ИТ) – бу нафақат транспорт соҳасида ишлайдиган автоматлаштирилган бошқарув тизимлари томонидан амалга ошириладиган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилишни автоматлаштириш, шунингдек, мавжуд вазиятни ҳисобга олган ҳолда жараёни моделлаштиришга ва “инсон омили”ни минималлаштиришга, аниқ бошқарув қарорларини таклиф қилишга (ёки қабул қилишга) имкон берадиган махсус услубий таъминотга асосланган [1].

ИТТнинг операцион вазифаси – барча транспорт субъектларининг мослашиш тамойиллари бўйича реал вақтда автоматлаштириш, автоматик ўзаро таъсирини амалга ошириш ва қўллаб-қувватлашдир (1-расм).



1-расм. Интеллектуал транспорт тизимидаги ахборот оқимларининг бошқарув йўналишлари


Асосий қисм. ИТТга эҳтиёж автомобиль йўлларида тирбандликнинг кўпайиб бориши ва ахборот технологиялари ҳамда алоқа тармоқларининг мураккаблиги ва улар синергетик боғланмаганлиги туфайли юзага келадиган қийинчиликлар билан белгиланади. Синергетика принциплари ва қонунлари универсал бўлиб, нафақат аниқ фанлар, балки техника ва бошқа барча фан соҳаларида ҳам аҳамиятга эга бўлиб, унинг қўлланилиш соҳалари кенгайиб бормоқда. Синергетика илгари сураётган усуллар мураккаб тизимлардаги тартиб ва тартибсизликнинг ўзаро нисбатини аниқлаш имконини беради. Масалан, йўллардаги транспорт қатнов оқимлари интенсивлигининг ўзгариши ҳаракат хавфсизлигига таъсир кўрсатади. Интенсивликнинг критик қийматларида йўллардаги тирбандликлар ва авариялар каби ҳалокатли ҳолатларнинг юзага келишини синергетика кўрсатади. Шунингдек, уларни ҳисоблаб топиш моделларини ва назарияларини таклиф қилади. Синергетика

транспорт тизимларининг муаммоларини ҳал қилиш учун ИТТ орқали маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, мавжуд технологияларни мослаштиради [2-3].

ИТТга хос бўлган муаммоларни ҳал этишда синергетика муҳим аҳамият касб этади. ИТТни кенг жорий этишда автотранспорт воситаларининг замонавий электрон қурилмаларига эга эканлиги муҳимдир. У ўз ичига автомобилсозлик ва электроника соҳаларини қамраб олиб, керакли инфратузилма ва ресурсларни ҳам талаб этади. Замонавий рақамли техника ва технологиялар транспорт тизимларини бошқаришда муҳим бўлган электрон бошқарув блок (ЭББ)лардан иборат. Бундай ЭББлар меҳатроника принципларига асосан транспорт тизимларида реал вазиятда содир бўлаётган жараёнлар ҳақидаги бошқарувчи ёки кирувчи параметрларни турли масштабда қабул қилиш, тизимнинг алгоритмидаги эталон параметрлар билан қиёслаш ва чиқувчи параметрларни ҳосил қилиш орқали ушбу тизимга қўйилган функционал вазифаларни бажаради [4].

2-расмда ИТТнинг иерархик структураси акс эттирилган бўлиб, ушбу тизимда вақт бўйича ўзгаришларни қайд этувчи ва сақловчи қурилмалар интеллектуал транспорт тизимларининг қўйи босқичини ташкил этади ва уларнинг асосий қисми катта ҳажмдаги ахборот (Big DATA)ни сақловчи электрон хотира мажмуаларидан ташкил топади [5-6]. ИТТ нинг иерархик структурасининг иккинчи босқичини эксперт тизимлар ташкил этади. Бугунги кунда бундай эксперт тизимлар сунъий интеллект концепцияси асосида шакллантирилмоқда. Ушбу босқичда қўйи босқичдан бирламчи маълумотлар олинадилар ва қайта ишланадилар. Қайта ишлаш алгоритмлари билимлар базаси ва автоматизациялаштирилган сунъий интеллектнинг дастурий таъминоти асосида реал вақт режимида қарор қабул қилиш вазифасини амалга оширади. Мазкур мақоланинг асосий ишланмаси синергетика принциплари асосида мураккаб тизимнинг тартиб параметрини аниқлаш ва унинг ёрдамида қарор қабул қилиш жараёнини амалга оширишдан иборат. Сўнгги учинчи босқичда қарор қабул қилишда бевосита инсон иштирок таъминланади. Автотранспорт ҳайдовчиси интеллектуал транспорт тизими таклиф қилаётган қарорни қулай, тезкор ва ишончли тарзда қабул қилиш воситалари билан жиҳозланган. Бундай жиҳозлар жойланиши нуқтаи назардан ҳам қулай шаклда бўлиши талаб этилади. Ҳусусан, ҳайдовчи учун зарур маълумотлар ҳам бугунги кунда кенг қўлланилаётган автомобиль электроникаси ёрдамида унга етказилади. Синергетик концепция ушбу уч босқичнинг ўзаро алоқада ишлашини таъминлашга қаратилган.

ИТТ нозичиқли, бир-бири билан таъсрлашувчи кўп қисмдан иборат бўлган мураккаб тизимларда бўладиган жараёнларни ўрганиш имконини беради. Демак, синергетика ўрганилаётган объект кўп қисмлардан иборат бўлишлигини ва улар ўртасида мавжуд ўзаро нозичиқлик боғланиш туфайли қисмларни ўзаро интеллектуал транспорт тизимларининг уйғунлиқдаги фаолиятини таъминлайдиган қонунларни ўз ичига олади.



2-расм. ИТТнинг иеархик структураси.

Синергетик хусусиятда мураккаб тизимга таъсир этувчи омиллар кўп бўлишига қарамасдан унинг тартиб параметрини топишга ёрдам беради. Масалан, йўлнинг конфигурациясидан келиб чиқиб, аниқланган фрактал ўлчов α (1,2; 1,5; 1,7) 1 дан катта 2 дан кичик бўлиши моделни бошқариш учун битта тартиб параметри етарли эканлигидан далолат беради [7]. Фрактал ўлчовнинг каср қисми тасодифий жараёнларнинг мавжуд эканлигини кўрсатади. Агар α нинг кичик қиймати бўйича танланган йўналишда автомобиль ҳаракати йўл ўлчами билан боғлиқ бўлганлиги учун бу йўналишдан бир неча бор ҳаракатланишда моделга киритилган йўлнинг қиймати ўзгармайди. Агар моделга тезлик параметри киритилиб, турли тезликларда, турли тўхташлар билан ҳаракатланганда ёнилғи сарфига таъсир кўрсатиши маълум бўлади. Белгиланган йўналишларда автомобилнинг тўхташлар сони бошқарилаётган автомобилга, йўлдаги транспорт оқими ва бошқа омилларга боғлиқ. Биз буларни ўзгартира олмаймиз, чунки ташқи муҳитда ва инфратузилмада автомобилларнинг ҳаракатланиши учун етарли шарт-шароитлар таъминланган. Биз бошқараётган автомобиль ҳаракатланиш жараёнида ушбу муҳитга тезда мослашиши керак деб ҳисоблаймиз. Автомобиль йўлларда инфратузилма билан ўзаро уйғун тарзда таъсирлашиб, мослашиб ҳаракатланиши учун интеллектуал транспорт тизимлардан реал вақт режимида янги параметрлар автомобилга узатилиш керак бўлади. Бу жараёнда автомобиль инфратузилма билан мослашиши учун синергетика принципига бўйсунити зарурдир. Синергетикада жараёнларнинг тезкор бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, автомобилларда ҳаракат йўналишини танлаш учун тартиб параметри киритилган бўлса, инфратузилма (светофор, йўл белгилари, йўл бўлаклари ва ҳ.к.) билан уйғунлашувда тезкорлик билан мослашиш жараёнини характерловчи параметр қабул қилинади. Бунда *тартиб параметри* (йўлнинг узунлиги, кенлиги, белгилар ва бошқа инфратузилма элементлари билан боғлиқ) секин ўзгарувчи бўлиб,

мослашувчанлик параметрига эса тез ўзгарувчи (автомобиль тезлиги, ҳаракат оқими ва бошқа динамик ҳаракатдаги объектлар)лар киради. Мослашувчанлик параметри бу синергетикада тезкор ўзгарувчи параметрлар гуруҳини характерлайди. Бунда автомобилдаги мавжуд интеллектуал тизимлар билан инфратузилма элементлари ўртасидаги ўзаро уйғунлик таъминланади. Масалан, автомобиль светофорнинг қизил чироғида ва тирбандликларда тўхтаб турганда ёнилғи сарфини тежаш ҳамда чиқинди газларнинг ташқи муҳитга салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш учун унинг салт ишлаш режимида двигателни автоматик ўчириб қўйиш ва қайта ишга туширишда инфратузилма элементларидан тезкор ахборот олиш керак бўлади.

Ўрни тартиб параметри ташқи муҳит билан , мослашувчанлик параметри эса автомобилнинг ўзи билан боғлиқ , деган хулоса келиб чиқади. Параметрлар ўзгариш тезлигига қараб тез ўзгарувчи - мослашувчанлик ва секин ўзгарувчи - тартиб параметрларига ажратилади. Бу қабул қилинаётган қарор сифатга ижобий таъсир ўтказади.

Хулоса. ИТТдан бизни маҳаллий шароитда фойдаланиш бошланган , лекин етарли даражада эмас. Яқин келажакда ушбу тизимлар кенг оммалашади. Шу нуқтаи назардан, илмий-тадқиқот ишлари олдинда юришини ҳисобга олиб, “Инновацион интеллектуал транспорт тизимларини маҳаллий шароитда синергиясини асослаш” мавзусини тадқиқ қилдик. Олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишимиздан кутилаётган натижалар автомобиль тарнспортида юқори энергия-ресурс тежамкор технологияларни қўллаш, экологияга салбий таъсир минималлигини таъминлаш ва бошқа долзарб муаммоларни ечишга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сембаев Н.С., Ставрова Н.Д. Интеллектуальные транспортные системы. Учебное пособие. – Павлодар.: Кереку, – 2016. – С. 99.
2. Хакен Г. Синергетика 30 лет. // Вопросы философии, 2001. – №3. – С. 55.
3. Володина Е.Е., Девяткин Е.Е., Суходольская Т.А. Анализ развития интеллектуальных транспортных систем. // Экономика и качество систем связи. – 2017. – № 3. – С. 40–46.
4. Иноятходжаев Ж.Ш. Нейрон тармоқлари орқали двигателни автомобиль мехатрон тизими билан интеграция қилиш усуллари ишлаб чиқиш. Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси. – Т.: 2017. – Б. 160.
5. Юсупов С.С., Иноятходжаев Ж.Ш. Интеллектуал транспорт тизимлари хизматларида маълумотларнинг роли. “Фан ва техника тараққиётида интеллектуал ёшларнинг ўрни”. // Республика илмий-техникавий анжумани тезислар тўплами. – Т.: ТошДТУ, 2020. – Б. 243–245.
6. Batty M. Big data, smart cities and city planning. / Dialogues in Human Geography. 2013. –Vol. 3(3). – PP. 274–279.
7. Юсупов С.С., Иноятходжаев Ж.Ш., Асқаров Б. Интеллектуал транспорт тизимларини бошқаришнинг фрактал геометрия асосида синергетик моделлаштириш. // Машинасозлик илмий-техника журнали. ISSN 2181-1539. – 2021. – №3(4). – Б. 78–83.

MYSQLNI ISHLAB CHIQISH VA BOSHQARISH VOSITALARI

Malohat GULYAMOVA,

*Toshkent davlat transport universiteti. Transportda axborot tizimlari
va texnologiyalari*

Ravshan ALIEV,

*Toshkent davlat transport universiteti. Transportda axborot tizimlari
va texnologiyalari kafedrası, professor*

E-mail: alievravshan7@gmail.com

Marat ALIEV,

*Toshkent davlat transport universiteti. Transportda axborot tizimlari
va texnologiyalari, professor*

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp196-198>

Annotatsiya: Ushbu maqolada MySQL ma'lumotlar bazalari bilan ishlash vositalarining eng ommaviy vositalari ko'rib chiqildi va ularning afzalliklari sanab o'tildi.

Kalit so'zlar: MySQL, Workbench, Navicat, PHPMyAdmin.

KIRISH

MySQL bazalarini boshqarish murakkab va kompleks jarayonni tashkil etadi. Uni amalga oshirish uchun ixtisoslashtirilgan dasturlar yaratish talab etiladi. Bunday dasturlar xoh endi ish faoliyatini boshlagan foydalanuvchilar bo'lsin, xoh tajribaga ega bo'lgan dasturchilar bo'lsin, MySQL bilan birdek samarali ishlash imkonini beradi. Odatda, ularda ikkita alohida tarkibiy qismlar mavjud. Backend komponentlarida ma'lumotlar relyatsion bazalariga kiritilgan ma'lumotlar joylashtiriladi. Frontend komponentlari foydalanuvchilar interfeysi bo'lib, ularning foydalanishini o'zi boshqaradi. MySQL ning keng tarqalishi va ommaviylashishi sababli bugungi kunda bunday dasturlar (instrumentlar) keng ko'lamli namoyish etilmoqda. Bu tizim o'zining qulayligi va foydalanishda osonligi, hatto dasturlash bilimiga ega bo'lmagan foydalanuvchi ham ishlatish imkoniga egaligi bilan ajralib, ommalashib bormoqda.

MySQL ma'lumotlar bazalari bilan ishlash uchun vositalar

Relyatsion ma'lumotlar bazasi (MB) – ma'lum bir algoritm bo'yicha tartiblangan ma'lumotlar majmuasidir. Vizual ravishda u jadval shaklida taqdim etiladi. SQL (so'rovlarni shakllantirish uchun maxsus til) tufayli ma'lumotlar olish, ma'lumotlar bazalarini boshqarish, ular ustida amallar, administratsiyalash ishlari amalga oshadi. Ularning faoliyati ko'pchilik teoriyasiga asoslangan bo'lib, uning natijasida ko'plab obyektlarni bir butunga qo'shish mumkin. Axborot massivi to'g'ri tashkil etilganligini ta'minlash uchun maxsus dasturiy ta'minotlardan foydalaniladi. MySQL boshqarish dasturlari, xususan, quyidagi funksiyalarni bajarish imkonini beradi:

- axborotni foydalanuvchiga zarur tartibda tuzish;
- ma'lumotlarni boshqarish (o'zgartirish, tuzatish, olib tashlash va boshqa);
- zarur shaklda axborot olish uchun SQL so'rovlarini shakllantirish;
- zarur obyektlarni vizuallashtirish (masalan, jadvallar, diagrammalar va boshqa shakllarda);

- ma'lumotlar bazasini tashkil qilish.

Foydalanuvchilar o'z ehtiyojlari va ish ko'lamidan kelib chiqqan holda, MySQL ma'lumotlar bazalarini ishlab chiqish va boshqarish uchun ko'plab vositalardan foydalanishlari mumkin. Bulardan eng mashhurlari Workbench, Navicat, PHPMyAdmin, dbForge Studio for MySQL, HeidiSQL, SQL Maestro, EMS SQL Manager va h.k.

Workbench. Mac OS, Windows va Linux kabi eng ommabop OSni qo'llab-quvvatlay oladigan Workbench bugungi kunda eng ommabop va keng tarqalgan hisoblanadi. Mazkur instrument bepulligi hamda juda ko'p foydalanuvchilarga egaligi ko'ra keng yoyilmoqda. Ko'rsatilgan tizimning asosiy afzalliklari quyidagilarni tashkil etadi:

- ma'lumotlar bazasini to'liq boshqarishni amalga oshirish imkonini beradigan qulay asbob-uskunalarining mavjudligi;
- bazadagi axborotni grafik tarzda taqdim etish imkoniyati;
- bazadagi axborot massivini tahrirlash imkoniyati;
- MBning ko'plab maydonlari o'rtasida aloqalarni shakllantirish faoliyatining mavjudligi;
- Reverse Engineering vositasi yordamida serverda saqlanayotgan axborotdan jadval tuzilmasini tiklash imkoniyati;
- SQL tahrirchisi mavjudligi va u orqali serverga so'rovlar jo'natib, ma'lumotlarni jadval ko'rinishida olish mumkinligi.

Navicat. Navicat dasturi hozirgi kunda juda ommabopdir. Workbenchdan farqli o'laroq pulli dasturdir. Navicat afzalliklari deb quyidagilarni ajratish mumkin:

- ma'lumotni grafik shaklda olish imkonini beradigan so'rovlar tahrirchisi mavjudligi;
- hisobotlarni yaratish, shuningdek, ma'lumotlarni import qilish, eksport qilish va nusxa olish imkoniyati mavjudligi;
- vazifalarni rejalashtirish vositasining mavjudligi;
- SSH va HTTP protokollari bo'yicha tunnellashtirish.

PHPMyAdmin. PHPMyAdmin mashhur, bepul va ochiq kodli dasturdir. Ma'lumotlar bazasini SQL buyruqlarisiz ham boshqarish imkoniyatini beradi, bu yangi foydalanuvchilar uchun juda qulay. Bundan tashqari, PHPMyAdmin dasturga mualliflik ishlanmalarini joylashtirish imkonini beradi, chunki unda tegishli litsenziya mavjud. PHPMyAdmin bu web-interfeys bo'lib, uning yordamida siz MySQL serverini boshqarishingiz, buyruqlarni bajarishingiz hamda brauzer orqali jadvallar va ma'lumotlar bazalari tarkibini ko'rishingiz mumkin:

- kunlik vazifalar uchun optimal faoliyat tizimi;
- server tomonidan (brauzer orqali) ishlaydi;
- intensiv rivojlanish.

dbForge Studio for SQL Server – SQL Server ma'lumotlarini boshqarish, administratsiyalash, taqdim etish va tahlil qilish uchun to'liq funksional ishlab chiqish muhitidir. Uning yordami bilan oddiy ishlarni osonlikcha avtomatlashtirish va vaqtni tejash mumkin bo'ladi. Bugungi kunda MySQL uchun dbForge Studio uch nashri mavjud: Express, Standard va Professional, bu esa kerakli vositani tanlash imkonini beradi. MySQL uchun DbForge Studio pulli hamda bepul versiyalarda mavjud.

HeidiSQL yana bir bepul dastur bo'lib, uni PHPMyAdminiga muqobil hisoblasa bo'ladi. Ushbu vosita quyidagi xususiyatlarni taqdim etadi:

- buyruq qatori yordamida serverlarga ulanish;
- ustunlarni, tashqi kalitlarni, shuningdek, triggerlarni va boshqalarni bir vaqtning o'zida tahrirlash bilan jadvallarni tiklash;
- jadvaldagi ma'lumotlar massivini uchinchi tomon ma'lumotlar bazalari bilan sinxronlashtirish.

SQL Maestro для MySQL – mashhur ma'lumotlar bazasini va tizimlarini boshqarish hamda ishlab chiqish uchun vositadir. Foydalanuvchi uchun qulay grafik interfeys SQL so'rovlari va skriptlarini bajarish, foydalanuvchi imtiyozlarini boshqarish, eksport qilish va ma'lumotlarning zaxira nusxalarini yaratish imkonini beradi.

Xulosa. Xulosa qilib aytganda, zamonaviy dasturchilar MySQL-ni boshqarish uchun eng keng ko'lamli vositalarni taklif qilishadi, bu ma'lumotlar bazalari bilan ishlaydigan har bir kishiga o'zining ish tajribasiga va kerakli funksionallikka mos keladigan ilovalarni tanlash imkonini beradi. Yangi foydalanuvchilar uchun, odatda, bepul PHPMyAdmin, SQL Maestro yoki HeidiSQL ilovalari kabi dasturiy ta'minotni o'rganishni boshlashi va keyin esa Workbench yoki Navicat kabi kuchliroq vositalarga o'tish tavsiya etiladi. Har bir dasturiy vositaning o'z foydalanuvchisi bo'lib, har kim o'ziga qulay bo'lgan vositani tanlaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Guliamova M.K., & Aliev R.M. (2021). Database Concept, Relevance and Expert Systems. Scientific and Educational Areas Under Modern Challenges, 2021. – PP. 125–127. Чебоксары: SCC “Interaktiv plus”.
2. Куликов С.С. Работа с MySQL, MS SQL Server и Oracle в примерах // практ. пособие. – 2021. – С. 602.
3. Калинин М.С. Создание и администрирование виртуальной модели базы данных. // статья в сборнике трудов конференции. 2015. – С. 153–156.
4. Мартишин С.А., Симонов В.Л. Проектирование и реализация баз данных в СУБД MySQL с использованием MySQL Workbench. // Учебное пособие. –2012.

ZAMONAVIY MA'LUMOTLAR BAZASI VA ULARNING TASNIFI

Malohat GULYAMOVA,

*Toshkent davlat transport universiteti. Transportda axborot tizimlari
va texnologiyalari*

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp198-201>

Annotatsiya: Maqolada ma'lumotlar bazasining zamonaviy turlari o'rganib chiqildi, ularning afzalliklari va kamchiliklari ko'rildi hamda bayon etildi.

Kalit so'zlar: Ma'lumotlar bazalari, SQL, NoSQL.

Kirish. Ma'lumotlar bazasida (MB) saqlanadigan ma'lumotlar har qanday ma'lumot bo'lishi mumkin, masalan, ilova ma'lumotlari, mahsulot katalogi, xaridorning shaxsiy ma'lumotlari, parollarning xash summasi. Ma'lumotlar bazasida saqlanadigan ma'lumotlarni olish, shuningdek, bu ma'lumotlar ustida amallar bajarish uchun ma'lumotlar bazasini boshqarish tizimi (matnda MBBT deb yuritiladi)

ishlatiladi. MBBT – bu turli foydalanuvchilar tomonidan MB tashkil etish, boshqarish, nazorat qilish, ma'muriyat qilish va birgalikda foydalanish uchun belgilangan dasturiy, til va boshqa vositalar majmuasidir [1, 2]. Bunday tizimlar, asosan, foydalanilayotgan ma'lumotlar modeli bo'yicha tasniflanadi. Jumladan, ma'lumotlarning relyatsiya modelidan foydalanishga asoslangan MBlarni relyatsiya MBBTlari deb ataydi. Ma'lumotlar bazasini boshqarish tizimlari saqlanayotgan axborotni saralashga, ma'lumotlar bazasini tashqi kalitlar yordamida o'zaro bog'lashga xizmat qiladi, shuningdek, o'zgartirishlar va ro'yxatdan o'tkazilgan hisobot berishi mumkin [1, 3].

Agar biz ommabop ma'lumotlar bazalari o'rtasidagi farqlarni solishtiradigan bo'lsak, u foydalanuvchi uchun qanchalik qulayligini va uning kengaytirilishini hisobga olish kerak, shuningdek, foydalanilgan mahsulotlar bilan axborot tizimiga muammosiz integratsiya qilinishiga ishonch hosil qilish kerak [2, 4].

380 systems in ranking, October 2021

Rank			DBMS	Database Model	Score		
Oct 2021	Sep 2021	Oct 2020			Oct 2021	Sep 2021	Oct 2020
1.	1.	1.	Oracle +	Relational, Multi-model	1270.35	-1.19	-98.42
2.	2.	2.	MySQL +	Relational, Multi-model	1219.77	+7.24	-36.61
3.	3.	3.	Microsoft SQL Server +	Relational, Multi-model	970.61	-0.24	-72.51
4.	4.	4.	PostgreSQL +	Relational, Multi-model	586.97	+9.47	+44.57
5.	5.	5.	MongoDB +	Document, Multi-model	493.55	-2.95	+45.53
6.	6.	8.	Redis +	Key-value, Multi-model	171.35	-0.59	+18.07
7.	7.	6.	IBM Db2	Relational, Multi-model	165.96	-0.60	+4.06
8.	8.	7.	Elasticsearch	Search engine, Multi-model	158.25	-1.98	+4.41
9.	9.	9.	SQLite +	Relational	129.37	+0.72	+3.95
10.	10.	10.	Cassandra +	Wide column	119.28	+0.29	+0.18

1-rasm. DB-Engines reytingi ma'lumotlar bazasini boshqarish tizimlarini mashhurligi bo'yicha top 10 taligi. [3]

Yuzlab SQL va NoSQL ma'lumotlar bazalari mavjud. Ularning ba'zilari mashhur, ba'zilari haqida esa ma'lumot yetarli emas, ba'zilari ishlatishda o'zining oddiyligi va qulayligi bilan ajralib tursa, ba'zilari foydalanish uchun noqulay. Bunday vaziyatda tabiiy savol tug'iladi: qaysi ma'lumotlar bazasini tanlash kerak? Bunga javob berish uchun ma'lumotlar bazasi yordamida nimaga erishmoqchi ekanlikni hal qilish kerak. Qaror qabul qilishda har bir ma'lumotlar bazasi nimani taklif etishi mumkin ekanligini e'tirof etish zarur. Umuman olganda, bir xil maqsadlarga erishish mumkin bo'lgan bir nechta turlar mavjud. Bu turlarning bir necha keng tarqalganlarini ko'rib chiqamiz.

Relyatsion ma'lumotlar bazasi. Har bir ma'lumotlar bazalari bilan ishlagan dasturchi yoki foydalanuvchi ushbu turdagi ma'lumotlar bazasidan ishni boshlaganligi aniq. Bu dastur ommaviyligi va keng tarqalganligi bilan ko'pchilik foydalanuvchilar e'tiboriga tushgan. Bunday MB ma'lumotlarni muayyan turdagi muayyan ustunlarga ega relyatsion jadvallarda saqlash imkonini beradi. Relyatsion jadvallar normallashtirish va birlashtirish uchun juda qulay.

Relyatsion modelning afzalliklari foydalanuvchi tomonidan tushunishning soddaligi va qulayligi, foydalanilgan yagona ma'lumot konstruktsiyasi "jadval" ekanligi,

ma'lumotlarning to'liq mustaqilligi, relyatsion ma'lumotlar bazasi o'zgargarganda dasturdagi o'zgarishlar minimal bo'lishi, so'rovlarni tashkil qilish va amaliy dasturiy ta'minotni yozish uchun tashqi xotirada ma'lumotlar bazasining maxsus tashkil etilishini bilishning hojati yo'qligi va h.k. Relyatsion model bir qancha kamchiliklarga ham egadir. Masalan, har sohani har doim "jadvallar" ko'rinishida namoyish etish mumkin emas, mantiqiy dizayn natijasida ko'plab "jadvallar" paydo bo'ladi, bu esa ma'lumotlar strukturasini tushunishni qiyinlashtiradi, MB nisbatan katta hajmdagi tashqi xotirani egallaydi, ma'lumotlarga kirishning nisbatan past tezligi va h.k.

Hujjatga asoslangan ma'lumotlar bazalari. Hujjatga yo'naltirilgan ma'lumotlar bazasi – bu ierarxik ma'lumotlar tuzilmalarini (hujjatlarni) saqlash uchun maxsus mo'ljallangan ma'lumotlar bazasi va , odatda, NoSQL yondashuvi yordamida amalga oshiriladi. Ular yozuvlarni JSON formatida saqlashga imkon beradi. Ushbu formatda har qanday kalit uchun murakkab qiymat yaratish va darhol bitta yozuvga butun ma'lumotlar tuzilmasini kiritish mumkin. Bunday ma'lumotlar bazasiga misol qilib MongoDBni keltirish mumkin.

Bunday MBlarning afzalliklari relyatsion ma'lumotlar bazalari bilan solishtirganda, katta hajmdagi ma'lumotlarni indekslashda va ko'p sonli so'rovlarni o'qishdagi yuqori unumdorlik, SQL yechimlari bilan solishtirganda masshtabni osonlashtirish, ma'lumotlarning "sxemasini" o'zgartirish qulay: yangi maydonlarni qo'shish uchun yangilash operatsiyalarini bajarish shart emas, strukturalanmagan ma'lumotlarni saqlashda muammo bo'lmaydi, obyekt haqidagi barcha ma'lumotlarni saqlash uchun yagona joy: kamroq "qo'shilish" operatsiyalari, ma'lumotlar bazasi bilan aloqa qilish uchun oddiy interfeys (kalit → qiymat, SQL yo'q).

Kamchiliklari esa tranzaksiyaviy nazorat logikasining mavjud emasligi va ma'lumotlarni qayta ishlash uchun qo'shimcha dasturlashtirish tilidan foydalanish zarurligidadir.

Xotiradagi ma'lumotlar bazalari (IMDB – In-memory Database). Xotiradagi ma'lumotlar bazasi kompyuter ma'lumotlarini saqlashda, asosan, tezkor xotiraga tayanadigan ma'lumotlar bazalarini boshqarish tizimidir. U disk saqlash mexanizmi foydalaniladigan MBBT fonida ajratiladi. Bunday MB larga misol qilib Redis, Tarantool, Apache Igniteni keltirishimiz mumkin.

Bunday MB asosiy afzalliklariga, diskdan yozish va o'qish nuqtayi nazaridan IMDBlar diskka asoslangan MBBTlarga qaraganda tezroqligi, IMDB ma'lumotlarni qattiq diskda samarali saqlash mumkinligini aytish joiz. Diskka asoslangan DMBBT, odatda, qattiq disklar bilan unchalik samarali ishlamaydi va SSD (yoki SAS yoki flesh-xotira kabi boshqa tezkor xotirani) talab qilishi kiradi. Kamchiliklariga esa IMDB, odatda, bir nechta protsessor yadrolari bo'ylab yaxshi ishlamasligi, agar barcha ma'lumotlar RAMga mos kelmasa, IMDB ishlamasliklari va h.k.lar kiradi.

Keng ustunli ma'lumotlar bazalari. Ushbu ma'lumotlar bazalari ma'lumotlarni qattiq disk yoki SSDda kalit/qiymat yozuvlari ko'rinishida saqlaydi. Ushbu yechimlar sistemada joylashgan minglab umumiy serverlardagi peytabaytlik ma'lumotlarni boshqarish uchun yaxshi masshtablashtirishga mo'ljallangan. Ular SSTable arxitekturasini ifodalaydi. Ushbu arxitektura ikkita foydalanish holati uchun mo'ljallangan: kalitlarga tezkor kirish va yuqori tezlik bilan yozish. Bunday MB larga misol qilib Vertica, Clickhouse'larni keltirish mumkin.

XULOSA

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqqan holda shunday xulosa qilishimiz mumkinki, deyarli har qanday vazifani istalgan turdagi ma'lumotlar bazasi bilan bajarish mumkin. Avvalambor, bu qanchalik tez muddatda va optimallashtirilgan bo'lishi kerakligini aniqlab olish zarur. Dasturchi o'zi o'rgangan va unga qulay bo'lgan MBBT tanlashi, uning vaqtini qisqartirishi va ish jarayonining unumdorligini oshirishi aniq. Har bir MB ning afzalliklari bo'lgani kabi o'ziga yarasha kamchiliklari ham bor. Shundan kelib chiqqan holda, har bir foydalanuvchi qo'yilgan masalaga individual yondashgan holda hamda berilgan mablag'dan kelib chiqib, o'z tanlovini amalga oshirishi maqsadga muvofiq.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Guliamova M.K., & Aliev R.M. (2021). Database Concept, Relevance and Expert Systems. Scientific and Educational Areas Under Modern Challenges, 2021. – PP. 125–127. Чебоксары: SCC “Interaktiv plus”.
2. Tokhirov E., Aliev R. Improving the braking distance of the train before level crossing // InterConf. – 2020.
3. Бурмистров А.В., Белов Ю.С. Недостатки реляционных баз данных // Электронный журнал: наука, техника и образование. 2015. № 3 (3). – С. 25–34.
4. Драч В.Е., Родионов А.В., Чухраева А.И. Выбор системы управления базами данных для информационной системы промышленного предприятия // Электромагнитные волны и электронные системы. – 2018. – Т. 23. – № 3. – С. 71–80.
5. Knowledge Base of Relational and NoSQL Database Management Systems. URL: <https://db-engines.com/en/ranking>.

TASHKILOT XODIMLARINING TIBBIY KO‘RIKDAN O‘TISH MUDDATINI NAZORAT QILUVCHI DASTUR YARATISH AHAMIYATI

Davron MATVALIYEV,

magistratura talabasi, Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O‘zbekiston

Shoyatbek XAKIMOV,

assistent, Toshkent davlat transport universiteti, Toshkent, O‘zbekiston

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp202-208>

Annotatsiya: Ushbu maqolada tashkilot xodimlarining tibbiy ko‘rikdan o‘tish muddatlarini nazorat qilish jarayonini optimallashtirish uchun ko‘rilayotgan chora-tadbirlar yoritilgan. Shuningdek, ushbu maqola ikki qismdan iborat bo‘lib, uning birinchi qismida tizim ish jarayonini qayd etib borish uchun muhim bo‘lgan ma‘lumotlar bazasi tushunchalari, ularni boshqarish tizimi tushunchasi hamda ma‘lumotlar bazasini shakllantirish jarayonlari keltirilgan. Shu bilan birgalikda, ikki qism dasturiy ta‘minot yaratish ishlari va ularga qo‘yiladigan talablarni turli metodlar yordamida tashkil etishni nazarda tutadi.

Kalit so‘zlar. Ma‘lumotlar bazasi, veb-texnologiya, tibbiy ko‘rik, tashkilot strukturalari, October CMS.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 19-mart kuni “Yoshlar ma‘naviyatini yuksaltirish va ularning bo‘sh vaqtini mazmunli tashkil etish bo‘yicha 5 ta muhim tashabbus” ining uchinchisida “Aholi va yoshlar o‘rtasida kompyuter texnologiyalari va internetdan samarali foydalanishni tashkil etish” ning muhimligiga e‘tibor qaratildi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Oliy ta‘lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga ko‘ra Oliy ta‘lim tizimini kelgusida yanada takomillashtirish va kompleks rivojlantirish bo‘yicha eng muhim vazifalar etib 2017–2021-yillarda oliy ta‘lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash va modernizatsiyalash, ularni zamonaviy o‘quv-ilmiy laboratoriyalar, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari vositalari bilan jihozlash kompleks chora-tadbirlari belgilansin, deb ta‘kidlangan [1].

Keyingi paytlarda axborot resurslari davlatlarning o‘zaro bir-biriga qarshi turishlari, geopolitik maqsadlari uchun bir maydon sifatida ham faol qo‘llanila boshlandi. Bu hol, ayniqsa, zamonaviy axborot texnologiyalariga ega bo‘lgan rivojlangan mamlakatlarga xos bo‘lib, bunday zamonaviy texnologiyalariga ega bo‘lishlari ularning bu sohada sezilarli darajadagi ilg‘orliklarini ta‘minlaydi.

Axborot-kommunikatsiya tizimlarida ma‘lumotlar almashinuvini samarali amalga oshirishni tashkil etish bugungi rivojlangan jamiyatda katta ahamiyat kasb etadi. Axborot texnologiyalarining jadal rivojlanib borishi jamiyat faoliyatining keng sohasida turli axborot xizmatlarining vujudga kelishiga olib keldi. Ayniqsa, bank va boshqa to‘lov tizimlarida, davlat va jamiyat manfaatlari bilan bog‘liq muhim ma‘lumotlarni almashish hamda tahlil qilishda, tez va ishonchli ma‘lumot almashinuvi talab etiladigan tizimlarda tabiiy ravishda axborot muhofazasi masalalari dolzarbdir. Haqiqatan ham, har qanday ma‘lumot u yoki bu ma‘noda axborot-kommunikatsiya

tizimi foydalanuvchilarining manfaati bilan bog‘liq. Axborot muhofazasini ta‘minlash: huquqiy-me‘yoriy hujjatlar, texnik vositalar va kriptografik algoritmlar hamda protokollar negizida yaratilgan dasturiy, apparat-dasturiy va apparat-texnik vositalarni birgalikda qo‘llash bilan samarali amalga oshiriladi.

Kompyuterlar va kompyuter tizimlari – axborotlar tizimining muhim bo‘g‘imidir. Internet tarmoqlari jamiyat faoliyatining barcha sohalarini qamrab olib, axborotlarni tez va sifatli almashinuvini ta‘minlash jarayonlari texnologiyalarining rivojlanishida ijobiy manba bo‘lib kelmoqda. Yuqorida keltirilgan asosli mulohazalardan kelib chiqib, har qanday tashkilotlar xodimlar vazifalarini avtomatlashtirish, bu sohada zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari imkoniyatlaridan foydalangan holda qulay imkoniyatlar yaratish, har bir sohada rivojlanish, tezkorlik va ish sifatini oshirishga xizmat qiladi. Shu jumladan, tashkilotlardagi xodimlar bo‘limi vazifalarini ham asta-sekin elektron tizimga o‘tkazish uchun ba‘zi takliflar ishlab chiqildi.

Barchaga ma‘lumki, hozirda ko‘pgina tashkilotlarda xodimlar o‘z lavozimidan kelib chiqib, olti oyda, bir yilda yoki ikki yilda bir marta majburiy tibbiy ko‘rikdan o‘tishlari shart. Ba‘zi xodimlar oxirgi marta qachon tibbiy ko‘rikdan o‘tganlarini eslay olmaydilar. Shundan so‘ng xodimlar bo‘limi inspektori doimiy ravishda har bir xodim tibbiy anketasini qarab chiqishi, tibbiy ko‘rikdan o‘tgan xodimlarning anketalarini saralab olishi va ular bilan aloqaga chiqib, tibbiy ko‘rikdan o‘tishlari lozimligi haqida ogohlantirishi kerak bo‘ladi. Bu esa o‘z navbatida, xodimlar bo‘limi ish jarayonini og‘irlashtiradi.

Shu sababli aynan mana shu jarayonlarni yengillashtirish uchun yuqoridagi vazifani avtomatik ravishda bajaruvchi dasturni ishlab chiqishga kirishildi. Ish jarayonlari uch bosqichda amalga oshirilayotgan bo‘lib, ular quyidagilardan iborat:


- ish jarayoni yuzasida tahlillarni amalga oshirish;
- korxonada xodimlarning ishlash jarayonida bajarayotgan vazifasi uning salomatligiga ta‘sir darajasini inobatga olgan holda barcha xodimlar to‘g‘risida ma‘lumotlar bazasini shakllashtirish;
- xodimlar bo‘limi inspektori xodimlar tibbiy ko‘rikdan o‘tish vaqtlarini avtomatik ravshda ko‘rsatib turuvchi dasturiy ta‘minotning foydalanuvchi qismini ishlab chiqish.

Birinchi bosqich. Yuqorida aytilganidek, xodimlar korxonada turli lavozimlarda va turli mehnat sharoitlarida ishlashlariga to‘g‘ri keladi, bu esa o‘z navbatida tibbiy ko‘rikdan o‘tish vaqtlari va muddatlari ishchilar o‘rtasida turlicha bo‘lishini taqazo etadi. Bu jarayonni nazorat etish xodimlar bo‘limi inspektoriga quyidagi vazifalarni yuklaydi:

- har bir xodimning so‘nggi marta qachon tibbiy ko‘rikdan o‘tganini tahlil qilish;
- xodimlarning qaysi lavozimda ishlashi va bu lavozimda ishlovchi xodimlarni tibbiy ko‘rikdan o‘tish grafigi bo‘yicha saralash;
- xodimlarni tibbiy ko‘rikdan o‘tishining so‘nggi muddatini belgilash;
- har bir xodimni tibbiy ko‘rikdan o‘tish kerakligi haqida ogohlantirish.


Ikkinchi bosqich: Dasturiy ta‘minotni foydalanuvchilarning ko‘pligi va ixtiyoriy qurilmadan ixtiyoriy joyda turib ishlata olish imkoniyatlarini yaratishga bo‘lgan ehtiyojlardan kelib chiqib, veb-platforma tizimi sifatida varianti tanlab olindi. Chunki veb-platformadan foydalanish uchun dasturni har bir qurilmaga o‘rnatish shart emas, shunchaki serverga o‘rnatish va veb-brauzer orqali ixtiyoriy qurilmada foydalanish imkoni mavjud [2].

Dasturning administrator qismi xodimlar bo'limi inspektorlari uchun yaratilgan bo'lib, tizimga maxsus login va parol orqali kiriladi (1-rasm).




1-rasm. Xodimlar bo'limi inspektorining tizimga kirishi.

Tizimga kirilgach, “Xodimlar bo'limi” menyusi tanlanadi. Ushbu sahifada xodimlar, bo'limlar va lavozim ma'lumotlarini shakllantirish imkoniyatlari yaratilgan. Xodimlar bo'limi inspektori ushbu sahifani tanlagach, birinchi bo'lib yangi bo'limlarini ma'lumotlar bazasiga kiritishi talab etiladi. Buning uchun inspektor “Xodimlar” ichki menyusini tanlaydi va “Yangi xodim” tugmachasini bosadi, quyida oyna orqali kiritadi (2-rasm).



2-rasm. Tashkilot bo'limlari sahifasi.

Tashkilotda mavjud bo'limlarni bir-biriga bog'liqlik strukturasi, ya'ni qaysi bo'lim qaysi bo'limga bo'ysunadi yoki qaysi bo'limlarni boshqaradi kabi strukturani shakllantirish “Strukturani sozlash” tugmachasini bosish orqali yangi sahifaga o'tish hamda ushbu sahifada juda ham oson usulda: bo'limning ustiga sichqonchani chap tugmasini bosish va boshqaruvchi bo'lim ostiga olib kelib, sichqonchani qo'yib yuborish orqali amalga oshiriladi (2-rasm). Xodimlar bo'limi inspektori bo'limlar strukturasi shakllantirib bo'lgach, tashkilotda mavjud lavozimlar ma'lumotlarini kiritishi lozim. Buning uchun inspektor “lavozimlar” ichki menyusini tanlaydi va “yangi lavozim” tugmachasini bosadi, natijada quyidagi oyna hosil bo'ladi (3-rasm).



3-rasm. Yangi lavozim kiritish oynasi.

Lavozimlar sahifasida lavozimlarni kiritish, o'zgartirish, saralash, qidirish, o'chirish imkoniyatlari yaratilgan.

Yuqoridagi ma'lumotlar to'liq kiritib bo'lingach, tashkilotdagi xodimlar haqidagi ma'lumotlarni kiritish talab etiladi. Yangi xodim ma'lumotlarini kiritish uchun xodimlar sahifasida "Yangi xodim" tugmasi bosiladi va quyidagi oyna hosil bo'ladi (4-rasm).

4-rasm. Xodim ma'lumotlarini kiritish oynasi.

Xodimlar haqidagi boshlang'ich ma'lumotlar quyidagilarni tashkil etadi:

- familiyasi, ismi, sharifi;
- tug'ilgan sanasi;
- pasport ma'lumotlari;
- tibbiy ko'rikdan o'tgan sanasi;
- keyingi tibbiy ko'rik sanasi;
- ishlayotgan bo'limi;
- lavozimi.

Barcha ma'lumotlar klaviatura orqali kiritiladi, lekin bo'lim va lavozimlar tanlov orqali kiritiladi. Bundan tashqari ushbu sahifada "Excelga eksport qilish" va "Exceldan import qilish" funksiyalari yaratilgan bo'lib, birdaniga bir nechta xodim ma'lumotlarini Microsoft Excel dasturiga alohida yaxlit fayl sifatida yuborish yoki Microsoft Excel dasturida mavjud ma'lumotlarni birdaniga tizimga import qilish imkoniyatiga ega.[3] Xodimlar ma'lumotlari to'liq shakllantirilgach, xodimlar sahifasi quyidagi ko'rinishga keladi (5-rasm).

	NOVIK	FAMILIYASI	IMI	OTIRISHIN IMI	TUSILGAN SANASI	SANA	MUCCAT	FAKULTET/BO'LINMACHISI	LAVOIM	VAQT BO'YICHA HOLAT
☐	1	Abdug'aniyev	Asadbek	Karimdinovich	1990-09-02	2019-01-20	2021-01-20	Iqtisodiyot va menejment kafedras	assistent	Yashil
☐	2	Abdug'aniyeva	Sarvinot	Alexei qbi	1978-10-04	2020-10-04	2021-10-04	Iqtisodiyot fakulteti	faqultet dekani	Yashil
☐	3	Abdulkhurov	Nasirov	Ravshanovich	1994-07-05	2019-07-05	2020-07-05	Buqalariya hisob va audit kafedras	kabinet mudiri	Qizil
☐	4	Abdurahimov	Hunshobek	Hunshobek o'g'li	1993-11-05	2020-11-05	2021-11-05	Buqalariya bo'limi	bo'lim boshlig'i	Yashil
☐	5	Baratdov	Boboyev	Barat o'g'li	1998-08-04	2019-08-04	2021-08-04	Tahviri nashriyot va poligrafya	bo'lim boshlig'i	Sariq
☐	6	Kaziyev	Iskandar	Andon o'g'li	1971-12-03	2020-12-03	2021-12-03	Iqtisodiyot va menejment kafedras	assistent	Yashil
☐	7	Davlatova	Valera	Anatolevna	1902-11-05	2019-11-05	2021-07-15	Transportda avtorot tashil va texnologiyali kafedras	kabinet mudiri	Yashil
☐	8	Davlatov	Nasirjon	Nasirjon o'g'li	1970-04-07	2020-04-07	2021-04-30	Ummumiy fakulteti	faqultet dekani	Sariq


5-rasm. Yaratilgan veb-platformaning foydalanuvchi qismi.

Tizim shundan so'ng xodimlarni tibbiy ko'rik muddatlaridan kelib chiqib, avtomatik ravishda vaqt bo'yicha statuslarni ranglar orqali shakllantiradi. Bunda yashil rang –tibbiy ko'rikdan o'tish muddatiga hali ancha vaqt bor ekanligini, sariq rang – tibbiy ko'rikdan o'tish muddatiga bir oydan kamroq vaqt qolganligini, qizil rang – xodim tibbiy ko'rikdan o'tishga kech qolganligini, to'q qizil rang – tibbiy ko'rikdan o'tish muddati bir yildan ko'proq muddatga o'tib ketganligini bildiradi.

Uchinchi bosqich. Dasturning foydalanuvchi qismi veb-sayt ko'rinishida yaratilgan bo'lib, ixtiyoriy xodim foydalanishi mumkin.[4] Tizimda faqatgina xodimlarning tibbiy ko'rik muddatlari emas, balki xodimlar bo'limining asosiy vazifalari, strukturasi, ishchi xodimlari (bo'lim boshlig'i, inspektorlar) haqida ma'lumotlar berilgan.

Foydalanuvchi qismi 3 ta muhim sahifadan iborat. Bular: asosiy sahifa, xodimlar sahifasi va aloqa sahifasi.

Asosiy sahifada xodimlar ish tavsifi, xodimlar bo'yicha mutaxassis vazifalari, xodimlar bo'limi inspektorlarining vazifalari keltirib o'tilgan (6-rasm).



6-rasm. Asosiy sahifa.

Shuningdek, asosiy sahifada yuqoridagilardan tashqari tashkilotdagi xodimlar soni bo'yicha umumiy statistikalar, xodimlar bo'limi inspektorlari ma'lumotlari rasmlari bilan birgalikda keltirib o'tilgan.[5]

Ikkinchi xodimlar sahifasida tashkilot xodimlarining umumiy ro'yxati va tibbiy ko'rik holati haqidagi ma'lumotlar keltirilgan bo'lib, ixtiyoriy xodim ushbu sahifa orqali o'zining yoki qo'lostidagi xodimlarining tibbiy ko'rikdan o'tish muddatlarini ko'rib, nazorat qilish imkoniyatiga ega. (7-rasm)

XODIMLAR BO'LIMI									
Tashkilotdagi xodimlar ro'yxati									
No	Familiyasi, ismi, sharti	Tug'ilgan sana	Bo'lim	Lavozim	Tibbiy ko'rikdan o'tgan sana	Keyingi tibbiy ko'rikdan o'tish sanasi	Status		
1	Abdug'aniyev Asadbek Faxriddinovich	03.09.1990	Loqibodiyot va menejment kafedrasasi	asistent	20.01.2019	20.01.2021			
2	Abdug'aniyeva Sarvinaz Akmal qizi	04.10.1978	Loqibodiyot fakulteti	fakultet dekani	04.10.2020	04.10.2021			
3	Abdullaimov Nurozbek Ravshanovich	05.07.1994	Buqalitariya hisobi va audit kafedrasasi	kabinet mudiri	05.07.2019	05.07.2020			
4	Abdurahimov Hushabek Husniddin o'g'li	06.11.1993	Buqalitariya bo'limi	bo'lim boshlig'i	06.11.2020	06.11.2021			
17	Mamadaliyev Abdumalik Adham o'g'li	07.11.1992	Buqalitariya hisobi va audit kafedrasasi	dotent	05.02.2019	05.02.2021			
22	Salidjonov Abduqaxxor	06.10.1978	Transportda asborot tizimlari va	katib	17.03.2020	17.03.2021			

7-rasm. Xodimlar sahifasi.

Bundan tashqari, ushbu sahifada qidiruv va saralash tizimlari mavjud bo'lib, bu kerakli xodim ma'lumotlarini qidirib topishda va bir xil statusli xodimlarni saralab olishda keng imkoniyatlarni yaratadi (7-rasm).

Uchinchi sahifa “Biz bilan aloqa” sahifasi bo'lib, ushbu sahifada foydalanuvchilar xodimlar bo'limiga ixtiyoriy murojaatlarini yuborishlari mumkin bo'ladi.

Veb-platformaning ostki qismida bir nechta muhim saytlarning veb-adreslari ssilkalari[6] keltirilgan bo'lib, foydalanuvchilar ushbu ssilkalar orqali gov.uz, kadr.edu.uz, lex.uz, edu.uz, mintrans.uz kabi muhim saytlarga o'tish imkoniyatiga egadirlar.

XULOSA

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, axborot texnologiyalarining har qanday hayot faoliyat jarayonlarga kirib kelishi bu inson mehnatidagi unumdorlikni oshiribgina qolmay, balki uning salomatligi va sog'lom mehnat sharoitlarida ishlashiga o'z hissasini qo'shadi. Tashkilot xodimlarining doimiy tibbiy ko'rikdan o'tish muddatlarini avtomatik ravishda nazorat qilishni ta'minlovchi veb-platforma tashkilotlarda xodimlar bo'limi inspektorlari va xodimlar ishlarini osonlashtirishga, o'zaro aloqani ta'minlashga, vaqtni tejashga va ish samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 20-apreldagi № PQ–2909-sonli “Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qarori.
2. Guliamova M.K., & Aliev R.M. (2021). Database Concept, Relevance and Expert Systems. Scientific and Educational Areas Under Modern Challenges, 2021, – PP. 125–127. Cheboksari: SCC “Interaktiv plus”.
3. Tokhirov E., Aliev R. Improving the braking distance of the train before level crossing // InterConf. – 2020.

4. Gulamov J., Shukurov F., Shokhidayeva Sh. Automated information system for inventory accounting of a car depot warehouse // JournalNX-2021.
5. Nurmukhamedov T., Shukurov F., Khakimov Sh. Information technologies for forecasting car depot inventory using correlation analysis // JournalNX-2021.
6. R. Aliev Analysis of controlling the state of track sections on lines with speed and high-speed train traffic German International Journal of Modern Science № 14, 2021. – PP. 57–58.

TOSHKENT DAVLAT TRANSPORT UNIVERSITETI AXBOROT TEKNOLOGIYALARI MARKAZI UCHUN ELEKTRON BUYURTMALAR QABUL QILISH TIZIMINI ISHLAB CHIQUISHNING AHAMIYATI

Muxamadaziz RASULMUXAMEDOV,

*f.-m.f.n., dotsent, Toshkent Davlat transport universiteti Transportda axborot
tizimlari va texnologiyalari kafedra mudiri*

E-mail: mrasulmuxamedov@list.ru

Eldor ABDULLAYEV,

Toshkent davlat transport universiteti

Baxtiyor QO'CHQOROV,

Toshkent davlat transport universiteti

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp208-216>

Annotatsiya: Ushbu maqolada xizmat ko'rsatish sohasi bilan bog'liq bo'lgan universitet bo'limining ish jarayonlarini optimallashtirish uchun ko'rilayotgan chora-tadbirlar yoritilgan. Shuningdek, ushbu maqola ikki qismdan iborat bo'lib, uning birinchi qismida tizim ish jarayonini qayd etib borish uchun muhim bo'lgan ma'lumotlar bazasi tushunchalari, ularni boshqarish tizimi tushunchasi hamda ma'lumotlar bazasini shakllantirish jarayonlari keltirilgan. Shu bilan birgalikda ikki qism dasturiy ta'minot yaratish ishlari va ularga qo'yiladigan talablarni turli metodlar yordamida tashkil etishni nazarda tutadi.

Kalit so'zlar: Ma'lumotlar bazasi, ma'lumotlar bazasini tashkil etish turlari, dasturiy ta'minot, dasturiy ta'minot qurish strukturalari, FIFO, LIFO metodlari, Axborot texnologiyalari markazi.

I. KIRISH

2017–2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini “Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili”da amalga oshirishga oid davlat dasturida belgilangan vazifalarga muvofiq hamda iqtisodiyot tarmoqlari va davlat boshqaruvi tizimiga zamonaviy axborot texnologiyalarini keng joriy etish va telekommunikatsiya tarmoqlarini kengaytirish orqali respublika iqtisodiyotining raqobatbardoshligini yanada oshirish maqsadida [1] keyingi vaqtda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish bo'yicha izchil chora-

tadbirlar amalga oshirilmoqda, davlat organlari va boshqa tashkilotlarda elektron hujjat almashinuvi hamda jismoniy va yuridik shaxslarga xizmat ko'rsatish uchun elektron tizimlar bosqichma-bosqich joriy etilmoqda [2]. Bu esa barcha sohalarda zamonaviy axborot kommunikatsiya qurilmalaridan keng va salmoqli ko'rinishda foydalanilayotganidan dalolatdir. Yuqorida qayd etilganidek, xizmat ko'rsatish sohasida elektron tizimlarni qo'llash hozirgi kunda barcha sohalarda ustuvor vazifalardan biriga aylanmoqda. Chunki insoniyat hayot darajasining o'sishi va xizmat ko'rsatish sohalariga bo'lgan talabning keskin ortishi natijasida ushbu sohalarda bir qancha noqulayliklar vujudga kelmoqda. Jumladan:

- xizmat ko'rsatish shahobchalarida buyurtmachilar navbatlarining kattaligi;
- qabul qilinayotgan buyurtmalarga xizmat ko'rsatish tezligining pasayishi va buning natijasida ba'zi buyurtmalar dolzarbligining yo'qolishi;
- buyurtmalarga o'z vaqtida xizmat ko'rsatilmaligi natijasida ish unumining pasayishi va hokazolar sodir bo'lmoqda.

Shu sababli hozirgi kunda barcha xizmat ko'rsatish va sanoat tarmoqlarida elektronlashtirilgan buyurtma qabul qilish portallari asta-sekin joriy qilinmoqda. Buning natijasida esa ish hajmini yangi-yangi bosqichlarga ko'tarishga erishilmoqda. Ushbu ishlarni amalga oshirish va ish jarayonini yangi bosqichga ko'tarish maqsadida Toshkent davlat transport universitetining Axborot texnologiyalari markazi(ATM) ish jarayonlari uchun elektron xizmat buyurtmalarini berish tizimini ishlab chiqish ishlari amalga oshirilmoqda.

II. MUAMMONING QO'YILISHI.

Avvalambor, ushbu ishlarni amalga oshirish Axborot texnologiyalari markazi ish jarayonlarini o'rganish, ma'lumotlar yig'ish va ularni tahlil etish ishlari bilan boshlandi. Buning natijasida ma'lum bo'ldiki, hozirgi vaqtda ish jarayonlari telefon qo'ng'iroqlari yoki yuzma-yuz ko'rishish orqali tashkillashtirilayotgan bo'lib, buning natijasida hamma vaqt ATM xodimi o'z buyurtmachilari bilan bog'lanish imkoniyati mavjud bo'lmaydi. Chunki har bir ATM xodimiga katta ko'lamdagi ish hajmi yuklatilgan bo'lib, bunda har bir xodim bir vaqtning o'zida bir qancha sohalar bo'yicha o'z ish faoliyatini tashkillashtiradi.

Bu esa o'z navbatida, ushbu bo'lim xodimlari hamma vaqt o'z ish o'rnida bo'lishi uchun to'sqinlik qiladi.

III. METOD.

Shu sababli ushbu bo'lim ish jarayonini jadallashtirish hamda zamonaviy axborot kommunikatsiya vositalarini qo'llagan holda, xodimlar va buyurtmachilar o'rtasida doimiy aloqani ta'minlash maqsadida Axborot texnologiyalari markazining elektron buyurtma qabul qilish tizimini amalga oshirishga kirishildi. Hozirgi kunga kelib, ish jarayonlari uch bosqichda amalga oshirilayotgan bo'lib, ular quyidagilardan iborat:


- ish jarayoni yuzasidan tahlillarni amalga oshirish;
- tizimda amalga oshiriladigan barcha jarayonlarni qayd etib borish uchun ma'lumotlar bazasini shakllantirish;
- xodim va buyurtmachilar o'zaro aloqasini ta'minlash uchun dasturiy ta'minot ishlab chiqish.

Birinchi bosqich. Yuqorida ta’kidlanganidek, ish jarayonlari ATM ish jarayonini izchil o’zganish bilan boshlandi. Buning natijasida hozirgi kunda ATM da quyidagi xizmat ko’rsatish jarayonlari amalga oshirilayotganligi aniqlandi:

- kompyuter va printer qurilmalariga texnik xizmat ko’rsatish;
- kompyuter tarmog’i liniyalarini hosil qilish;
- kafedralar va bo’limlar xodimlariga texnik va amaliy maslahatlar berish.

Ikkinchi bosqich. Ish jarayoni uchun ma’lumotlar bazasini tashkil etish ishlari ma’lumotlar bazasi haqidagi zaruriy ko’rsatkichlarni o’rqnash jarayonini ham qamrab oldi. Unga ko’ra ma’lumotlar bazasi – bu bir yoki bir nechta dasturiy ta’minotlar uchun mo’ljallangan ombor(baza) bo’lib, ma’lumotlarni saqlash va ulardan zarur hollarda foydalanish imkonini beruvchi majmuadir. Shuningdek, ma’lumotlar bazasini yaratish va uni boshqarish ma’lumotlar bazasini boshqarish tizimi yordamida markazlashgan holda amalga oshiriladi. Ma’lumotlar bazasini boshqarish tizimi (ma’lumotlar bazasini boshqarish, ma’lumotlar bazasini yaratish), ularning zamonaviyligini ta’minlash va ulardan kerakli ma’lumotlarni qidirishni tashkil qilish uchun zarur bo’lgan dasturiy ta’minot majmui hisoblanadi.

Bu esa barcha tizimlarni tashkil etish jarayonlarida birinchi darajadagi ishlar tahlil etilgan ish jarayon asosida ma’lumotlar bazasini imkon qadar to’liq yaratishni nazarda tutadi. Yuqoridagi vazifa asosida ATM uchun ma’lumotlar bazasini shakllantirish ma’lumotlar bazasining tuzilish strukturasi aniqlash jarayonlari bilan boshlandi hamda yuqorida to’plangan ma’lumotlar asosida quyidagi ma’lumotlar bazasining tuzilish strukturasi ishlab chiqildi(1-rasm).




1-rasm. ATM xizmat buyurtmalarini qayd etib borish tizimi uchun ma’lumotlar bazasi tuzilishning strukturaviy sxema (ER-diagramma)si.

1-rasmga asosan ,ATM bo’limida amalga oshiriladigan ish jarayonlari bir vaqtning o’zida universitetning barcha bo’lim va kafedralari bilan uzviy bog’liq holda bo’lib, uzluksiz aloqani ta’minlash vazifasini qo’yadi. Bunga ko’ra bo’lim yoki kafedradan buyurtma amalga oshirayotgan  buyurtmachi  xizmat buyurtmasi turini tanlaydi hamda  ATM bo’limi xodimini tanlash orqali ma’lumotlarni yakuniy  ma’lumotlar bazasida saqlanishini ta’minlaydi. Shu bilan bir qatorda,  ATM xodimining ish jarayonidan qoniqish hosil qilinmagan holatlar uchun norozilik bildirish

uchun elektron ro'yxatga olish tizimi ham yaratiladi. Shu bilan birgalikda, bir vaqtning o'zida biz yaratayotgan ma'lumotlar bazasiga bir necha xizmat buyurtmalari qayd etishilining imkoniyati yaratilishini ham talab qiladi. Bu esa ushbu jarayonda hozirgi kunda foydalanishda bo'lgan va ish jarayonlari uchun ijobiy natijalar qayd etayotgan ma'lumotlar bazalarini tahlil qilish vazifasini ham qo'yadi. Hozirgi kunda ma'lumotlar bazasi yaratish uchun mo'ljallangan juda ko'plab tizimlar mavjud, ammo ularning barchasi ham bir vaqtning o'zida bir necha foydalanuvchilarga ma'lumotlardan foydalanish uchun imkon bermaydi. 1-rasmga asosan esa biz ATM xizmat buyurtmalarini qayd etib borish uchun ko'p foydalanuvchilar bilan ishlay olish imkoniyatiga ega bo'lgan ma'lumotlar bazasi yaratish tizimini tanlashimiz zarur bo'ladi. Hozirgi vaqtga kelib, bir qancha ma'lumotlar bazalarini boshqarish tizimlari mutaxassislar tomonidan keng foydalanilayotgan bo'lib, bu tizimlar o'z navbatida bir necha turlarga bo'linadi. Xususan, NoSql va Sql turidagi ma'lumotlar bazalari shular jumlasidandir. Bunda, NoSQL ma'lumotlar bazalari maxsus ma'lumotlar modellari uchun mo'ljallangan va zamonaviy dasturlarni yaratish uchun moslashuvchan jadvallarga egadir. Shu bilan birga, Big Data (katta hajmdagi ma'lumotlar) uchun ishlab chiqish qulayligi, funktsionalligi va ishlashi uchun kengligi bilan alohida e'tirof etiladi. Unda hujjat, diagramma, kalit qiymati, xotira va qidirish kabi turli xil ma'lumotlar modellaridan foydalaniladi [3]. SQL esa ma'lumotlar bazalari bilan ishlash uchun standart til bo'lib, ma'lumotlar bazasi yozuvlarini kiritish, qidirish, yangilash va o'chirish uchun ishlatilishi mumkin. SQL ma'lumotlar bazalarini optimallashtirish va ularga xizmat ko'rsatishni o'z ichiga olgan boshqa ko'plab operatsiyalarni bajarishi mumkin [4].

IV. NATIJA VA MUHOKAMALAR.

Yuqoridagi ma'lumotlar bazalarining qisqa tahlillari shuni ko'rsatadiki, tashkil etilishi nazarda tutilgan ATMning elektron buyurtmalar qabul qilish tizimi uchun SQL turidagi ma'lumotlar bazasini shakllantirish yetarli ahamiyat kasb etib, quyida uning tuzilish jarayoni yoritiladi. ATM bo'limining ish jarayonini o'rganish bilan olib borilgan tahlillar shuni ko'rsatdiki, ish jarayoni uchun tartiblashgan hamda ko'p foydalanuvchilar bilan ishlash imkoniga ega ma'lumotlar bazasini shakllantirish zarur bo'ladi. Ushbu jarayonda ma'lumotlar bazalarini qurish ishlarini PhPMyAdmin dasturidan foydalanilgan holda amalga oshirildi. Ushbu dastur foydalanuvchilar uchun qulay ish muhitiga ega bo'lish bilan bir qatorda bizning ko'p foydalanuvchilar tomonidan kelib tushadigan xizmat buyurtmalarimizni ham qayd etib borish uchun yetarli darajada ish unumdorligiga egaligi ushbu tizimning tanlanishiga zamin yaratdi. ATM ma'lumotlar bazasining tuzilish ER-diagrammasi 2-rasmda keltirilgan:



2-rasm. Ma'lumotlar bazasini tuzishning ER-diagrammasi.

Quyida 2-rasm asosida PhPMYAdmin dasturidan foydalanilgan holda Toshkent davlat transport universiteti ATM ish jarayonlaridagi xizmat buyurtmalarini qayd etib borish uchun yaratilgan va ma'lum ma'lumotlar bilan to'ldirilgan ma'lumotlar bazasining ishchi holati keltirilgan(3 rasm).

id_kafedra	Nomi	Joylashgan_xona	Joylashgan_qavat	Telefon_raqam
10	Ijtimoiy-gumanitar fanlar	379-xona	3-qavat	99-511-56-84
2	Transportda axborot tizimlari va texnologiyalari	580-xona	5-qavat	90-120-59-80
6	Material shunoslik va mashinoshlik	150-xona	1-qavat	99-001-23-71
11	Tillar kafedrası	389-xona	3-qavat	91-536-69-89
12	Vagonlar kafedrası	143-xona	1-qavat	97-498-65-98
13	Temir yo'ldan foydalanish ishlarini boshqarish kaf.	349-xona	3-qavat	77-696-89-49
14	Oby matematika kafedrası	304-xona	3-qavat	99-598-69-39
15	Temir yo'llar qurilishi yo'l va yo'l xo'jaligi kaf.	201-xona	2-qavat	90-459-45-46
16	Radioelektron qurilmalar va tizimlari kafedrası	257-xona	2-qavat	90-153-45-65
17	Automatika va telemexanika kafedrası	258-xona	2-qavat	97-456-56-86


3-rasm. Ma'lumotlar bilan to'ldirilgan ma'lumotlar bazasida kafedralar jadvalining ko'rinishi

Uchinchi bosqich. So'ngra keyingi jarayonlar yuqoridagi ma'lumotlar bazasi bilan bog'langan hamda foydalanuvchilar uchun qulay ish muhitiga ega bo'lgan dasturiy ta'minot yaratish bilan bog'liq bo'lib, ushbu jarayonda dasturiy ta'minot uchun qo'yiladigan talablarni oldindan aniqlab olish maqsadga muvofiq.

Unga ko'ra dasturiy ta'minot yaratish ishlari Axborot texnologiyalari markazining ish jarayonlaridan kelib chiqqan holda quyidagi shartlar asosida amalga oshiriladi:

1. Dasturiy ta'minot xodimlar va buyurtmachilar uchun qulay va alohida bo'limlardan tashkil topishi zarur;
2. Qabul qilinayotgan buyurtmalar doimiy ravishda qayd etib borilishi lozim hamda ushbu ma'lumotlardan zarur hollarda foydalanish imkoniyati yaratilishi zarur;
3. Dasturiy ta'minot barcha uchun ixtiyoriy texnik ta'minot yordamida qo'llab-quvvatlanish imkoniga ega bo'lishi zarur.

Yuqorida keltirilgan talablar asosida dasturiy ta'minot yaratish bosqichlari va ularning ish jarayonlarini amalga oshirishni quyidagi tashkiliy struktura asosida barpo etish maqsadga muvofiqdir(4-rasm).



4-rasm. ATMning dasturiy ta'minot tuzish strukturasi.

4-rasmdan shuni ko'rish mumkinki, barcha turdagi xizmat buyurtmalari doimiy ravishda ma'lumotlar bazasida qayd etib boriladi hamda ushbu ma'lumotlardan zarur holatlarda foydalanish imkoniyati yaratiladi. Shu bilan birgalikda, tizimdan foydalanish natijasida barcha turdagi buyurtmalarni masofaviy tarzda tahlil qilish orqali vaqtdan unumli foydalangan holda tezda amalga oshirish ham mumkin bo'ladi. Jumladan, hozirgi kunda universitet bosh binosi hududi 7 ta sektorga ajratilgan bo'lib, ATM xodimi o'z xizmat vazifasini turli hududlarda amalga oshirishi mumkin. Misol tariqasida ATM xodimi o'z xizmat vazifasini universitet hududining 1-sektorida amalga oshirmoqda, deb tassavur qilsak hamda 2-sektorda joylashgan universitetning biron bo'limi yoki kafedrasi tomonidan xizmat buyurtmasi kelib tushishi tizim tomonidan qayd qilinadi va xizmatchining ushbu murojaatni ko'rish buyurtmaching muammosini ortiqcha kutishlardan bartaraf etadi va xizmatchi ushbu buyurtmani tezda hal etishi mumkin bo'ladi. Agarda ushbu jarayonni hozirgi kundagi ish jarayoni bilan taqqoslaydigan bo'lsak, quyidagi farqlarni ko'rishimiz mumkin. Hozirgi vaqtda ishning amalga oshirilishi yuqoridagi misol kesimida:


1. ATM xodimi 1-sektorda amalga oshirayotgan vazifasini yakunlaydi hamda o'z ish joyiga qaytadi(ATM universitetning 7-sektorida joylashgan).
2. Buyurtmachi xodim bilan aloqaga chiqadi yoki ATMga tashrif buyurgan holda murojaatni amalga oshiradi.
3. ATM xodimi buyurtmani qabul qilganidan so'ng qayta universitet 2-sektoriga tashrif buyuradi va xizmat vazifasini bajaradi(universitet 2-sektori 1-sektor yonida joylashganligi bois xodim 2-sektorga qaytib borishi zarur bo'ladi).

Elektron xizmat buyurtmalarini qabul qilish tizimi ish jarayoniga tatbiq qilinganidan so'ng jarayon quyidagicha amalga oshirilishi rejalashtirilmoqda:

1. ATM xodimi 1-sektorda amalga oshirayotgan vazifasini yakunlaydi hamda tizim orqali qo'shni sektorlardan buyurtmalar mavjudligini tekshiradi.

2. Buyurtma mavjudligi aniqlansa, ushbu vazifa uchun yo'nalish tanlaydi hamda 1- va 7-sektorlar oralig'ida ushbu vazifalarni bajarishni amalga oshiradi.


Yuqoridagi ish jarayonlarini amalga oshirish bosqichlarini ish jarayonini baholashning FIFO(First-In, First-Out) va LIFO(Last-In, First-Out) tizimlari bilan bog'lasak, hozirgi kundagi ish jarayoni FIFO tizimi asosida amalga oshirilayotganligini va bunda quyidagi struktura asosida amalda ekanligini ko'rishimiz mumkin(5-rasm).



5-rasm Ish jarayonlarining FIFO metodi asosida amalga oshirilishi.

5-rasmdan shuni ko'rish mumkinki, ish jarayoni faqat bir xil struktura asosida bir yo'nalishdagina amalga oshirilishi ko'zda tutilgan bo'lib, bu tizimdagi ish jarayonlarida buyurtmalarning to'planib qolish holatlarini keltirib chiqarish ehtimolligini oshiradi. Shu bilan birgalikda, bu orqali korxona miqyosida bajariladigan ishlarning tugallanish vaqtlarini kechiktirib bo'lmaslik koeffitsientlarini baholashga ham katta e'tibor qaratmaydi. Bu esa o'z navbatida ish jarayonida katta uzilishlarga yo'l qo'yilmasligi lozim bo'lgan bo'lim yoki o'quv jarayonlarida turli xildagi muammolarga duch kelinishida muhim ahamiyat kasb etadi.

Ammo ish jarayonlarida LIFO metodini ham, FIFO metodi bilan birgalikda qo'llash ushbu jarayonlardagi kamchiliklarni bartaraf etishda katta ahamiyat kasb etadi(6-rasm).



6-rasm Ish jarayonlarida FIFO va LIFO metodlarini birgalikda amalga oshirish

6-rasmga asosan shuni ko'rish mumkinki, ish jarayonida FIFO va LIFO tizimlaridan birgalikda foydalanish ish vaqtida katta uzilishlar kuzatilishi mumkin bo'lgan jarayonlarda juda katta ahamiyat kasb etadi hamda ularning bartaraf etilishini tezlik bilan amalga oshiradi. Bu esa ish va o'quv jarayonlarini yanada sifatli tashkil etishda muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bilan birgalikda, ATM xodimining yo'l uchun sarflanayotgan vaqtini qisqartirish va ushbu vaqt me'yori ish unumdorligini oshirish uchun sarflashga imkon yaratadi.

Quyida yuqoridagi talablar va ish jarayonini o'rganishlar natijasida yaratilgan dasturiy ta'minotning bir qancha ishlash jarayonidagi ko'rinishlari keltirilgan(7-rasm).

№	Status	Kafedra va bo'limlar	Murojaat qiluvchi	Telefon	Bajarildi	Bajarilmoqda
1	Dilbard	Bozorga'chilik bo'limi	Nodima	+99874123796	1	
2	Bartiyor	Elektronra'stishka dakanat	Fayziddin	40078	1	
3	Bartiyor	Texnologiya sarfashligi	Dilbard	40004	1	

7-rasm. ATM uchun yaratilgan dasturiy ta'minotning umumiy ko'rishnislari.

V. XULOSA.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, har qanday dasturiy ta'minot qurish jarayoni ma'lumotlar bazasi qurish tizimi bilan uzviy bog'liq holda amalga oshirilib, bunday tizimlarni iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida qo'llash ish jarayonlarida katta hajmdagi ma'lumotlarni doimiy ravishda nazorat qilish uchun asosiy omil bo'lib xizmat qiladi hamda ularning zamonaviy dasturlar yordamida boshqarilishini ta'minlash orqali esa xodimlarning ishlash jarayonlarida qulayliklar yaratish bilan birgalikda ma'lumotlar bazalarida saqlanayotgan ma'lumotlarning xavfsizligini ta'minlash vazifasini ham bajaradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017–2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini “Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili”da amalga oshirishga oid davlat dasturi to'g'risida 02.03.2020dagi PF–5953-sonli farmoni.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida raqamli infratuzilmani yanada modernizatsiya qilish chora-tadbirlari to'g'risida”gi 21.11.2018 dagi PQ–4022-qarori.
3. <https://uz.itpedia.nl/tag/database/>.
4. <https://community.uzbekcoders.uz/post/ma-lumotlar-bazasi-va-sql-nima-5f893a48df4c3f70c2a7e7b9>.
5. Барковский Е.А., & Соколов А.В. (2015). Оптимальное управление двумя параллельными FIFO-очередями на бесконечном времени. Информационно-управляющие системы, (5), 65-71. <https://doi.org/10.15217/issn1684-8853.2015.5.65>.

TRANSPORT SOHASIDA BIOMETRIK YECHIMLAR

Nuriddin G'AFFOROV,

Toshkent davlat transport universiteti

Muxamadaziz RASULMUXAMEDOV,

f.-m.f.n., dotsent, Toshkent Davlat transport universiteti Transportda axborot tizimlari va texnologiyalari kafedra mudiri

E-mail: mrasulmuxamedov@list.ru

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp216-218>

Annotatsiya: Ushbu maqolada biometriya tushunchasi, biometrik tanib olish va biometrik identifikatsiyalash masalalari yoritilgan. Shuningdek, transport sohasida biometrik texnologiyalarini qo'llash vazifalari belgilangan.

Kalit so'zlar: biometriya, biometrik texnologiya, biometrik tanib olish, biometrik tizim, biometrik identifikatsiyalash.

Aholi zichligi yildan yilga oshib borayotganligi sababli kelajakda transport obyektlarida xavfsizlikni ta'minlashda yangi muammolar paydo bo'lishini taxmin qilish mumkin. Shu sababli shahar infratuzilmasini nazorat qilish masalasi oldindan

ko'tarilishi kerak. Shaharlarda yo'l harakati xavfsizligi ustuvor vazifalardan biridir. Bu ko'plab odamlarning xatti-harakatlarini nazorat qilish uchun kerak, chunki butun dunyo bo'ylab jamoat transportiga tahdidlar ko'p ta'sir qiladi. Ammo hozirgi kunda mashinalar oqimini boshqarish, jamoat transporti ichida nima bo'layotganini bilish yetarli darajada emas.

Transport sohasida harakatlarni kuzatib borish va jamoat transporti harakatini tahlil qilish va ularning optimal yo'nalishlarini aniqlashda, shuningdek, avtomobil harakatini va transportdagi tirbandliklarni monitoring qilishda biometrik texnologiyalarini qo'llash vazifalari belgilangan.

XX-asrning birinchi qismida biometriya tushunchasi insoniyatga “ko'p sonli populyatsiyalar o'rtasidagi farq haqida statistik ma'lumot olish” ma'nosini berar edi. 1980-yilga kelib bu tushuncha aholi statistikasi va biologiyasidan ko'proq narsani o'z ichiga ola boshladi va “Avtomatlashtirilgan shaxsiy identifikatsiya” (API) tushunchasi bilan uzviy bog'landi. 1980-yillarda API sohasi barmoq izlari, iris(ko'zning to'r pardasi), ovoz, imzo, yuz va barmoq uzunligini aniqlash kabi texnologiyalarni qamrab oldi. Individual odamlarni farqlash maqsadida APIning tor ma'nosida “Biometriya” atamasidan foydalanish odatga aylandi. Acuity Market Intelligence hisobotiga ko'ra (2009–2017-yillarda), biometrik texnologiyalar bozori har yili 20% atrofida o'smoqda.

Biometriya-bu insonning o'ziga xos fiziologik yoki xulq-atvor xususiyatlarini o'lchash, tahlil qilish va qayd qilish uchun mo'ljallangan ilmiy yoki texnologik usullarni o'rganish haqidagi fan. Yuz, barmoq izlari, irisi va h.k. shaxsning da'vo qilingan shaxsini biometrik tekshirish yoki shaxsini aniqlash (biometrik identifikatsiya) maqsadida ma'lumotlar bazasidagi shablonlarga (masalan, identifikator bilan belgilangan yuz tasvirlari) xususiyatlarini taqqoslaydi [1].

Biometriya turli sohalarda o'nlab yillar davomida ishlatilgan bo'lsa-da, zamonaviy texnologiya bu haqida ko'proq tushuntirishga yordam berdi. Masalan, so'nggi smartfonlarning ko'pchiligi barmoq izlari skanerlari yoki qurilmani qulfdan chiqarish uchun yuzni tanib olish xususiyatiga ega. Biometriya insoniy xususiyatlarni bir kishidan boshqasiga ajratib beradi - bizning shaxsiylikimiz parol yoki PIN-kodlarga kirish o'rniga identifikatsiyalash \ autentifikatsiya qilish vositasi bo'ladi.

Biometrik tanib olish qanday amalga oshiriladi? Biometrik tanib olish, asosan, naqshlarni tanib olish muammosi sifatida o'rganiladi, ya'ni shaxsning biometrik atributlarida uning aniq xususiyatlarini – naqshlarini o'rganadi. Biometrik tanib olish tegishli ravishda ishlab chiqilgan datchiklar yordamida shaxs xususiyatlari ma'lumotlarini raqamli formatda yozib olish va olingan ma'lumotlarni da'vo qilingan shaxs ma'lumotlari bilan solishtirish jarayonlari orqali amalga oshiriladi. Bu inson aralashuvisiz amalga oshiriladigan avtomatlashtirilgan jarayon hisoblanadi. Biometrik tizim bu mohiyatan naqshni tanib olish tizimi bo'lib, u quyidagi 4 ta asosiy qurilish bloklaridan tashkil topgan:

1. Datchiklar.
2. Xususiyatlar chiqaruvchi.
3. Ma'lumotlar bazasi.
4. Moslashtiruvchi.

Transportda biometrik yechimlar nima? Transportda biometrik ko'rsatkichlar, asosan, yo'lovchilar oqimini aniqlaydi: u jinsi, yoshi, jismoniy xulq-atvorini tan oladi va huquqbuzarlarni eslaydi. Transportdagi biometriya bir vaqtning o'zida harakatda

bo'lgan bir nechta odamni aniqlashga qaratilgan. Oddiy “aqlli” kamera bu vazifani bajara olmasligi mumkin. Shaxsni tanib olish neyron tarmoqlar, mashinani ko'rish va sun'iy intellektdan iborat “aqlli” tizimga asoslangan.

Yuqorida muhokama qilinganidek, transport vositalari uchun aqlli biometrik kameralar an'anaviy kuzatuv qurilmalaridan farq qiladi. Ularga yanada qattiq talablar qo'yiladi:

- kamera tashqi ta'sirlardan yaxshiroq himoyalangan bo'lishi kerak;
- qurilma bir vaqtning o'zida harakatlanayotgan va har xil burchakdagi bir nechta odamni shaxsiylashtirishi kerak. Keyinchalik samarali ishlash uchun olingan ma'lumotlarni tahlil qilish kerak. Bunga videotahlil yordam beradi, videotahlil quyidagi funksiyalarni bajaradi:

- transportga kiruvchi va chiquvchi odamlarning sonini hisoblash;
- odamlarning “oq” va “qora” ro'yxatlarini tuzish va qoidabuzarlar topilgan taqdirda ularga xabar berish;
- odamlarni jinsi va yoshiga qarab ajratish.

Xulosa. Transportdagi videokuzatuv – biz uchun allaqachon tanish narsa. Ammo aholi ko'payishi bilan an'anaviy kameralar biometrik o'quvchilarga yangilanadi. Bu transport biznesini yanada samarali boshqarishga va odamlar xavfsizligini ta'minlashga yordam beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Anil K. Jain, Arun A. Ross, Karthik Nandakumar- Introduction to Biometrics-Springer, 2011.
2. Stan Z. Li, Anil K. Jain -Encyclopedia of Biometrics-Springer, 2015.

TEMIR YO'LCHILARNING MALAKASINI OSHIRISH FAKULTETI UCHUN DASTURIY TA'MINOTNI ISHLAB CHIQISHNING AHAMIYATI

Muxamadaziz RASULMUXAMEDOV,

f.-m.f.n., dotsent, Toshkent Davlat transport universiteti Transportda axborot tizimlari va texnologiyalari kafedra mudiri

E-mail: mrasulmuxamedov@list.ru

Raximjon RAUFJONOV,

Toshkent davlat transport universiteti

DOI: <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-0-1-pp218-224>

